


R 496

Guliston

2014/2

313  
№ 2





# Har kunimiz Navrō'z bo'lsin!

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!  
Муҳтарам меҳмонлар!  
Биз Ватанимиз ва эл-юртимизнинг тарихий сана ва айёмларига бағишланган байрамларни катта тайёргарлик ва хурсандчилик билан ўтказамиз.

Лекин, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: аини шу кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи, шарқона янги йил дебочаси бўлмиш Наврӯзи оламни кутиб олиш ва ўтказиш маросимлари ва хурсандчилигини ҳеч қайси байрам билан солиштириб, қиёслаб бўлмайди, албатта.

Бугун, шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал майдонда байрамона кайфият билан жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни билдириб, Наврӯз айёми билан табриклаш – мен учун катта бахт.

Азиз дўстларим!

Наврӯз айёмини халқимиз нақадар орзиқиб ва интизор бўлиб кутиб олаётгани, бу байрамни энг қадимий ва асл миллий байрам сифатида ана шундай ардоқлаб ўтказишимиз, ҳеч шубҳасиз, бежиз эмас ва бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Бунинг сабабини аввало Наврӯз ғояларида минг йиллар давомида, "Авесто" замонларидан буён халқимизнинг безавол сақланиб келаётган қадимий урф-одат ва удумлари мужассам топганида, ҳамоҳанг бўлганида кўришимиз даркор.



# O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning Navro'z bayramiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi tabrik so'zi

Бундай муносабат – аввало кўҳна ва буюк тарихимизга, улуғ аждодларимиз қолдирган меросга, бой маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром билан қараш деганидир. Шу билан бирга, бундай муносабат – узоқ ва яқин ўтмишимиз давомида, ўта мураккаб дамларда қандай қийин бўлмасин, қандай оғир синовлардан ўтишга тўғри келмасин, муқаддас қадриятларимизга хиёнат қилмасдан, уларга доимо садоқатли бўлиб яшаётганимиз, уларни эъзозлаб, авайлаб, янги авлодга етказиб келаётганимизнинг ёрқин ифодаси ва тасдиғидир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканимизни беихтиёр чуқур ҳис қиламиз.

Айни шу паллада худдики табиат олами билан уйғун ва муштарак бўлиб, бу осуда ҳаётнинг ҳар бир кунининг қадрига етиб, шукроналик ҳиссиёти билан яшаш кераклигини яна ва яна бир бор англаймиз.

Бундай ажойиб лаҳзаларда миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила шоду хуррамлик билан баҳор соғинчи ва орзу-ниятларини, ёруғ чехрасини намён этишга интилади.

Шу файзли, шодиёна кунларда ҳар қандай гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, қалбини дунёга кенг очиб, Наврўз неъматларини, байрам қувончини яқинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истайди.

Барча-барчага соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайди, табаррук кексаларни зиёрат қилишга, уларнинг дуосини олишга ҳозир бўлади.

Шу мўътабар айёмда беморлар, етим-есирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш – буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагида сақлаб келаётганидан дарак беради.

Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман – ҳеч қачон!

Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нимани истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршилиқлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий

музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хоҳлайди.

Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айна шундай тилакларни раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, бугун мана шу даврада ўтирган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, бутун дипломатик корпусни, олис ва яқиндаги мамлакатларнинг халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга раванқ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстларим!

Менинг истагим – мана шу шукуҳли, тароват сочилиб турган дамларда шу муаззам боғда бизга меҳр билан боқиб турган буюк Алишер Навоий бобомизнинг "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" деган тилаклари худди янгитдан қулоғимизга чалингандек туюлсин, шундай хуш кайфият сиз, азизларимга, бутун эл-юртимизга доимо ёр бўлсин.

Бугун ҳаётга кириб келаётган, билаги куч-қувватга тўлиб бораётган йигит-қизларимизнинг очик чехрасига боқиб, айтмоқчиман – барчамиз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришинизга, етук ва барқамол авлод бўлиб вояга етишинизга қараб, халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради.

Шунинг учун ҳам биз ўзлигини, ўз кадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз ва навқирон, кўзни қувонтирадиган болаларим – Наврўзи олам барчангизга баҳордек очилиш, бахт ва омад, севги-муҳаббат олиб келсин, энг эзгу орзуларингизни рўёбга чиқариш сизга насиб этсин.

Азиз қадрдонларим!

Осмониимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин, ака-укаларимиз, опа-сингилларимизнинг кўнглидаги пок ниятлари ижобат бўлсин!

**Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!**

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

O'zbekiston Respublikasi  
Madaniyat va sport  
ishlari vazirligi

## Tahririyat:

Bosh muharrir  
vazifasini bajaruvchi:

**Jalolbek YO'LDOSHBKOV**

Bosh muharrir o'rinbosari:

**Manzura SHAMS**

mas'ul kotib:

**Komil JONTOYEV**

fotomuxbirlar:

**Mashrab NURINBOYEV**

**Ahmad TO'RA**

sahifalash va dizayn:

**Azamat FAYZULLAYEV**

**Nigina QODIROVA**

navbatchi muharrir:

**Shermurod SUBHONOV**

## Jamoatchilik kengashi:

**Muhammad ALI**

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi

**Mahmud ISMOILOV**

O'zbek Milliy akademik  
drama teatri direktori

**Suvon Najbiddinov**

"Matbuot tarqatuvchi"  
AK Bosh direktori

**Abdulahob NURMATOV**

Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

**Baxtiyor Sayfullayev**

O'zbekiston Davlat san'at va  
madaniyat instituti rektori

**Norbek TOYLOQOV**

Pedagogika fanlari doktori, professor

**Jahongir QOSIMOV**

"O'zbekkino" Milliy agentligi  
Bosh direktori

**Rustam QOSIMOV**

"O'zbekiston pochta"  
OAK Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz  
guliston\_j@exat.uz

## Ushbu sonda:

**Akmal SAIDOV**

*Kristofer Marlo ijodida*

*Sohibqiron siymosi talqini*

**Muhammad YUSUF**

*Umrinni topshirib*

*Qo'ydim ko'nglimga*

**Ahmad A'ZAM**

*Quroq*

**Akmal TOSHEV**

*Uyg'oq qalbg'a orom yo'q*

**Eleonora G'ANIYEVA**

*Kino – ma'naviy tarbiya*

*vositasi*

**Shermurod SUBHON**

*Ilm va ma'rifat yo'lida*

*Ey yuzung bog'i nasimida havoyi navro'z,  
La'li tojing bo'lub ul bog'da bo'stonafro'z.  
Zulfu ruxsor ila koming'a meni yetkursang,  
Har tunung qadr o'lubon, har kuning o'lsun navro'z.*

*Alisher NAVOIY*

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008- yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. "Guliston" jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x84<sub>1/8</sub>. Buyurtma №39. Adadi: 1200 nusxa. Hajmi 6 b.t. Bosmaxonaga 03.04.2014- yilda topshirildi. Bosishga 03.04.2014- yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

**Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.  
Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8-uy.**



# G'animat damlar

Баҳорнинг дастлабки кунлари эди. Синглим қишлоқдан кўнғироқ қилди:

– Опа, бойчечаклар сийраклаб қолди, ялпизлар кўкпада, қирда қовпи, қонтовуқ чиқди, келмайсизми...

Унинг кейинги гапларини яхши илғай олмадим. Хаёлим болаликнинг кўчалари бўйлаб кезиб кетди... Оёғимиздаги калишчаларни қир кунгайига қатор қилиб, ялангоёқ ялпиз терганларимиз, бойчечак, чучмома, телпагуллардан чамбарак қилиб бошимизга таққанларимиз, қош қорайганда уйга келиб, кўксомса пишгунча ухлаб қолганларимиз... Энг қизиги – қирдан қонтовуқ кавлаб келсак, энам уни меҳр билан қўлимиздан олиб, омонлиқ қилганлари... Кейин бунинг қандай ўсимлик экани, уни нега бунча яхши кўриши ҳақида гапириб берганлари...

Ўша халқ бошига оғир кунлар тушган, бунинг устига, иликузилдиям чўзилган бир пайтда энамнинг онаси қирдан қонтовуқ териб, болаларини пишиқчиликка етказган экан. Қонтовуқ (қанд тотиг бўлса керак) ўзи ажойиб ўсимлик. Фақат қир-адирда ўсади. Майин тукка беланган икки-учта барги тупроқни ёриб чиқади. Унинг илдизмеваси истеъмом қилинади. Пиёзчаси қора бўлиб, пўсти ичидан марвариддек оқ доналар чиқади. Ўсимлик шираси сутдек ширин, тўйимли. Хуллас, бир пайтлар энам очарчиликдан эсон-омон чиққани учун бу ўтдан миннатдор бўлади. Биз эса бу илдизмевани хуштаъмлиги учун яхши кўраимиз.

Чучмома ҳам болакайларнинг севимли кўклагги чечаги. Барглари ингичка, узун-узун, сиёҳранг

гуллайдиган бу ўсимликнинг оқ илдизи истеъмом қилинади. У асосан, тоқзор уватларида, сернам чим қоплаган жойларда ўсади. Болалиқда қизиқ бир одатимиз бор эди, чучмомани юшоқ нам ердан тортар эканмиз, оқ илдизи узун бўлиб пиёзчаси билан чиқсин дея қўшиқ куйлардик:

*Чучмомажон, чучмома,  
Оқ кўйлагинг кийиб чиқ.  
Кўйлагинг билан бирга,  
Пиёзчангни олиб чиқ...*

Синглим эшитяпсизми, деб қаттиқроқ айтгач, хаёлимни йиғиб оламан.

– Қишлоқда дарвешона қилинар экан. Келсангиз... синфдош қизларингиз кўп сўрашади...

Энди хаёлим дарвешонага кетади... Бу маросим баҳорда қишлоқ оқсоқоллари томонидан йил яхши келсин, ҳосил мўл бўлсин, деган ниятда ўтказиладиган миллий анъаналаримиздан. Бунинг учун икки-уч йигит уйма-уй кириб дарвешона бўладиган кун ва жойини айтиб чиқишади. Йигитлар индамай белбоғ тутати. Уй эгаси индамай атаган эҳсон пулини солади. Аслида бу урфнинг ҳам замирида ўнг қўлинг қилган савобни чап қўлинг билмасин, деган ҳикмат бўлса, ажабмас. Эзгу истаклар билан кишилардан йиғилган пулга қўй олиб, эҳсон оши пиширилади. Аёллар кулча, чалпак пишириб чиқишади. Уч томонга жой қилинади. Эркалар, аёллар ва болаларга. Дарвешона сўнгида кексалар ёмғир яхши ёғсин, йил яхши келсин, эккан-тиккан ҳосилларимиз мўл-кўл бўлсин, дея дуо

қилишади.

...Синглим қайси дугонамнинг нечта фарзандли бўлгани, қайсиникида тўй, қайсиникида нима гаплигини эринмай гапира бошлайди. Мен эса қишлоқда ўтказиладиган баҳорий удумларимиз, урф-одатларимиз, байрамларимиз ҳақида ўйлайвераман. Ҳар йили эрта кўклагда қишлоқдошлар ариқ ҳашарини уюштиради. Шу куни ҳар бир оиладан бир киши кўлига кетмон олиб, егулигини белига тугиб, тоққа қараб йўл олади. Улар ариқларни тозалаб, кўчат экишади. Ундан сўнг бирин-кетин Йилбоши, сумалак сингари байрам, анъаналаримиз бир-бирига уланиб кетади.


Йилбоши ўтказиладиган куни қишлоқ аҳли адирдаги ялангликка йиғилади. Дарвешона кўй сўйиб, дуо қилиниб ўтказиладиган маросим бўлса, Йилбоши ўйин-кулги, хурсандчилик билан нишонланадиган сайил. Яшилликка бурканган табиат кўйиндан жой ҳозирланади. Ҳамма уйдан кўксомса, қатлама, ялпиз чучвара, филминди, гўжа, кесканош, ширгуруч ва бошқа тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб чиқишади. Ҳамма нарса дастурхонга тўкиб қўйилади. Элда тўкинчилик бўлсин, дейилса керак-да! Йилнинг бошланиши билан барча одамлар бир-бирини табриклайди. Ўйин-кулги авжига чиқади. Халқимизнинг қадимдан мерос бўлиб келаётган кураш, арқон тортиш, чиллак каби ўйинлари ўйналади. Аёллар лапар айтиб, рақсга тушишади. Катта тутга ҳалинчак солиб, момолардан бошлаб, жажжи қизалоқларгача бир-бир талашиб-тортишиб учиб олишади. Шундай қилса, бир йиллик гуноҳлар тўкилармиш. Балки...


Бу пайтда эркалар “Чўпон сайлар” деган кичик маросимни ўтказишади. Асли қишлоқнинг чўпони қайта-қайта сайланавермаса ҳам, иримига маросим ўтказилади. Шундан сўнг оқсоқоллар узундан-узун дуо қилишади. Ҳамманинг Йилбошига ошиқиши аслида кўпнинг дуосига кўшилиш бўлса, ажабмас...

– Момом сумалак кўйипти. Чоршанба куни қозонга солишаркан... – синглим қишлоққа боришимни астойдил истаб, мен яхши кўрадиган гапларни айтади. Мен эса хаёлан қишлоқ кезаман. Раҳматли энамнинг сумалагидаги ўзгача тотни қишлоқ билан кўшиб соғинаман. Энам сумалак кўйган хонага ҳеч кимни киритмас, ўзи булоқнинг кўзидан сув олиб келиб, майса ундирарди. Қанча қизиқмайлик, ўша саришта хонасига бизни киритмасди. Сумалакка покизалик керак, дерди. Сумалак қилинишидан олдинги кун эса ҳаммамиз уй чиқариб тозалар, томорқа, ариқ, дарахтлар атрофи, хуллас, ҳамма жой покларди. Энам сумалак бўладиган жойга фаришталар келади, ҳамма жой саришта бўлсин, дерди. Аслида қишдан димиқиб чиққан уйларимизни сумалак баҳона бир шамоллатардик. Сумалакни сузганда аввал етим-есир, кексалар, аздорларга тарқатар, кейин бирин-кетин кўни-кўшнларга берарди...

Синглимга яқин кунларда қишлоққа оилавий боришимизни ваъда қилиб хайрлашдим. Телевизорда ҳофизнинг “Дўстлар, ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар”, деб куйлаши хаёлларим билан уйғунлашиб кетди...

Дилфуза КЕНЖАЕВА





# KRISTOFER MARLO IJODIDA SOHIBQIRON SIYMOSI TALQINI

Тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган Амир Темури ҳазратлари ҳаёти ва фаолияти қарийб олти асрдан буён бутун дунё олимлари, адиблари ва санъат аҳли, шу жумладан, Фарбнинг санъат намояндалари эътиборини тортиб келмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, машҳур Вильям Шекспирнинг салафи, таниқли шоир ва драматург **Кристофер Марлонинг “Буюк Амир Темури”** трагедиясини алоҳида тилга олиш ўринлидир. Англия драматургияси ва театри тарихида К.Марло бевосита В.Шекспирдан олдин маълуму машҳур бўлган шоир ва драматург ҳисобланади.

К.Марло антик давр муаллифларига, хусусан, трагедияда – Сенекага, комедияда – Плавт ва Теренций ижодий тажрибасига таянган ҳолда, илк бор саҳнага ҳаётда мавжуд бўлган инсонлар образини олиб чиққан. Бу образлар орасида, ҳеч шубҳасиз, энг таъсирчани ва энг эсда қоладигани – оташин, жозибадор Амир Темури тимсолидир. “Буюк Амир Темури” трагедиясининг муқаддимасидаги ушбу сатрлар юқоридаги эътироф билан бевосита ҳамоҳангдир:

*Қўлбола шеърларнинг жиканглашию  
масҳара йўлида кун кўрганлардан  
жанговар чодирга сизни бошлайлик.  
У ерда жаҳонни сўз-ла ларзага,  
қилич-ла мулкларга даҳшат солувчи  
скифларнинг бошлиғи Темури тингланг.  
Ҳожейи кўзгуда суратин кўргач,  
куш келса қисматин сўнгера олқишланг.*

“Буюк Амир Темури” трагедияси икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми 1587 йиллар атрофида, ҳойнаҳой, К.Марло Кембрижда таҳсил олаётган даврда ёзилган. Мазкур трагедия илк бор Лондонда саҳналаштирилиб, 1587–1588 йилларнинг киш фаслида намойиш этилган. Пьеса шу қадар

катта муваффақият қозонганки, замондош англис драматурглари орасида бир зумда энг пешқадам адибга айланган К.Марло дарҳол асарнинг давомини ёзишга киришган. Адиб трагедиянинг иккинчи қисмини 1588 йилнинг баҳор-ёз ойларида саҳналаштиришга муваффақ бўлган.

К.Марлонинг пьесаси – XIV–XV асрларда Хитой чегараларидан Шимолий Африка сарҳадларигача, Волга соҳиллари ва Шимолий Кавказдан Ҳинд океанига қадар бўлган улкан ҳудудда буюк салтанат барпо этган, умрининг ўттиз йилдан ортиқ қисмини кўплаб зафарли ҳарбий юришларга бағишлаган Амир Темури таржимаи ҳолининг бадиий-драматик талқинидир. К.Марло асаридаги Амир Темури зўр жисмоний кучга эга бўлган енгилмас, иродали, аввалига оддий халқ ичидан чиққан жангчиларнинг йўлбошчиси бўлган ва тез орада дунёнинг катта қисмини забт этган афсонавий қаҳрамондир.

Тарихга нуфузли зотларнинг фарзанди, муносиб насабнома соҳиби сифатида муҳрланган Амир Темури, қизиғи шундаки, К.Марло томонидан оддий чўпон сифатида тасвирланади. Пьесада Амир Темури “ўзи сингари оддий халқ ичидан чиққан” садоқатли лашкарбошиларида уч нафарига қироллик унвонларини тақдим этар экан, бу ҳақда шундай дейди:

*...Ноюксак зотингиз шонга доғ бўлмас,  
мардлик – тантиликнинг баҳор булоғи,  
лойиқ инсонларни тақдирлайди у.*

К.Марлонинг “Буюк Амир Темури” трагедиясида акс этган афсонавий воқеалар билан Амир Темури ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий воқеалар, тарихий жойлар ва кишилар номлари ўртасида анчагина фарқ бор. Шунинг ўзи ҳам ушбу трагедия тарихий манба эмас, балки бадиий асар эканини аниқ-равшан англатиб турибди.

Қолаверса, К.Марло фойдаланган XVI аср

манбаларини ёзган Европа йилномачилари Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир воқеалардан кўп ҳам хабардор бўлмаганлар. XV асрда яшаб ўтган Византия тарихчиларининг бу борадаги камчил далиллари эса турли афсона ва уйдирма тафсилотлар билан қоришиқ ҳолда етиб келган.

Амир Темур ҳақидаги ривоятлар К.Марло учун бош ғоя вазифасини ўтаган бўлиб, у ана шу ғояни Европа драматургияси учун мутлақо янгилик бўлган маъно-мазмун билан тўлдирган. Шунингдек, адиб илдизлари XIV асрдан кўра анча олис тарихга туташган қадимий анъана ва урф-одатларни Европа саҳналарида, ўз замондошлари кўз ўнгида жозибador манзараларда жонлантира олган.

**Пьесанинг биринчи қисмидаги воқеалар Персиполда кечади.** Форс шоҳи Мисетес скифлар юртига, Амир Темурга қарши қўшин юборади. Айни вақтда шоҳ Мисетеснинг укаси Хусрав тожу тахтни эгаллаш учун акасига қарши фитна уюштиради.

Кейинги саҳналарда Амир Темурнинг Миср қиролига қарши кураши, ғалабаси, қиролнинг қизи Зенократни асир олиши воқеалари намоён бўлади. Амир Темур Мисетеснинг лашкарини ва унинг укаси Хусравни ҳам шоҳ Мисетесга қарши жангда бирлашишга кўндиради. Сўнгра Мисетес устидан зафар қозонади ва Форс салтанати устидан назорат ўрнатади.

Шундан сўнг Амир Темур Усмонли турклар султони Боязид билан жанг олиб боради. Боязид ва унга тобе ҳукмдорларни мағлубиятга учратиб, султонни ва унинг хотини Забинани асир олади. Музаффар Амир Темур ўзи банди этган мағлуб Боязидни катакда сақлаб, дастурхонидан ортган таом, яъни “қозонининг ювиндилари” билан боқишга кўрсатма беради. Султон фақат баъзида, Амир Темурга “хизмат кўрсатиш учун”гина қафасдан чиқиши мумкин бўлади. Бу ҳақда пьесада Амир Темир тилидан Боязидга қарата шундай сўзлар айтилган:

*Минглаб ёрқин чироқлар-ла безалмиш  
кўкларни тебратган ягона Тангрим  
мени ағдаришга буйруқ беришдан  
фалак ағдаришни кўради афзал.  
Лекин сен, эй ношуд, бун тилагач,  
энди ер билан сен яксон бўларсан  
ҳамда мен тахтимга чиқар эканман –  
оёғим остида бўласан зина...*

Кейинчалик Амир Темурнинг навбатдаги ғалабаси ҳақидаги хушxabарни эшитганда, Боязид аламдан бошини қафас панжараларига уриб, жонига қасд қилади. Бундан хабар топгач, унинг хотини Забина ҳам шундай йўл тутаяди.

Амир Темур Африкани забт этиб, ўзини ушбу қитъанинг императори деб эълон қилганидан кейин Дамашққа йўл олади. Шунда Миср султонининг қизи ўз отасининг бир қошиқ қонидан кечишини сўрайди. Амир Темур унинг илтимосига кўнади ва

султонни ўзига тобе худудга қирол этиб тайинлайди. Ушбу саҳна Амир Темур ва Миср султони қизи Зенократнинг тўйи ва келинчакка Форс салтанати қироличаси сифатида тож кийдириш маросими билан якун топади.

**Пьесанинг иккинчи қисми Амир Темурнинг ўз ўғилларига дунёни забт этишни насиҳат қилаётган саҳна билан бошланади.** Боязиднинг ўғли Каллапайн зиндондан қочиб кетади ва Амир Темурга итоатда бўлган қироллар билан хуфёна тил бириктириб, отасининг қасосини олиш учун лашкар тўплайди. Икки ўртада жанг бўлиб ўтади ва Амир Темурнинг кўли яна баланд келади. Амир Темур мағлуб ва сотқин қиролларни ўзининг жанговар аравасига от ўрнига кўшиб, навбатдаги уруш майдонига ҳайдар экан, шундай деб ҳайқиради:

*Эй, сизлар, Осиёнинг тантиқ қирчанғилари!  
Ярайсизми ҳар куни йигирма мил йўл  
юрмоққа?..*

Кейинги саҳнада Амир Темур Бобилни забт этади, шаҳар ҳукмдори ва аҳолисини шафқатсиз равишда жазолайди. Гўёки ислом дини ақидаларига зид бўлган айрим ҳаракатларни ҳам содир этади.

**Пьесанинг хулоса қисмида Амир Темур бетоб бўлиб қолади.** Шунга қарамай, ўзининг яна бир қудратли рақибини тор-мор этади. Фарзандларига ер юзидаги ўзининг қадами етмаган худудларни ҳам истило этишни васият қилади ва ҳаётдан кўз юмади.

К.Марлонинг пьесалари мураккаб ва кўп маъноли бўлиб, томошабинни бир вақтнинг ўзида бемисл даҳшат ва ҳайратга сола олган. Драматург ўз асарларида инсоннинг табиат олдидаги Ўрта асрларга хос ожизлигига, ҳаёт воқеликларини мутеларча қабул қилиб, ўз тақдирига кўниб яшашига қарши исён кўтарган. Жумладан, “Буюк Амир Темур” трагедиясида тинчликни ёқлаб ва урушга қарши айрилган куйидаги сўзлар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган:

*Уруш йўлаб чиққан дўзахда ёнсин!  
Эҳ, содда омилар, билмаски улар,  
замбарак ўқиға тутилган инсон  
шамолнинг кучидан қўрққан япроқдек  
титрайди, титрайди жанг майдонида...*

Шунингдек, Амир Темурнинг ҳарбий интизомга қатъий риоя этиши, ҳамиша кенгаш асосида иш кўриши ва дипломатияси ҳаққоний очиб берилган. Амир Темур ўзига қарши уруш очган томон вакили – Форс салтанати аъёни Фаридунни минг нафар аскар билан ўз лашкарига кўшиб олиш ва Миср султонига қарши бирга курашиш учун унга шундай муомала қилади ва муддаосига эришади:

*...Агарда, азизим, менга қўшилсанг,  
минг отлиқ аскарни менга топширсанг –  
Миср ғазнасиға бўлиб улушдор,*

*отлару чавандоз ўлжа ташишдан  
маржон-маржон терлар тўкиши тайин...*

Муаллиф сахна санъатининг кутилмаган таъсир кучи билан ўша давр томошабинларини лол қолдиришга жиддий эътибор қаратган. Маълумки, Амир Темурнинг имон-эътиқоди ва хулқ-атвори замондошлари томонидан турлича талқин этилган. Насронийлар тушунчасига кўра, Соҳибқирон ер юзидаги гуноҳкор бандалар учун фалакдан юборилган синов, яъни “Худонинг ғазоби” ҳисобланган. Шунинг учун, айна ибора К.Марлонинг пьесасида ҳам кўп ўринларда, шу жумладан, Амир Темур нутқида бир неча бор учрайди:

*...бўлажак, истиқбол Темурхон бирлан,  
чунки юлдузлардан аён толеи –  
ёвлари устидан зафар қозонмак.  
Худонинг нафратли қамчисиман мен,  
дунёнинг даҳшату қўрқинчиман мен,  
Туркни аввал енгиб, унга қул бўлган  
масиҳларни сўнгра озод этаман.*

Бу борада айрим “чегарадан чиқишлар” ҳам кузатилган. Яъни “Буюк Амир Темур” трагедиясининг бош қаҳрамони сахнада мусулмончиликка зид бўлган айрим ҳаракатларни ҳам содир этгани тасвирланади. Шунинг учун К.Марлонинг аксарият замондошлари, шу жумладан, Роберт Грин “Буюк Амир Темур” трагедияси илк бор намоиш этилганидан сўнг тўрт йил ўтгач К.Марлони шаккоклик ва гумроҳликда айблаган. 2005 йили К.Марлонинг асарини Лондонда намоиш этиш чоғида ўша эътирозли сахналар имкон қадар “юмшатишлари” ҳам бу фикрни исботлайди.

Гап шундаки, инглиз матбуотида 2005 йилнинг ноябрь ойида Барбикен санъат марказида ушбу пьесани сахналаштирган Дэвид Фаррни пьесадан мусулмонларнинг диний нафсониятига тегиб кетадиган лавҳани олиб ташлагани учун асарни цензура қилганликда айблаб мақола эълон қилинган. Бу мақолада ўша йили Лондонда террорчилик ҳаракатлари содир этилгани муносабати билан Д.Фарр “гулханга ўт қаламаслик” нуқтаи назаридан шундай йўл тутган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазалар ҳам айtilган.

Ўз навбатида, пьеса режиссёри зудлик билан чоп эттирган жавоб мақоласида цензура фактини тан олмаган ва “пьесани ғайритуркий пантомимадан экзистенциал эпосга айлантириш” йўлида айрим жузъий ўзгаришлар қилганини таъкидлаган.

Бундан ташқари, Д.Фарр 1587 йил Европа жамоатчилигида туркларга қарши кайфият кучли бўлгани, К.Марло эса ўзининг “Буюк Амир Темур” трагедиясида бундан унумли фойдаланганига доир маълумотларни келтирган. Д.Фарр пьесага бундай мазмунда ўзгартириш киритилишида ва репетициялар давомида мусулмон жамоатчилиги томонидан ҳеч қандай тазйиқлар бўлмаганини, яъни

бу “соф санъат иши” эканини ҳам қайд этган.

Турли халқларнинг қаҳрамонлик дostonларида одатда ақл-тафаккур, куч-шижоат ва орзу-ҳавасга тўла навқирон ўсмирнинг ўз уйи билан хайрлашиб олиш йўлга чиққани, сафар давомида турли хавф-хатарларга дуч келгани ва уларни мардона енгиб ўтгани, не-не маккор ғанимларни маҳв этгани, натижада эса гўзал ёрнинг муҳаббатига эришиб, тожу тахтга сазовор бўлгани куйланади.

Айтиш мумкинки, “Буюк Амир Темур” трагедиясида бош қаҳрамоннинг сурати ва сийрати, Осиё қитъаси бўйлаб музаффар юришлари ана шу дostonчилик анъаналарига мувофиқ равишда ифода этилган. Шунинг учун К.Марлонинг асаридаги Амир Темур сиймоси тарихий манбаларда, хусусан, Ибн Арабшоҳ асарида тавсиф этилган Соҳибқирон қиёфасига унчалик ўхшамайди. К.Марло бу мумтоз сиймони мана бундай тасвирлаган:

*Баланд бўй, қомати жуда келишган,  
истаклари гўё ўзидек дуруст,  
аъзолари йирик, жисми мустаҳкам,  
самовот юкини кўтариб турган  
девлардек елкаю кўкраклари кенг.  
Боши – гўё тожнинг асл гавҳари –  
гавҳарнинг чақнаши – санъатнинг нақши –  
унинг ўткир кўзи, кескир нигоҳи.  
Нигоҳга бўйсуниб фалак гардиши  
юлдузу сурайё қадамин созлар,  
унинг қирол тахти сари қадамин  
ўз-ўзига мослар ва уни бошлар.  
Тик қомат, ихлоси – тобланган темир,  
эркка ўч, севгани қуролу яроқ,  
эзма қоши унинг – ўлимнинг рамзи,  
қовоқ солмасачи – осойиш ҳаёт.  
Мушкин сочларини туғундек туғиб,  
Ахилл каби кўнғир уларнинг бари,  
шамол – сочларини авайлаб, силаб,  
уларни ўйноқи ҳолга келтирар.  
Унинг панжалари узун ва кучли,  
бу кучнинг неъматини ва аломатини –  
баркамол инсоннинг барча узвида –  
гўёки дунё ҳам Темурга тобе.*

Шу тариқа, асосий образни ҳар томонлама тўлақонли очиб берар экан, К.Марло воқеаларни дунё миқёсига қадар кенгайтиришга муваффақ бўлган. Томошабин кўз олдидан ер юзининг турфа давлатларида турли вақтларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар кетма-кет ўтиши асносида, бу оламшумул воқеаларнинг марказидаги ягона сиймо доимий эътиборда бўлиб қолаверади.

Пьеса қаҳрамонларининг тили уларнинг дилига мос бўлишини, яъни туғёнли эҳтирослар оташин сўзлар ёрдамида изҳор этилишини таъминлаш адибнинг алоҳида эътиборида турган. “Буюк Амир Темур” трагедияси тилининг ғоятда муҳташамлиги, ташбеҳ ва муболағалар, ўхшатишу қиёслашларга бойлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

К.Марло ўз асарида одатий қофияланган нутқдан воз кечиб, Соҳибқирон тилидан эркин фикрли ваъзлар айтган. К.Марлонинг жўшқин ижодий фаолияти туфайли Англия шеърлятида “оқ шеър” урфга кирган. Чунки қофиясиз беш туроқли ямб вазнида битилган трагедия ўша давр халқ театри сахнаси учун мўъжизавий янгилик бўлган.

Пьесада оқ шеър қўлланилиши шу қадар муваффақиятли чиққанки, кейинчалик аксарият инглизча трагедияларда айни усулни қўллаш урфга айланган. Инглиз олимаси Ҳилда Ҳукхэм қайд этганидек, К.Марло “...драмасини оқ шеърда ёзган эди. Шундан эътиборан буюк саркарданинг ҳаёти Европада афсонага айланиб кетган. К.Марло фойдаланган манбалар (Педро Мексия ва Педрос Перондинус) чинакам тарихдан кўра, кўпроқ романтик тарих эди”.

Асарнинг ўша давр томошабинига ғоятда манзур бўлишининг асосий сабаби, шак-шубҳасиз, пьесада фақат ўз имон-эътиқодига, ўз тақдиру қисматига, куч-шижоатию салоҳият-иқтидорига ишониб ва таяниб яшаган, халқона айтганда, на кўкдан чалпак ёғишини, на ердан – кимлардандир марҳаматлар кутиб ўтирмасдан, ўз орзулари осмонда беқиёс зафарлар кучган етук инсоннинг афсонавий ҳаёти юксак пардаларда тараннум этилганига боғлиқдир.

Мазкур трагедиянинг дастлабки тўлиқ русча нашрига шарҳ ёзган А.Парфеновнинг таъкидлашича, К.Марло Амир Темур ҳаётига доир тарихий маълумотлар ва афсоналарни асосан флоренциялик муаллиф **Пьетро Перондинининг** 1553 йилда ёзилган “Буюк Амир Темур, скифлар императори ҳаёти”, генуялик муаллиф **Баптисто Фрегозонинг** 1518 йилдаги “Унутилмас ҳикматлар ва улуг ишлар ҳақида”, шунингдек, испаниялик муаллиф **Педро Мехианинг** 1544 йили ёзилган ва 1576 йили инглиз тилига таржима қилинган “Турли ўгиту насиҳатлар тўплами” каби лотинча асарлардан олган.

Трагедияда кўплаб учрайдиган географик номлар манбаи сифатида эса XVI асрнинг машҳур картографи **Абрам Вортельс** тузган атлас-харитадан ёки Ортелий қаламига мансуб “Ер айланасининг манзараси” асаридан фойдаланилган. Асарнинг биринчи қисмидаги сюжет юқорида тилга олинган манбаларга деярли мос келади. Муҳим фарқли жиҳатлар сифатида Форс салтанатининг истило этилиши, Боязиднинг ўлими ва Зенократа образи билан боғлиқ лавҳаларни кўрсатиш мумкинки, буларнинг барчаси К.Марло томонидан ўйлаб топилган бадиий тўқималардир. Асарнинг иккинчи қисми сюжетда муаллифнинг тўқималари янада кўпроқ учрайди.

Жумладан, Анатолия шоҳи Ўрхоннинг Венгрия қироли Сигизмунд бошчилигидаги насронийлар лашкарига қарши жанги тасвири аслида иккита тарихий жангнинг контаминацияси, яъни омухталикдаги ифодасидир.

**Биринчидан**, 1396 йилда Венгрия қироли

Сигизмунд Никопол яқинидаги жангда Боязид Ини Константинополь қамалини тўхтатишга мажбур қилиш учун беҳуда уриниб кўрган бўлиб, бу қамал Амир Темур қўшинларининг музаффар юришлари шарофати билангина барҳам топган.

**Иккинчидан**, К.Марлонинг асарида тасвирланган Сигизмунд билан Ўрхон ўртасидаги уруш 1444 йили Варна яқинида содир бўлган тарихий жангга тўғри келади. Ўшанда папанинг дипломатик вакили (легат) талаби билан сулҳни бузган Польша ва Венгрия қироли Владислав III бошчилигидаги қўшин турклар султони Мурод II томонидан тор-мор этилган. К.Марло ана шу жанг тафсилотларини **Филипп Лонитцернинг** 1556 йилда лотин тилида ёзилган 2 жилдли “Турклар йилномаси”дан олган бўлиши мумкин.

Амир Темурнинг ўғилларига қалъа қуриш санъати бўйича айтган ўғитлари **Поль Ивнинг** француз тилидаги “Ҳарбий истеҳкомлар қуриш амалиёти” илмий асаридан деярли сўзма-сўз кўчирилган. Бу асар фақат 1589 йилга келиб инглиз тилида нашр қилингани инobatга олинса, К.Марло ушбу таржиманинг қўлёзма нусхаси билан таниш бўлгани ойдинлашади.

Олимпиянинг ҳалокати тасвирланган сахна эса **Ариосто** қаламига мансуб “Дарғазаб Роланд” асарининг XXVIII ва XXIX қўшиқларига ниҳоятда ўхшашки, унда гўзал Изабелла худди шу йўл билан Родомонтнинг шилқимликларидан халос бўлади. Боязид I ўғлининг Амир Темур қўл остида асирликда бўлишига доир маълумотларни К.Марло ўша даврдаги ягона манба – сайёҳ ва тарихчи **Хетум Армянин** асарининг 1501 йилдаги французча таржимасидан ўқиган бўлиши керак. Боязид I ўғлининг тақдири билан боғлиқ кейинги барча воқеалар драматург томонидан ўйлаб топилган.

Энг муҳими, Соҳибқирон ўз ҳарбий юришлари билан Ғарбий Европа тақдирида муҳим рол ўйнагани, хусусан, Боязид I йилдиримнинг қудратли армиясини тор-мор этиб, туркларнинг Константинополни босиб олишини ярим асрга кечиктиргани ва шу туфайли Европада катта доврүк ва обрў-эътибор қозонганига доир тарихий ҳақиқат ушбу асарда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, К.Марло ва В.Шекспир замондаги қиролича Елизавета ҳукмронлик қилган Англия тобора кучайиб, қудрати ортиб бораётган, шу боис дунёга эгалик қилиш режаларини тузаётган мамлакат бўлган. Бундай кўтаринки ижтимоий-сиёсий муҳитда ҳамманинг фикри-зикри беихтиёр букилмас иродали, кўп мамлакатлар ва халқлар тарихини ўзгартириб юборган Амир Темурнинг шахсига ва шавкатли ҳукмдорлик тарихига қаратилгани табиий ҳолдир.

Акмал САИДОВ,  
юримдик фанлар доктори,  
профессор

# Ranglar asrori

Ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари иқтидорли ёшларнинг ижод қилиши, қобилиятларини ривожлантиришга ва ҳар томонлама ижодкорлик маҳоратини оширишга қаратилган таълим муассасаларидир. Ушбу вазифани самарали бажариш учун мактаблар тизимидаги барча омиллар мазкур мақсадга қаратилган бўлиши лозим. Бу борада таълим жараёни билан бир қаторда мактаб ички олами ҳам ижодкорлик муҳитини яратишга хизмат қилиши керак. Бунинг замирида мавжуд интерьерда болалар ўзини қандай ҳис қилиши, ҳавотир ва ҳаяжондан холи бўлиши, ўзини қулай, эркин ва хотиржам тутиши каби масалалар мавжуд.

Инсон омили ва уни ўраб турган муҳит ҳар томондан унга таъсир этаётган табиий феноменлардан иборат, яъни киши танаси, ер, фазо ва инсоннинг тасаввур олами. Инсоннинг мантиқ майдони тарих ва даврга қараб тартибли фикрлашни ўз ичига олади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида қатор бадий ижодиёт машғулоти олиб борилади. Ўқувчилар мусиқа, расм, рақс ва бир қатор бадий ижодий машғулоти билан ушбу масканда таҳсил оладилар. Ҳар бир санъат тури билан шуғулланиш жараёни турли хил муҳитни талаб этади. Масалан, расм дарслари кенг ва шинам, ёруғ хоналарда олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Сабаби, рассом учун ёруғлик эркин тафаккур ва ижодий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади. Санъат мактаблари ички оламининг безаклари, ранглари ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки ранглар инсоннинг психологиясига таъсир этибгина қолмасдан, муҳит жонланишида ҳам шартли равишда фойдали ҳисобланади.

Мазкур назарий омиллардан келиб чиқиб, рангларнинг болаларга таъсири ва болалар рангларни танлаши юзасидан амалий тадқиқот ўтказилди. Бунда ўқувчилар эътиборига 24 хилдаги ранглар тақдим этилди. Ҳар бир ранг сонлар кетма-кетлигида номланди. Саволлар тўғридан-тўғри эмас, балки бироз тасаввур қилиб жавоб бериш, кенг кўламда сезиш, таҳлил қилиш, фикрлаш ва мулоҳаза қилиш имконини берадиган тарзда тузилган. Ушбу амалий тадқиқот

ўқувчилар учун жуда қизиқарли бўлди, уларни фаол қатнашишга чорлади. Ўқувчилар саволларга тезлик билан ёки чуқур ўйлаб, ҳатто бир-бирлари билан маслаҳатлашган ҳолда ҳам жавоб танлашди.

Тадқиқот натижалари қуйидагича бўлди. Асосий таҳлиллар гистограммалар шаклида баён этилди. 5-синф ўқувчиларида кул ранг ва қора устунлик қилди. Аслида, бола машинасининг ранги қора бўлишини хоҳламаслиги ҳам мумкин, чунки бу ёшда болага ёрқинроқ ранглар ёқиши табиий ҳол. Лекин бу ерда атроф-муҳитнинг унга бўлган сезиларли таъсири кўриниб турибди. Ушбу таъсир остида боланинг онгида "нуфузли инсонларнинг машинаси қора бўлиши керак"лиги каби айрим катталарнинг қарашлари юзага чиқмоқда.

Қизлар эса тўқ пушти рангни кўпроқ танлашган. Пушти ранг энг назокатли ранг ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу рангни танлашлари табиийдир.

Қора – сирли ранг. Қадимда одамлар қора рангдан хавфсирашган. Бунинг аломатлари ҳозиргача сақланиб қолган. Лекин мода оламида қора ранг ҳеч қачон урфдан қолмайди. Шу боис, ишлаб чиқаришда қора рангли кийим-кечаклар, сумкалар бошқа ранглиларига қараганда кўпроқ ишлаб чиқарилади. Ўқувчилар бу рангни танлаши сабаби, атрофдаги инсонларнинг кўпчилик фоизи қора рангли сумка тутиб юришлари, шу рангда кийинишлари уларнинг кўз олдида муҳрланиб қолганлигидандир.

Бу натижа тадқиқотнинг энг зарурий қисмидир. Хоналар ранги билан боғлиқ савол қўйилишидан кўзда тутилган мақсад болаларнинг қандай рангли хоналарда ўзларини хотиржам ҳис қилишлари, улар психикасига, кайфиятига, қолаверса, онгига қайси ранг ижобий таъсир қилишини аниқлашдан иборат эди. Бу кўрсаткичда оч кўк, яъни ҳаворанг ва оқ ранглар кўпроқ танланган. Таъкидлаш жоизки, 3-синф ўқувчилари орасида бу саволга берилган жавобларда оқ ранг юқори устунликда бўлди. Баъзи ўқувчилар ҳис-ҳаяжонларини яшира олмай, ўйлаб олишлари учун вақт сўраб, кейин жавоб беришди. Ўқувчилар мазкур савол барча саволларнинг ичида энг қизиқарли эканлигини таъкидлашди. Танланган ранглар ёрқин, ёқимли, соф, мусаффо ва осойишталик рангларидир. Энг қизиги, бу жавобларда кулранг, қора, пушти рангларни кўрмадик.

Амалий тадқиқот натижаларига кўра, болалар аслида ёрқин, совуқ ва илиқ рангларни хуш кўришади, деган хулосага келинди. Демак, мактаб биналарини бўяшда уларни чарчатмайдиган, зериктирмайдиган ва бўғмайдиган ранглардан фойдаланиш лозим. Айниқса, синф хоналарининг деворларига ранг танлашда буларни инobatга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Синфхона деворларини бўяшда бир туснинг ўзидан эмас, кўшимча ранглар ёки орнамент ва безаклардан фойдаланилса, болалар бундай интерьерларда зериктирмайди ва уларнинг машғулотларга бўлган қизиқиши янада ортади.

Орзу ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Аббос ХҲЖАЕВ,  
Аслиддин НОСИРОВ

# Iqtidorni kashf etish

Глобаллашув даврида таълимнинг мазмуни ва сифати масалаларига жамиятда устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Ҳаётнинг замонавий усуллари билан фойдаланмасдан таълимда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Замонавий педагогик технологиялар таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, янги ахборот технологияларини жорий этиш масаласини оммалаштиради. Бу эса педагоглардан фаолиятига янгича ёндашувни талаб этади. Таълим жараёнида ўқувчининг шахсий хусусиятидан келиб чиқиб, интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида бирор психологик ёки педагогик услубни қўллаш мақсадга мувофиқ. Таълимда ҳар қандай услубни қўллашдан олдин унинг мантиқий ва назарий жиҳатини тўлиқ англаб олиш зарур. Буни амалиётда қўллаш эса мураккаб жараён. Мушиқ ўқитувчилари ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, индивидуал ёндашишлари керак.

Қуйида мушиқ машғулотида ўқитувчиларнинг ноанъанавий дарс усуллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Машғулоти интерфаол усулда гуруҳларга ажратишдан бошланади.

## ГУРУҲЛАРГА БЎЛИНИШ

Гуруҳларга ном беришда рангли қоғоздан доирачалар қирқилиб, орқасига чолғу асбобларининг номи ёзиб чиқилади. Ҳаётнинг болаларга доирачаларнинг рангли томонини қўйиб биттадан олишларини сўрайди. Болалар олган доирачаларни фақат ўзлари ўқийдилар ва навбат билан унда берилган сўзни айтадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи болаларга бир чолғу асбоби ёзилган доирачалар бир томонга, бошқа чолғу асбоби ёзилган доирачалар иккинчи томонга ўтириб олишларини айтади. Шу

тариқа, гуруҳлар ажратилади ва ёзилган чолғу асбоби бўйича ном берилади.

## ИБОРАЛАР

Ушбу топшириқда ҳар бир гуруҳ иштирокчилари ўқитувчининг тавсияси билан белгиланган вақт мобайнида таянч ибораларни алоҳида вараққа тартиб билан ёзиб чиқишади. Топшириқ ёзилган варақ дарстахтага илиб қўйилади ва таҳлил қилинади. Қайси гуруҳ кўпроқ ибораларни таҳлил қилса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

## ТЕЗКОРЛИК


Бу ўйинда бир неча вариантда аввалдан тайёрлаб қўйилган саволларга гуруҳ иштирокчилари бир дақиқа давомиде жавоб берадилар. Тўғри жавоб берган гуруҳ аъзосига рағбат карточкаси бериб борилади. Ҳаётнинг охирида карточкалар жамланади. Кўпроқ карточка тўплаган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

## ЗИНАМА-ЗИНА

Синфдаги барча болалар 4 гуруҳга тенг бўлинади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан бола ўртага чиқади ва бир чизиқда туриб олади. Унга ўқитувчи ва болалар томонидан турли саволлар берилади. Ҳаётнинг турган болалар навбат билан саволга жавоб бера бошлайдилар. Тўғри жавоб берган бола бир қадам олдинга юради. Шу тариқа 4-5 та савол берилади. Ҳаётнинг болаларнинг қай бири тез ва тўғри жавоб бериб, 4-5 қадам олдинга силжиса, ўша гуруҳ ютган ҳисобланади.

Бундай қизиқарли ўйинларни ҳар чорақда ўтказиб туриш яхши натижа беради. Негаки, ўқувчилар мушиқ дарсида олган билимларини такрорлаб, янги атама ва ибораларни ўзлаштириб олиш имконига эга бўладилар. Таълим технологияларидан фойдаланиб, бу усуллари қўллаш, болаларнинг ўйин иштирокчиси бўлиши билан бирга билим савиясини оширади. Қолаверса, иштирокчи-ўқувчи тўғри жавобларнинг фарқини аниқлайди, ўз-ўзини текширади, баҳолайди. Шунингдек, олган билимларини янада мустаҳкамлайди. Зеро, мушиқ машғулотида бундай усуллари қўллашдан мақсад, болаларнинг мушиқ саводхонлигини ошириш билан бирга уларга эстетик руҳ бағишлашдир. Бу эса ёш авлоднинг мушиқ санъати тараққиёти йўлида хизмат қиладиган етук кадр бўлишларида бошланғич омил бўлиб хизмат қилади.

Гулноза СИДДИҚОВА



## СУРАТ

Менинг кимлигимни  
Билмайди ҳеч ким.  
Мен бир галатиман,  
Мен алоҳида.  
Кўзимнинг ёшини  
Келади ичгим,  
Тилимни чайнагим  
Келар гоҳида.

Ой менинг елкамга  
Ўтириб олган,  
Офтоб гавго солар  
Юрган йўлимга.  
Хаёл тушовидан  
Чиқолмай қолган  
Урчимни топшириб  
Кўйдим кўнглимга.

Энди тошни тепсам,  
Ўпар изимни,  
Ерга ағанасам –  
Ер ҳам девона.  
Бармогин ўпгандим  
Суйган қизимни,  
Кўли ёниб кетди  
Гуриллаб, мана.

Ёнди,  
Ёнаверди  
Кокиллари, сўнг  
Чарсиллаб юраги  
Ёнди беармон.  
Ярми ёниб бўлган  
Кўйлаги бир енг  
Ишиқнинг байроғига  
Айланди алвон!..

Ва ўпдим байроқни  
Мен ўша алвон,  
Олов тан,  
Олов жон,  
Олов ҳис-ҳавас.  
Қизил чўг тўшалган  
Чимилдиқ томон  
Отдим мен ўзимни  
Мисли ўтпараст.

Ўйгонсам – кўрпам кул,  
Йиғлар севгимим.  
Мен сени йиғла, деб  
Қучган эдимми?  
Айиқ босган гулдай  
Эзилди кўнглим,  
Ёввойи ўрдакка  
Бердим севгимни!..

Ўрдак учди-кетди,  
Мунгайиб қолдим.  
Хайратим обкетди

Қанотида у.  
Ким мени алдаса –  
Худога солдим,  
Майли, алданмасин,  
Ҳаётида у.

Қолдим кулкўрпамда  
Тўшагим – тупроқ.  
Юмалаб ётаман  
Илонлар билан.  
Уларга шиондим  
Бир ёрдан кўпроқ,  
Илон чақар,  
Аммо  
Гапирмас ёлгон!..

Менинг кимлигимни  
Билмайди ҳеч ким.  
Мен бир галатиман,  
Мен – алоҳида.  
Кийиклар қонини  
Келади ичгим,  
Чаённи чайнагим  
Келар гоҳида.



## ҚАЙДА БОР

Ёмғир ёғар шитирлаб,  
Нурми, ипак толалар.  
Баҳор келса қиқирлаб,  
Қирга чиқар лолалар.  
Лолалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Кўкни булут ўрайди,  
Ерни ёмғир аллалар.  
Райҳон ҳидин тарайди,  
Донга интиқ далалар.  
Далалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Саман йўрга ер чизиб,  
Тошида омом сиргалар.  
Оқар ойни оқизиб,  
Жилдир-жилдир жилгалар.  
Жилгалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Қалбга таскин изласанг –  
Тургун чолни сўрагин.  
“Тановар”ни тингласанг  
Сел бўлади юрагинг.  
Наволар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Кўринганни дуолар  
Қилар бизда момолар.  
Ғанимга ҳам омонлик  
Тилар бизда момолар.  
Момолар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Бизнинг бўстон қайда бор,  
Шоҳимардон қайда бор,  
Сўлим Сурхон қайда бор?  
Самарқанднон қайда бор-а,  
Ўзбекистон қайда бор?!

## ОҚ ТУЛПОР

Оқ тулпорим бор эди,  
Беклар унга зор эди.  
Оғайнилар, от менга  
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.

Ёлин ўпсам тиз чўкиб,  
Кафтимдан сув ичарди.  
Чух, десам ер чангитиб,  
Осмонларга учарди.

Уйимизга бир оқшом,  
Қариндошлар тўлишиди.  
Тўй баҳона отимдан  
Айирмоқчи бўлишиди.

Отам, йигитсан, ўғлим,  
Уйланмасанг, ор, деди.  
Қиз ярашар қучоққа,  
Отга нима бор, деди...


От олдидан бошланди  
Чимилдиққа йўлакча.  
Кечир, ёрим, на қилай,  
Отга меҳрим бўлакча...

Қолдим икки ўт аро,  
Гўшангада – дилдорим.  
Келин келган кечадан  
Аразлади тулпорим.

Борми биздек ошиқлар,  
Баҳоримда куз йиғлар.  
Қизни ўпсам, от йиғлар,  
Отни ўпсам, қиз йиғлар.

Бир бор ўпсам хотинни,  
Уч бор ўпдим отимни...  
Жонни қийнаб яшадим,  
Кимга айтай додимни.

Ёрдан кечдим отни деб,  
Элга бўлдим эрмаклар.  
Қайдан билсин от қадрин,  
От минмаган эркаклар?!



# Umrinni topshirib Qo'ydin ko'nglinga

Муҳаммад ЮСУФ



## ШОИР

Ғариб деманг шоирни, ғариб,  
Етти кўкка учishi мумкин.  
Етти қават ерни ағдариб,  
Сўзни қиздек қучishi мумкин!..

Бутун эмас шоирнинг нони,  
Шоирларнинг юраги бутун.  
Қарзин узмай узилмас жони,  
Ҳаққини унутиши мумкин.

Дардин тилга кўчирмас шоир,  
Шоир дардин ютиши мумкин.  
Ҳеч кимни зор қуттирмас шоир,  
Шоир юз йил қутиши мумкин.

Шоир агар суйса бировни,  
Севилмаса – суяр севгисин.  
Ёрга ўзи топиб куёвни,  
Тўйда ўйин тушиши мумкин...

Ҳеч кимсага ўхшатмас шоир  
Бир севганин юракдан лекин.  
Кўзёшини кўрсатмас шоир –  
Шоир фақат... "ичishi" мумкин!



\*\*\*

Яна кўёш чиқди,  
Яна кўёш ботди.  
Умриннинг бир кунин  
Пойига отдим.  
Яна ачинмадим,  
Тирикчилик дедим,  
Тинмадим...

Энди қандай ухладим?

Фонтанлар кулади,  
Мен қўшилмадим.  
Ёвшанлар йиғлади,  
Мен ўкинмадим.  
Дўстим аччиғланди,  
Мен тушунмадим...

Энди қандай ухладим?

Тепамда мўлтирар  
Ой соҳибжамол,  
Юлдузлар бошимга  
Ёғилган савол.  
Олис қишлоқ. Почта.  
Қари онам лол...  
Юзта қўшиқ ёздим,  
Бир хат ёзолмадим.

Энди қандай ухладим?

Қўлтиқтаёзига  
Суяниб бир чол,  
Келаверди шошмай,  
Юзида малол.  
Йўлим кесиб ўтди,  
Кўнглим эзиб ўтди,  
Меҳрим кўзиб кетди  
Бир сўз демадим.

Энди қандай ухладим?

Даврим кулган даврон  
Шул саодатим.  
Ушалди ниятим,  
Кулди омадим.  
Лекин одатим –  
Эртанги кунимдан  
Йўқ, хижолатим...  
Энди қандай ухладим?



## She'rdan ham ulug' zot tasviri

Ўзбек халқининг чинакам шоири, ўзини миллат фарзанди санаб, шунга мос яшаб ўтган Муҳаммад Юсуф шеърлари кириб бормаган хонадон юртимизда бўлмаса керак. Унинг битганларидаги самимият ўқирман билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишга, диалог пайдо бўлишига, “шоир мен билан мени ўйлантираётган нарсалар ҳақида куюниб сўзлашяпти”, деган ишончнинг туғилишига замин бўлади. Шоирни ўқирманга ёвуқлаштирган сабаблардан бири унинг она тўғрисида, унинг фарзанд тақдиридаги ўрни ҳақида жуда кўп ўйлаши ва ўз фикру туйғуларини ҳеч бир пардозсиз ифода этишида дейиш мумкин. Унинг туйғулар орбитасида энг улуг қадрият, энг юксак ҳақиқат сифатида ҳамиша она тимсоли туради.

*Онажон,*

*Онажон,*

*Юрагим оғрир,*

*Билмадим, нимага қийнайди мени*

*Мен деҳқон боласи эдим-ку ахир,*

*Наҳот, шунча нозик бўлса бу жоним?..*

Шоир юрагини оғритган сабаб жисмонийдан кўра руҳий, фикрий экани “Мен деҳқон боласи эдим-ку, ахир?” тарзидаги иқрордан англашилиб туради. Шоирга кўнгил кишиси бўлгандан кўра, кетмон чолиб, ер билан тиллашиб, ўз дардини ерга тер қилиб тўкиб яшаш осонроқ бўларди. Яратган уни истеъдод билан сийлади, инсонга бериладиган ҳар бир неъматнинг эса тўлови бор. Шоир ҳам истеъдоди учун соғлиғи, хотиржамлиги, адоқсиз изтироблари билан тўлов беришга маҳкум. Шоир истеъдод юки оғирлиги, қилажак ишлари кўплиги, айтиши керак бўлган сўзларнинг ҳаммасини ҳам айта олмаганини доим ҳис этади. Жамиятдаги ноҳақликлар, яқину йироқ кишиларнинг панд бериб, хиёнат қилишлари, майда манфаатларнинг оёқдан тортиши каби ҳолатларга юраги дош беролмаётгани “*Наҳот, шунча нозик бўлса бу жоним?*” тарзидаги эътирофида кўринади.

Шоир онажон хитобини икки сатрда такрорлаш билан шеърга маънос оҳанг, афсус, изтироб, пушаймонлик руҳини бера олган. Биринчи “Онажон” хитобида чақирув аломати бор. Онани қаратиб олганидан сўнг эса, иккинчи бор ўтинч, ўкинч, бироз эркаланиш, шикоят оҳангида “Онажон” дейди.

Зиммадаги юк, ато этилган истеъдод кўлами, қилиши мумкин ва керак бўлган ишларига нисбатан

қисқа умр кўрган шоирнинг тўзимас ижодий мероси халқимизнинг катта маънавий бойлигидир. Уларда ҳар бир ўзбекнинг дарди, орзу-умидлари, муҳаббат, армони унга таниш ва туйимли йўсинда куйланган. Айни ҳолат унинг ҳар бир хонадонга кириб бориши, ёд олиниши, қадрдонлашувини таъминлаб, шоирни ўзбекнинг эрка фарзандига айлантирган.

*Тошкўчанга сочдим, э ёруғ олам,*

*Мана, чегарасиз муҳаббатимни.*

*Тун бўйи ўзимга йиғлади онам,*

*Не қилиб қўйдинг деб... Муҳаммадимни.*

Муҳаммад Юсуф ҳар бир сатрида, ҳар бир нафасида ўзининг она олдидаги қарзини, Ватан олдидаги бурчини ҳис қилиб яшаган. Она олдидаги фарзандлик бурчи уни эл қатори яшаш, ўз бошини асраш, соғлиғи ҳақида қайғуриш, уйланиб, фарзандли бўлишга ундайди. Шоир эса уйланиб, ўзига алоҳида Ватан қилиш, фақат шу Ватан ривожю тинчлиги, тўқислиги йўлида елиб-югуришдан иборат ҳаётни тасаввурига сиғдира олмайди, бундай тирикликни нотўғри санайди. Ватан уй ичида қолиб кетмаслиги, ҳар бир инсоннинг кўнглида бўлиши шарт эканидай, ҳар битта шахс ҳам Ватаннинг ичига кириб бориши лозим деб ҳисоблайди. Худди оналарга муҳаббат ва икром бутун башариятга тегишли туйғу бўлганидек, Ватан тушунчаси ҳам умуминсониятга бирдек дахлдор юксаклик эканини билади ва туйдиради.

Шоир ижоди кузатилганда, “она, сиз буюксиз, сиз яғонасиз” қабилидаги баландпарвоз, чақириқмонанд ифодаларнинг йўқлигига, ўғилнинг она олдидаги самимий тазарруси, иқрори, теран ва самимий туйғулари, таскинга муҳтож ярали кўнгил изҳорлари мавжудлиги кўринади. Унинг битганларида онага муносабатнинг ўзига хос динамикаси ҳам кўзга ташланади:

*Ўйламанг, ўғлингиз ўша-ўша шўх,*

*Ўзим тўла сўқмоқ... ўттиз ёшимда.*

*Отамнинг сочида битта оқи йўқ,*

*Ўриклар гуллади менинг бошимда.*

Муҳаммад Юсуфнинг жуда кўплаб шеърларида йироқдаги фарзандидан ҳамиша хавотирланиб яшаётган она руҳияти сувратлантирилади. Боласининг пойтахтга кетишини билган, балки буни хоҳлаб-интилган онанинг фарзанди кетгач ҳаловати йўқолади. Чунки барча оналарнинг кўнглида болам

содда, ҳимоясиз, бирор ёмоннинг ғазабига дучор бўлмадимикан деган ташвиш бўлади. Она тинимсиз равишда “Ёзган шеъри бирор киши дилини оғритиб қўймасмикан? Катталари боламини ёмон кўриб қолишмасмикан? Ҳасадгўйлардан унга зарар тегмасмикан?” тарзидаги ҳадиқлар кучоғида бўлади. Ўғлида ёвқурлик, дангалчилик, шиддат, журъат, сўзни нишонга бехато уриш қобилияти борлиги онага маълум. У ўғли билан ҳар сўзлашганида балки шу одатларини ташлашни тайинлар, эҳтимол. Пойтахти азимга оламини ўзгартириб, одамларни поклашга кучли истак ва қатъий ишонч билан келган шоир иш топиш, яшаш жойини тайин қилиш сингари муаммолар, моддий қийинчилик, битганларини тушунмаслик ва тан олмаслик каби тўсиқларга дуч келган, албатта. Ўзи ўйлагани каби уни ҳеч ким кучоқ очиб кутиб олмагани, баъзан ёзганларининг баланд даражаси ҳам нашриётлар учун ўлчов бўлмаётгани бир қадар унинг шаштини қайтарган.

Ҳаёт йўлидаги шу каби нотекистиклар шоир туйғу ва фикрларини тарашлаб, жилолантириб боради. Феъл-атворидаги баъзи жиҳатларни ўзгартиришга, айримларини силлиқлашга, баъзиларини, аксинча, кучайтиришига сабаб бўлади. Юқоридаги сатрларда шоир ўғилда юз берган маънавий ўзгачалиқлар акс этган.

Энди у онаси ўйлагани каби дуч келганга кўнгил дардларини айтадиган ғўр болакай эмас. Энди у баъзида дилидагининг тилига чиқиши нафақат шарт эмас, балки ноўрин ҳам эканини англайди. Ҳаётнинг сиртдан кўзга ташланмайдиган оқими шиддати унинг ичига урди ва юзидаги ажин бўлиб изини қолдирди. Шоир шеърда жуда топқирлик билан юзидаги ажинни сўқмоққа ўхшатган. Сўқмоқ – қатнов қийин ва камроқ бўладиган ёлғизоёқ йўл. Майсаю тупроқларнинг мунтазам босилиши натижасида кутилмаган жойда пайдо бўлган торгина йўл туйғуларнинг мунтазам ичга ютилиши, кўпинча йўққа чиқиши оқибатида дунёга келган.

Отанинг сочларида битта ҳам оқ йўқ. Чунки унинг кўнгли хотиржам, у ўғил каби ўзи қолиб, ўзгалар дардига ҳам куяверадиган кўнгил эгаси эмас. Шоир **“Ўриқлар гуллади бошимда”** сатри орқали миллий шеърятимиз ташбиҳлар арсеналини бетакрор бир эрка ўхшатиш билан бойитди. Бунинг ёрдамида қариллик келгани, куч-қувват, соғлиқ кетаётганининг белгиси бўлган соч оқариши каби физиологик ҳолатдан ёзғириш жуда гўзал эстетик ҳодисага айланган. Аслида ўриқ гуллари – кўклам келгани, олам уйғонгани, кўнгилда чақалоқ туйғулар пайдо бўлгани, бутун борлиқда тирилиш бораётгани белгиси. Кўнгилни қитиқлайдиган, яшартирадиган фасл тимсоли бўлмиш ўриқ гуллари бу ерда жуда эрта оқарган сочни билдириб келган. **“Тил – тафаккурнинг аслаҳахонаси. Унда ҳар бир тушунча ва ҳодисанинг ўз номи бор”**, деб таъкидлайдилар машҳур адабиётшунос олим, академик Матёкуб Қўшжонов ва таниқли адабиёт назариётчиси Сувон Мели. Муҳаммад Юсуф сингари истеъдод эгалари тафаккур аслаҳахонасида мавжуд

сўзлардангина фойдаланиб қолмай, уларга янги маъно, кўшимча миссия ҳам юклай оладилар. Шу йўл билан ҳам миллий тилнинг ифода имкониятларини бойитишга, ҳам ўқирманлар туйғуларини нозиклаштиришга хизмат қиладилар.

Шоирнинг бошқа бир шеъридаги: **“Оҳ, менинг ортимдан оворора онам, Бир парча юраги минг пора онам”** тарзидаги нидода “оввора” сўзидаги “в”нинг иккиланиб ишлатилиши орқали имло қويدаси атай бузилган. Бу ҳол шеърдаги ҳазин маънонинг кучайтирилиб, мусиқийлик таъминланишига, натижада онанинг оворалиги фақат маиший эмас, балки ижтимоий моҳият ҳам касб этишига хизмат қилган.

Она учун бола – ҳаётнинг моҳияти. Бошқа фарзандлардан ўзгачароқ шоир боласи ёнгинасида турганида ҳам она тўлиқ хотиржам бўлолмайди. Боласини ўйлаб, унинг ҳамиша жони ҳалак. Демакки, онадан салгина йироқлашган бола ўзи ҳам билмагани, истамагани ҳолда уни жабрлагувчига айланади.

Шунинг учун бўлса керак, шоирнинг она ҳақидаги шеърларида она соғинчи ва уни соғинтириб қўйганидан афсусланиш оҳанглари етакчилик қилади. У она олдида бурчини тўла ўтай олмайганидан доим хижолатда бўлгани боис **“шоирликни суймайди жиним”** дея барча ёзган шеърларини онаси Йилбошида пиширадиган сумалакка алмаштирмоқчи бўлади. Гўё шундай қилса, онанинг армонлари арийдигандек:

*Шоирликни суймайди жиним  
Ошиқларим бўлиб овоза,  
Юртда машҳур эмишман тоза,  
Барча ёзган шеърим –  
Сумалакка алмашаман мен.*

Туйғулари татимли, ифодаси самимий бўлгани учун ҳам Муҳаммад Юсуфдан сумалак тотли шеърят қолди. Унинг шеърлари содда ва самимий, уларни туйиш ва тушуниш учун махсус изоҳлар талаб этилмайди. Ўқирман шоир битикларидаги деярли ҳар бир сўзни англай билади, кўнглидан кечириб, ҳис қила олади. Чунки унинг ҳар бир сўзи – чин. Кўнгил изхори бўлмиш бу сўзларда иддао, қақирик, атайинлик йўқ.

Она – фарзанди учунгина яшай оладиган буюк қудрат эгаси. Фарзанднинг буни тўлиқ англаб етиши жуда мушкул. Айти шу ҳолат онанинг тўкилишига сабаб бўлади. Кўп ҳолларда онанинг бетакрор ва улуғ ҳодиса эканини идрок этиш анча кеч юз беради. Чунки азиматни англаш учун ҳам ундан узоқлашиш лозим. Денгизнинг ичида денгизни кўриб бўлмайди, фақат сув идрок этилади, холос. Ёнгинасида туриб, тоғни-да кўриш имконсиз, тошларгина кўзга илинади. Тоғу денгизнинг бутун салобати фақат олисдан сезилади. Она ҳам шундай ҳодиса. Барча асл қадрли яратиқлар каби йўқотилгачгина асл қиммати билинади. Муҳаммад Юсуф ана шу табаррук зотнинг чин моҳиятини бутун серқирралиги билан ўнлаб гўзал шеърларда ёддан чиқмайдиган шаклда тасвирлашнинг уйдасидан чиққан шоирдир.

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

# Teatr — hayratlar olami

Зухра Ашурова — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси. 1983 йили мазкур театрда иш бошлаган. Уни бир содда, танги уй бекаси ролида, бир зукко малика образида, бир чўрткесар аёл қиёфасида, бир ийманчаккина келин тимсолида таниймиз. Унинг барча ролларида ўзи бор деб бўлмаса-да, шу рол учун тер тўккан, шу образ ичида яшаган Зухра Ашуровани таниймиз. У ўзига катта баҳо бермайди. Роллари тўғрисида кўп гапирмайди. Мени халқимиз қанча билса, шу театр, шу саҳна тўғрисида таниди. Жонажон театрим — ҳаётимнинг ажралмас бир қисми, дейди фахр билан. Шу тўғрисида актриса билан суҳбатимиз Ўзбек Миллий академик драма театри хусусида бўлди.

— Зухра опа, Сизни Миллий театрнинг юз йиллик юбилеи билан табриклайман.

— Раҳмат. Театримизнинг юз йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Президент қарорини катта қувонч билан қарши олдик. Вилоятлардан, ҳамкасбларимиздан, бошқа қадрдон театрлардан табриклар қабул қиляпмиз. Бу бизга катта масъулият юклайди. Шу театрнинг ҳар бир ходими — актёрлар, режиссёрлар, рассомлар, безакчилар, саҳна ишчилари — барчамиз учун бу йил чин маънода масъулиятли, айна пайтда, шарафли йил.

— Шу ўринда театрдаги ўзига хос анъаналар тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Энг яхши анъана бу устозшогирдлик анъанаси. Мени шу театрда ўттиз бир йил олдин Зайнаб Садриева, Икром Болтаева, Эркили Маликбоева сингари онахон актрисалар илиқ қарши олишган. Бахтим шундаки, уларнинг "қизим-қизим"лашлари билан театрнинг эрка қизига айландим. Уларнинг сабоғи институтдаги назария билан уйғунлашиб, тоблана бордик. Ҳадиксирасак, саҳна, томошабин салобатидан ҳайиқсак, Зайнаб опам сени томошабин ҳайрат тўла нигоҳ билан кутиб турибди. Уни алдама,



ёлгон ўйнама, ролингга борлигингни бахш эт, шунда ҳадикни ҳам, кўрқувни ҳам унутасан, дердилар. Устоз меҳрини, ҳароратини, тафтини мен шу театрда ҳис қилдим.

— Театр актёрларни халққа танитиб, уларнинг ўсишида пиллапоя бўладими, актёрлар ансамбли театр даражасини белгилайдими?

— Миллий санъатимиз даргаларининг аксарияти шу театрда шаклланган. Актёрнинг бош вазифаси элга танилиш эмас, роллари билан бирор кўнгилдаги ғуборни тарқатиб, маҳорати билан, қалб кўри билан саҳнага чиқиш. Шунда шуҳрат ҳам, ўсиш ҳам бўлади. Театр даражасининг актёрларга қараб белгиланишини томошабин ҳал қилади. Томошабин бир театрга қайта-қайта ташриф буюрди-ми, демак, у шу театрдан қониқиш ҳосил қилган. Ҳамма театрларнинг ўз хос томошабини бор. Демак, кўп жиҳатлар томошабин нуқтаи назарига, савиясига, дидига боғлиқ.

— Устозлар сабоғи ва актёрнинг ўз услуби актёр фитратида жой талашадими?

— Баъзан театр залидаги устоз санъаткорлар суратларига боқиб, уларни соғинаётганимни, бугун яйраб ижод қилиш имкони бор пайтда, уларнинг ўрни билинаётганини ҳис қиламан. Ижодкор — изланишлар одами. У нафақат устозларидан, томошабинлар фикридан ҳам қувват олади. Ўз услуби ролга киришиш билан боғлиқ, холос. Мана, бугун Рихси Иброҳимова, Тўти Юсупова, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Теша Мўминов сингари артист-

лар устозлик қилиб, бизга саҳнада ўз образимизда яшаш сирларини ўргатмоқдалар. Шу ўринда, кириб келаётган ёшларнинг янги методикасига ҳам назар соламиз. Ёшлар ичида истеъдодлар кўп. Улардан ҳам ўрганса бўладиган томонлар бор. Ўз услубига эгаллик яхши ҳол. Бироқ услубга ўралашиб қолиш — бир хилликни келтириб чиқаради. Актёр тобланмайди. Ҳақиқий актёр изланишлар ва ўрганишлар тўғрисида чархланиб боради.

— Театрнинг бошқа театрлар, масалан, вилоятлардаги театрлар билан алоқалари, тажриба алмашишлари, маҳорат мактаблари борми?

— Театр фестивалларида вилоят театрлари бизнинг саҳнада ўз чиқишлари билан иштирок этишади. Биз ҳам, ўз навбатида, гастролларга борамиз. Нодира Маҳмудова ҳам актриса, ҳам мураббий, ҳам режиссёр сифатида вилоят театрларида ҳам спектакллар кўйган.

— Мана, бугун спектакл. Унда ўн-ўн беш нафар актёрнинг роли бор. Бошқа актёрлар унда қандай иштирок этишади?

— Янги спектакл режасидан тортиб, репетиция, саҳнага чиқиш жараёнларининг ҳаммаси бутун жамоанинг иши. Бунда ҳамманинг фикри муҳим. Ҳамманинг ўз ўрни, ўз овози бор.

— Театрга бугун кириб келаётган ёшлар ҳақида фикрингиз қандай?

— Театримиз кўплаб ёшларни ўз бағрига олди. Уларнинг аксарияти бугун танилиб, ўз истеъдодларини кўрсатиб улгуришди. Мана, Лола



Элтоева, Фатхулла Маъсудов устоз даражасига чиқиб олишди. Дилноза Кубаева, Шодия Тўхтаева, Нигина Анорбоева, Гулнора... уларнинг сафи кенг. Театрдан ташқари кинода, телеспектаклларда ҳам уларнинг ижодлари эътирофга лойиқ. Ўйлайманки, бугун, эртага театрга кириб келадиган ёшлар театр аъналарига содиқ қолиб, устозлар йўлининг муносиб давомчиларига айланишади.


**– Айни пайтда театр ўз томошабинларини нималар билан хурсанд қилмоқчи?**

– Мана, театримизнинг юз йиллигига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Мумтоз асарлар, жаҳон ёзувчиларининг битиклари, театр саҳнасидан узоқ вақт тушмаган спектакллар ўз томошабинларини кутади. Олдинда улкан режалар, тайёргарликлар, репетициялар, премьералар, намойишлар турибди. Ҳамиша халқ билан юзма-юз бўлишдан бахтиёрмиз.

– *Суҳбат учун раҳмат. Ижодий ишларингиз бардавом бўлсин. Бутун жамоага юз йиллик тўй муборак бўлсин!*

Манзура ШАМСИЕВА  
суҳбатлашди





*Миллий қадриятларга бой тарихимиз асрлар оша кишилик жамиятининг энг юксак эътиборида бўлган десак, адашмаймиз. Ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий соҳа фанлари бизнинг ўлкада кенг тараққий топган. Айниқса, XIV–XV асрларга келиб, хаттотлик санъати ҳам ривож топа бошлади. Буюк хаттот ватандошларимиздан Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Самарқандийларни алоҳида тилга олишимиз мумкин. Алишер Навоий асарларида эса хаттотлик санъатининг 36 тури қайд этилгани бу соҳанинг қанчалик тараққий топганидан далолат беради. Асрлар оша тарих зарварақлари умримизни безаб, фан-технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда ҳуснихат бугунги кун учун керакми, деган ҳақли савол туғилади.*

## *Ҳозир ~ ko'ngil ko'zgarisi*

Янги педагогик технологияларга кўра, мактаб дарсларининг аксарият соатлари ҳам техника воситалари ёрдамида олиб борилади. Албатта, бугунги кунда ҳеч бир соҳани техник воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо ҳар қандай ривожланган даврда ҳам ҳуснихат ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Психологияда инсоннинг ёзувига қараб, унинг қандай шахс эканини, айтиш мумкин. Айтайлик, сўзлардаги ҳарфлар катта-катта қилиб ёзилса, бу ўша инсоннинг бағрикенглигидан, самимийлигидан далолат; ҳарфлар жингалак қилиб, бироз ёнбошлатиб ёзилса, романтикликнинг белгиси; рўзқани қаттиқ босиб ёзиш ўша инсоннинг асабийлигидан дарак берса, кичик-кичик юмалоқ ёзадиганлар ичи тор, бировга ўз ҳасратини дастурхон қилавермайдиганлар сирасига киришади.

Инсон ҳуснихати асосан бошланғич синфда шаклланади. Бола бошидан нимага ўргатилса, ўшанга кўника боради. Бироқ баъзи болаларнинг каттарган сари ёзувлари ўзгара боради. Бу унинг табиатидаги ёки шароитидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Айрим ўқитувчилардан “Фалон ўқувчининг ёзуви бошланғич синфларда яхши эди, юқори синфга ўтгандан сўнг ўзгарди” қабилдаги сўзларни эшитиб қоламиз ва аксарият ҳолларда бунга ота-оналарни сабабчи қилиб кўрсатамиз. Бу фикр ҳам ўринлидир. Чунки баъзи оиладаги кемтиклик, айтайлик, ота-онанинг келишмовчилиги каби ҳолатлар ҳам боланинг ҳуснихатига таъсир қилади. Шу билан бир қаторда, ўқувчилар юқори синфга ўтганларидан сўнг, хатининг чиройидан кўра яхши ўзлаштиришни афзал билишади. Компьютер воситалари чуқур кириб келаётган бу вазиятда эса болаларни кўлда ёзишга янада кўпроқ жалб этиш керак. Аввало, бу болаларни меҳнатга ўргатса, иккинчидан, миядаги

ҳужайраларнинг тезроқ ривожланишига омил бўлади.

Маълумотларга қараганда, баъзи давлатларда бирор лавозимга раҳбар тайинлашаётганда, ундан кўлда хат ёзиб беришларини сўрашар экан. Бу ишга олинаётган шахснинг ёзув орқали характер-хусусиятларини баҳолаб, керакли хулосани чиқариш имкониятини беради.

Фарзандларимизга замонавий технологиялар билан бир қаторда ҳуснихат қоидаларини, ёзувдан қандай фойдаланиш сир-асрорларини ўргатиш ўқитувчилар билан бир қаторда ота-оналарнинг ҳам вазифасидир. Чунки хат инсоннинг юзидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, техника қанчалик тараққий топмасин, инсон кўнглининг нозик нуқталаридан тошиб чиқадиган кўнгил битиклари ҳуснихатимизда акс этади. Унинг қанчалик самимий, беғубор, ишончли бўлиши фақат ўзимизга боғлиқ. Донишмандлар “Ёзув – кўнгил ойнаси”, деб бежиз айтишмаган.

Зухра БАРОТОВА,  
Бухоро



# Sadoiydur qatira daryoi ʻOʻqand

Кўкон адабий мухитининг кўзга кўринган вакилларида бири – Мирҳасан Садой истеъдодли шоир эди. Садой мустаҳкам ахлокий, фалсафий, маънавий қарашлари шаклланган, ижодда ўз йўлига эга, замондошлари ва издошлари томонидан эътироф этилган ижодкор ҳисобланади. XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярми ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Мирҳасан Садой ижодини унинг ўзи томонидан тартиб берилган қўлзма девони асосида таҳлил этиш мумкин.

Садой девонининг иккита дастхат нусхаси ҳозирги кунда ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Қўлзмалар фондида сақланмоқда. Асар адабиётшунос М.Қодированинг “Адабий мерос” тўпламида эълон қилинган. Олиманинг “Садой ижоди” номли мақоласидан ташқари, шу пайтгача шоир асарлари филологик жиҳатдан умуман ўрганилмаган. Девон ўша давр ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётига шоир муносабатини ифодалагани, Қўкон адабий мухити ҳақида қимматли маълумотлар бергани билан аҳамиятли.

Садой таржимаи ҳоли, адабий мероси, ўз даври адабий ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўзбек адабиётшунослиги тадқиқотларида, хусусан, ўзбек адабиёти тарихи китобларида маълумот кам учрайди.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари томонидан тузилган “Асрлар нидоси” тўпламига Садой асарларидан намуналар киритилган. Мазкур тўпланда М.Оқилов шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида қисқача маълумот бериб, намуна сифатида шоирнинг 38 та ғазалини келтиради. Шеърлар шоирнинг 1918 йили Тошкентда нашр этилган тошбосма нусхасидан олинган.

Шунингдек, тўпланда шоир Мажзуб Намангоний (вафоти 1849 йил)нинг “Тазкираи Мажзуб Намангоний” асари, Мушрифнинг “Шоҳномаи нусратпаём” ва Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” асарлари ҳам келтирилган.

Мажзуб Намангоний “Тазкираи Мажзуб Намангоний” асарида Кўкон хони Эрдонабий (XVIII аср) саройида ўтадиган маснавийхонлиқлар ҳақида ёзади. Ана шундай ижодий мухит натижасида XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, Кўкон таърифига бағишланган “Хўқанд” радибли илк ғазал пайдо бўлди. Ғазал муаллифи Мирҳасан Садой 13 байтдан иборат мазкур шеърида Кўконни обод, фаровон маскан сифатида таърифлаб, шаҳар халқининг мусофирпарвар, меҳмондўст эканини алоҳида таъкидлайди.

XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср ўрталари Кўкон адабий мухитининг кўзга кўринган намояндаларидан

бири, ўзбек лирик шеърияти тараққиётига ҳисса қўшган ижодкор Мирҳасан Садой ҳаёти ва ижодий мероси бугунга қадар кам ўрганилган. Шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида ўзбек адабиёти тарихида ёритилган манбаларда маълумот кўп эмас. Уларда кўзда тутилган давр ҳақида келтирилган ўринлардагина шоир ижоди хусусида қисқача тўхталиб ўтилади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг 7-жилдида эса қуйидаги маълумот мавжуд: “Садой Мирҳасан (XVIII аср иккинчи ярми – Фарғона – 1820) – шоир. Ҳаёти ва ижодига доир айрим маълумотлар Дилшод отининг “Тарихи муҳожирон” асарида учрайди. Хувайдонинг шогирди, кўпчилик шеърлари унинг ғазалларига ҳамоҳанг. Ҳофиз, Навоий, Машраб адабий анъаналарини давом эттирган, ғазалларига назиралар битган, шеърларида дунёвий севги, дўстлик, ахлоқий фазилатлар, илм-маърифат куйланган, ижтимоий ноҳақликлардан шикоят қилинган”.

Шоир ҳақида анча тўлиқ ва аниқ маълумот берувчи манба унинг ўз девонидир. Чунончи, “офтоб” сўзи келиб чиқадиган бир чистонида шоир ўзининг исми ва тахаллусини шундай баён этади:

*Мирҳасан отим, Садой деб манга бўлди лақаб,  
Маъни йўқ ё маслаҳат, монанди нақши бўрё.*

Шоир ўзининг туғилиб ўсган ва яшаган маскани ҳақида ҳам манзумаларида маълумот беради. “Ёғар бошимга ёмғирдек маломат тошидин сўргил” деб бошланувчи ғазалида туркий шаҳарлардан бирида, булоқнинг бошида маскан тутганлигини ийҳом қилиб айтади. Бу билан у Қўқоннинг Булоқбоши деб номланувчи қишлоғидан эканини маълум қилади:

*Мани бечорани токи азар ҳар ким талаб қилса,  
Бориб ул турк кентида, булоқни бошидан сўргил.*

Ҳасби ҳол мазмунидаги яна бир ғазалида у машҳури жаҳон – Хўқанди латиф тупроғидан бунёд бўлганидан фахрланади:

*Фалакни гардиши бирла, аё жон,  
Тушибман бу ажойиб шаҳри Хўқон.  
Агарчанде жаҳон бебокидурман,  
Вале машҳури Хўқанд хокидурман.*

Булоқбоши қишлоғи “Тошбулоқ” деб ҳам номланган экан. Шоир бир ғазалида бу қишлоқни “Дунёнинг беҳишти жовидони” деб атайди. Унинг кўм-кўк экани, осойишта, сувлари равон, халқи яхши сўзли ва меҳмондўст, авлиёлар назари тушган, илмли, ҳунарли, бирорта ёмонни ахтариб ҳам топиб бўлмайдиган юрт эканини мадҳ этади. Она қишлоғига бўлган муҳаббатининг зўрлигидан шоир бу шеърига “Тошбулоқ” сўзини радиф сифатида қўллайди. Шеърда яна бир тарихий маълумот келтирилади. Тошбулоқнинг

бу қадар фаровон, халқининг бари мулла, шоиру нотиқ, ўзи “андозаи биҳишти жовидон” экани юрт хони, ҳукмдори – Норбўтахоннинг эътибори туфайли экани маълум бўлади.

Садойи девонида унинг ота-онаси, насл-насаби, фарзандлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Девоннинг ниҳоясида келтирилган маснавий бошдан-оёқ хоксорлик, камтаринлик, ўз-ўзини, хулқу атворини маломат қилиш руҳида ёзилган. Садойининг отаси мўътабар, соҳибкамол деб таърифланган бўлса ҳам, унинг исми ҳеч ерда қайд этилмаган. Девондан жой олган яна бир ҳасби ҳол мазмунидаги ғазалда шоир оилали, фарзандлари кўп бўлиб, бир ўғлининг касалланиб вафот этгани тарихини баён этади.

Адабий, илмий ва тарихий манбаларга кўра, Садойи тахминан 1760/61 йили маърифатли, тариқатпеша, ўз даврининг фозил кишиларидан бирининг оиласида дунёга келган. Фарғона водийсининг Булоқбоши қишлоғида ҳаёт кечирган. Тадқиқ этилган илмий, тарихий адабиётлар, адабий-кўлёзма ва тошбосма манбалар шоирнинг ўз даври адабий ҳаёти ривожига алоҳида ўрин тутганлиги, халқни маърифатга ундовчи асарлар ёзгани, дилбар шеърляти билан юксак маданият ва инсоний фазилатларни тарғиб этганлиги ҳақида аниқ ва атрофлича маълумот бера олади.

Назмия МУҲИДДИНОВА

# Dilbar bu jahon ichra...

Халқ оғзаки ижоди инсоният тарихининг турли тараққиёт босқичларида яратилиб, оғзаки равишда авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, бизгача етиб келган ижод маҳсулидир. Халқ оғзаки ижодини халққа етказиб берувчилардан бири халфалардир.

Халфачилик санъатида терма қўшиқларни айта билиш шунчаки сўзга чечанлик эмас. Бу, аввало, тилимиз, юртимиз ва элимизга ҳурмат ҳамда унинг бир неча минг йиллик қадриятларига, маданий меросига муҳаббат ҳамдир. Шунингдек, халфа қўшиқларида яшаш тарзимизга, воқеликка, борлиққа муносабатимиз ҳамда маънавий дунёмиз ўз аксини топган.

Халфа қўшиқчилиги Хоразм воҳасида VII аср бошларида вужудга келган. Халфалар ўз қўшиқларини қошиқ, пиёла ёрдамида ижро этганлар. Кейинчалик озарбойжонларнинг сози, яъни гармонга ўхшаш, диатоник овоз берадиган асбоб жўрлигида куйлашган. Хонлар даврида халфалар ичкарида, хон аёллари ва уларнинг канизақлари орасида хизмат қилишган.

XVIII аср охирларида Хоразмда санъат яхши ривожланган. Хон саройида қирқдан ортиқ мақомчи, бахши ва халфалар бўлиб, улар орасида Анаш халфа исмли раққоса бўлган. Бу аёл гўзал ва латофатли бўлиб, бир оёғи оқсоқ

бўлишига қарамай, рақсга тушганда ногиронлигини сездирмаган.

Кейинчалик “Ожиза” тахаллусли Онабиби Отажонова эса ўзи ижод қилган ғазалларни куйга солиб ижро этган. Назира халфа, Шукуржон халфа ҳам халфачиликнинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшишди. Уларнинг ижодий ишларини ҳозирга қадар ёшлар давом эттиришмоқда.

XX асрга келиб, халфалар ўз қўшиқларини аккордеон жўрлигида куйлай бошлади. Улар ўзлари ижод қилган терма-ғазалларга куй басталаб, қўшиқ ижро этганларида, сўзларнинг тингловчига тўлиқ етиб бориши учун куйларни моҳирона ижро этишлари шарт бўлган. Халфаларнинг ажойиб хусусиятларидан яна бири, улар моҳир раққоса бўлиш билан биргаликда, тўйлар, турли тантаналарда, айтишув ва беллашувларда тарафма-тароф бўлиб, ўзларининг ҳозиржавобликларини намоён этганлар.

Бунга мисол қилиб куйидаги халқ термасини келтириш мумкин:

1- халфа:

*Галдик сизга меҳмон бўлиб,*

*Нозли ёрим, уйғон энди.*

*Тоза боға боғбон бўлиб,*

*Эрка ёрим, уйғон энди.*

2- халфа:

*Танимадингни ёрингни,*

*Ёринг эшитгай зорингни,*

*Истарам севар ёрингни,  
Эрка ёрим, уйғон энди.*

1-халфа:

*Боғ эшигин очиб,*

*Оҳиста қадам босиб,*

*Буйи-буйима муносиб,*

*Нозли ёрим, уйғон энди.*

Инсоннинг нияти ва эзгу мақсади унинг интилишларида, яратувчанлик, ижодий меҳнатида яққол кўзга ташланади. Юртимизда ижодкорларга кенг йўл очилган. Ватан, мустақиллик мавзуларида ижод қилаётган, номоддий маданий мерос дурдоналарини тараннум этаётган ёшлар сафи кенгаймоқда.

Халфачилик санъати қадим-қадимдан икки дарё ораллигида яшаб келган аждодларимизнинг бизгача етиб келган номоддий маданий меросларидан саналади. Халфачилик сўз, соз ва маҳоратни ўзида мужассам этган ноёб санъат ҳисобланади. Ўтган асрда Хоразмда яшаб ўтган устоз халфалар изидан бориб, бугунги кунда ҳам ижод қилаётган ёш халфаларимиз халқимизнинг маънан бойиб, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида камол топишига сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ

Хўйш, энди сизга бир хангомани айтиб берсам, бўлмаган гап дейсиз. Тўғри ўйлайсиз, шу гапни бошқа бировдан эшитганимда ўзим ҳам ишонмас эдим, одамларни гўл дейди, шекилли, бу одам ё ўзини гўлликка соляптими деб, ансам қотарди балки, лекин сизни алдамай деб кўрганимга мункир келсам, бу ҳам тўғри бўлмас. Кейин, гап ишонишда эмас, ҳамма ишонган гап тўғри чиққанида, ўзингизга маълум, бунақа юрмаган, олам гулистонда яшаётган бўлур эдик. Қуруқ ишонч алданишдан бошқа нима беради? Лекин у ҳам бир сўргич, алданишга ўргатиб қўяди, алданмасангиз, қатордан тушириб юборишгандек бўлаверасиз. Гапим тегиб кетмасин, биламан, ўзингиз ҳам ториққансиз бунақа гаплардан, билган одам ториқади, албатта. Ана, шунинг учун хитланавермай, бўлар экан-да шунақа, ажаб-ей, қани, эштайликчи, шунча эшитганимизнинг бири-да, деб кўнгилга кенглик беринг, бу бир гурунг, диққатингизни ёзади, камина ҳам оғзига келганини қўйиб юборавермас, айтадиган гапимни орқа-олдимга қараб, сизнинг нима дейишингизга тўғрилаб гапираман. Балки тагидан бошқа гаплар чиқиб қолар.



Ahmad A'ZAM

Албатта, ишониш қийин воқеа ўтириқка тортади, лекин ундан-бундан гурунг қуриб ўтирганда йўғидан кўра шунинг ҳам бори яхши, деб қўяди гапкашлар; мен ҳам яна бир марта хўйш деб бошласам, шу гап бўлди, айтмасам тинчимни тополмайман. Хулласи, ўз уйимда, ўнг қўлимда бурда нон, парра қази, чап қўлим билан катта қирмизи луғатни варақлаб ўтириб (шу жойини унутманг), мисолга олинган "Мард бўлсанг, Эскижўвада хангра" деган гапга тўхтаб, жуда топиб айтилган экан, ҳозир ҳеч ким ишлатмайди, ханграшга бўлакча маъно юкласа бўлади, ўзимга ҳам бир хил оғзи бузук одамлар худди ханграб юрадигандек туюлади, буни ўхшатиб бирон жойда қўлларман деб, энди тагига чизмоқчи эдим, уйимга кириб келса! Ким ё нималиги калламга бирдан кирмабди – эшак! Ҳа, эшакнинг ғирт ўзи! Кўзим билан кўриб, ўзим ишонмадим! Капалагим учиб кетай деганда тутиб қолдим. Мен шаҳарда, нафақага чиқиб, энди бутун эрмаги қоғоз қоралаш билан китоб мутолааси бўлган одам, бу эса хуув чанг босган қишлоқда қолиб кетган бир эшак. Тўрт оёқлаб келиб турибди, паққос! Ўзингиз тасаввур қилинг, паркетда эскироқ бўлса-да қиммат гилам, диван, юмшоқкурси, яна деразаларда буюртма тикилган шокила пардалар (шуни ёмон кўраман), оёқни ечиб кирадиган жойга туёғини босиб кириб келса!

Эсанкирадим, тагин қўлимда қалам денг. Сал ўзимни йиғиб, бу нима густоҳлик, эллик йил бурун босилган эски луғатдан шўп чиқиб келиб, хаёлимни бузса, деб ичимда ёзгирдим. Бошқа ҳайвонлар ҳам бор-ку бу китобда, аммо биронтаси бу ёққа чиқиб келмайди, а, бу нимадан қуруқ қолган! Ўзи шу бўлмайдиган нарсани кўрсам, эл бўляпти-ку деб унга ишониб турса ҳам чеккам тиришади, лекин ишонганларнинг юзи, кўпчилик нима деса – шу, бўри емасин деб, инқ этмай тишланиб туравераман. Ҳа энди, бунақа гапларни эшак мисолида айтиш ноқулай-у, лекин минг ҳай демай, бу бекорга келмаган, узунқулоқ калла билан шунча йўлдан шаҳарда уйимга йўл топибдими, бирон каромати бор, на илож, билмаганимда маъқули шу, бирон йўли кўринар деб, ўзимни вазминликка солдим.

У аввалига бир нималарга чоғланиб, тумшугини чўзди, лекин шу аснода уйимга аланглаб, бу ерда тўғри келмаслигига ақли етди чоғи, калласини пастга ташлаб, қулоқларини саланглатди. Қаранг-ей, одам бор жойга боряпман, у ёқ-бу ёғимни тўғрилаб олай деб, қора тупроққами, кулгами хўп ағнаган, тозалангани шудир-да бу турқи бетароватнинг; шундан оқ толдан чопиб, хом тери тортиб ясалган эгари ёнбошга оғиб қолган. Эсингиздами, қоши йўқ ҳисоби паст, эгар деб ҳам бўлмайди, тагига тикса, ёш боланинг кўли ҳам кириши маҳол? Бешинчи синфдалигимизда наврўзтепалик Саидвали носкадисини шунга тикиб юрар экан, билмаганмиз. Исмоил – зеҳни ўткир, қараб юриб, топди, топганига Носир муаллимимиздан суюнчи олди. Носир муаллим Саидвалининг эшагидаги эгарнинг қоши тагига икки бармоғининг учини тикиб, носкадини чиқарди-да, кўрганлар, яъни бизни, иргансин деб, афтини атай мужмайтириб, ерга урди, синфимизнинг эшиги олди кириб-чиқиб босаверганимиздан ёмғир ҳам юкмайдиган заранг-тош бўлиб кетган эди, носкади майдаланиб, урилган жойи кўкариб қолди. Носини тергилаб олмасин тагин дедими, устидан шалпиллатиб тупурди ҳам. Исмоил муаллимга пишанг бўлиб, у ҳам бориб ўша ерни тепкилади. Чинни кўзачадек гул солинган ҳақиқий эски кадича, нарироққа тушган бўлагини олиб қарасак, нақшлари, нос иси келиб турса ҳам, қизғиш гулли хитойи пиёла синиғига ўхшар эди, томоша қилиб ачиндик, ачиндик жуда, учиб кетган яна уч-тўртта бўлакни бир-бирига улаб кўрдик, бўлмади.



# Qiroq

Qissa

Носкадига ҳам шунақа чиройли безак берадимия-я, деб хунобимиз ошди. Бунақа кадичани ҳеч ким экмай кўйган, ошкадига ўхшаб ўсади, палаги сўрига чиқиб тугади деб эшитамиз, холос, кўрмаганмиз. Саидвалининг бувисига ҳам момознаседан мерос ўтган бўлиб, у ўғирлаб тутиб юрган экан, кўйганидан ириллаб йиғлади. Қизиг-ей, шунақа ғалати йиғларди, ўзини кўрмай йиғисини эшитган одам сесканиб тушарди.

Носир муаллим Саидвалини олдиндан уришиб келади, яна уришди, так-так бошига чертди, черткиси кўрғошин қўломидек оғир, нақ товонгача ўйиб тушарди. Бор гап. Бу ҳам кор қилмагандан кейин уришга ўтди, ёмон урар эди лекин, инсофи йўқ, кўли билан йўлга соларди-да. Саидвали бечоранинг нима жони бор, қўл тегмасидан думалайди, чаққон ўрмалаб партанинг тагига кириб кетади, кўзи қуруқ, одамнинг юрагини эзиб виғиллайди. Лекин қаттиқ ўрганган экан, шунча калтак билан ўнинчини битиргунизмизча ташламади. Ўлмаган одамнинг жони-ей! Кейин ҳам яшаб кетаверди! Ҳа, биз тайин ўлади, дер эдик-да. Нон тегмаган ориқ, ориқ ҳам эмас, тирриқ, пўсти бориб устихонига ёпишган. Кўҳна касалнинг ёпиғидан хабари бор-ов, деган гумонимиз ҳам аниқ. У пайтлари биз томонда бунақа касалнинг уруғи кўп, ёпиғи билдирмайди, калта йўталтириб юраверади, очиги эса кўпга қўймайди: бинойидек юрган одам кун сайин ранги қочиб, бети сўррайиб, гавдаси букилиб, кетиб бораверади. Шунга касал бўлмаганлар ҳам ваҳимакасал. Саидвали ўзи шу аҳволда, яна нос отади. Наҳс босгурнинг, чакмазаги ҳам бор деймиз, ҳар танаффусда бадрафга қатнайди; оғзини артиб чиқишидан туфлаб келаётганини кўрамиз, аммо қайдан олиб чекади – билмаймиз. Муаллимлар ахтарди, биз қараб ўтирмадик. Қизиқиш-да, нажосат жойда ғойибдан тушадими ё ўртани тўсган тахта девордаги пойлайдиган тешигимиздан қизлар берадимия, ишқилиб, оғзида носи бўлади, аммо носкади йўқ. На жилдида, на липпасида. Пачоқ қалпоғини ечиб, астарининг пилтасигача ситиб қараганмиз. Сўраганда миқ этмайди, фақат бети жийрилади. Қирриқнинг боладимми деб тиржайгани шу. Исмоил бу ерда бошқа бир гап бор деб, пайига тушган-да. Аммо-лекин бунинг шумлиги ундан ҳам ўтиб тушарди. Бўлмаса, ҳаммамиз Саидвалининг эшакка меҳр кўйишига ҳайрон: эс жойидами, калла кетмаганми деб. Ҳар танаффусда бадрафга киришдан олдин бориб айилини қайта тортади, силаб-сийпайди. “Ҳа, жўра, мактаб бўлсин, кетами-из”, деб қўяди. Жўра-я! Бизда ўзи биров эшакни ҳайвон ўрнида кўрмайди. Қишда молдан ортган нўшхуртни ҳам бермай, кетига тепиб далага ҳайдайди. Пичан тортилганда бу ҳам умтилсам дейди-да. Жўра эмиш, ўргилдим! Жўранг бўлса, минма устига, отникидек гилам жабдуқ ёп-да, олдига тушиб, жиловидан етакла! Носкади эгарнинг қошида бўлиши ҳеч бировимизнинг калламизга келмабди. Эшакка нимани уқтирса бу деб қараб турамыз, у эса бизга чаппа ўгирилиб шиппа каплайверар экан. Яна айтма деб эркалатгандек, тиззаси билан эшакнинг биқинига туртиб қўяди. Юрибмиз ўттизимиз, нашаванднинг ўзи тупиркилос, нос баттар қилади, бечоранинг ризқи

қийилган, ишқилиб, қаторимизда юргани яхши эди-да, деб ичимиз ачиб. Носкадини топиб йўқотсак, насибаси узилмас эди деб жуда ишонамиз. Қайда, носкашлигини қўймади, жон ҳам савил экан. Айтдим-ку, мактабни битирди, трактор ҳайдади, бола-чақалик бўлди, мен ҳаётда улоқиб кетдим, у қишлоғидан чиқмади, қайтиб кўришмадик.

Яшаётгандир, ҳали ҳам носини отиб, деб юрардим, яқинда синфдошларим қидириб келиб қолди, шунда сўрасам, Вафоқул: “Э-э, сен эшитмагансан, ҳай, кўкариб чиққанига ҳам... Исмоил, уч йил бўлдими, ё тўрт?” – деди. Олтмишдан ошибмиз, ҳали ҳам сенлайди, яқинлигимизни билдириб турармиш. Ҳа, майли, яқинлик шу сенлашсиз бўлмаса, сенлашақолайлик. Ишқилиб, кўкариб чиқди деса, ўйимга носнинг кўи келиб: “Шу носдан кетдими?” – деб сўрабман..

– Энди, нос чеккан ўлаверса, одам қоладими! Икки минг саккизда қаттиқ қор ёғди-ку, заҳар совуқ, Мўлтипдан келаётиб йўлда йиқилиб қолган. Ўпка кетган ўшанда. Кўпга ҳам бормади кейин, – деди Исмоил унча хушламай.

– Нимага йиқилади? Ўша нимжонлиги эдими? – деб яна соддалик қилибман. Шунақа шошиб ўйлашим бор. Исмоил билан Вафоқул илжайиб қўйди, одам ўлган бўлса, булар нимага кулади деб ғашланиб индамадим.

– Нимжон-а! Қовжироқ бўлсаям пишиқ одам эди. Э-э, тупроқ еткизмасин, кўзга қараб ичиш керак эди-да, – деди Вафоқул.

– Нимага ичади? – деб сўрадим. Бошига бир ғам тушган экан-да, деб ўйлабман.

– Оббо, – деди Вафоқул, – нимага ичарди, ичади-да. Қишлоқдан тоза чиқиб кетибсан-ку.

Қишлоқдан чиқиб кетганимни ўзим ҳам биламан, қирқ йил бўляпти, лекин у ёқдан чиқмаган одам ичиб ўлаверадими? Буларнинг гапини эшитсанг, ҳазилга думалаганга ўхшайди. Яна нима эмиш: рози-ризолик тилашганда бош учимга шампан шисасини носга тўлдириб қўйиш эсларингдан чиқмасин, диққатим ошганларида чекиб ётаман, деб тайинлаган. Астағируллоҳ, Вафоқулнинг гапига ўзимнинг ҳам ичимдан иҳи-иҳи деган товуш келиб, лабим бурилиб кетди.

– Қўйинглар-ей, яхши эмас, – деди Рашид ҳам илжайиб.

– Ана, бадрафга кириб ўтирмайди, пойлайдиган одам йўқ, – деб Вафоқулнинг яна тили қичиди. – Носир муаллимнинг шунча ургани бекор кетди.

– Ҳай, ҳай, – деди Рашид чимирилиб. Исмоил эса беозор ғашланиб:

– Қизиқ-да, биров уни ўлсин дептими? Ўзига ўзи қилган. Кўзига қараб ичмайдами! – деди ўзига ўзи гапиргандек.

– Ҳа-эй, бошқа гапга ўтайлик, – деди Рашид.

– Одам иккита оёғининг устида ўзини эплаб юриши керак, – деди Исмоил.

– Нос кўп ичган одамнинг оёғидан ёмон олиб қўяди-да, – деди Вафоқул муроса билан.

Исмоил яна гапирмоқчи эди, Рашид, айтмаса ҳам билади, шекилли, қўймади:

– Худди ичимизда эшитиб ўтиргандай, одамга жуда ноқулай-е, – деб Саидвали тўғрисидаги ҳангомани ҳам кесди.

Менга ҳам шундай туюлди, Саидвали жийирчиқли юзини тириштириб, қўлини мисоли эшик қисиб, фирмайиб қараётгандек кўриниб кетди. Унинг устидан худди у ўлмагандек кулдик, мен ҳам синфдош жўраларимга қўшилдим, кулдиму хотирамнинг тубидаги қишлоққа чўкиб кетавердим. Жўраларимнинг гапларида менга зимдан таъна бор эди.

Уйга келган шалпангқулоққа қайтадиган бўлсам, бу ҳам Саидвали мактабга миниб қатнагани билан бир тус, умуман, бу ҳайвон зотини кўп ҳам фарқламайсиз-куя, лекин мазкур, уйимга кириб келгани қандайдир жуда умумий бир эшак, ҳаммасига шундан нусха олса бўлар эди.

Яна тозаланиб олай деб, эшикка ишқаланиб, чорчўпни совунлаб қиртишламаса кетмайдиган кир қилди, бўлмаса, кўча тўла дарахт, қатор симёғоч, ишқаланишга бошқа жой қуриб кетмаган, бир хил гўдайиб турадиганлар бор, шунақа бетаъсирки, симёғочдан ҳам беш баттар, ўшаларга ишқаланса бўларди! Вўҳ, зўр гап чиқдим! Лекин, эй, намунча эшакни гапирман деб, одамга ўтиб кетяпман?

Майли, бу ҳам луғатдан. Э, хуллас, уйимда бунга нима бор деб бўғилганимдан еб турган луқмам ҳам томоғимда қолди. Ўтмади, ўлдимми энди, эшакка қараб қазӣ чайна-аб ўтирсам. От бўлса ҳам бошқа гап эди. От – вафодор дўст, минган одамнинг кўрки, гўшти ҳалол. Бу бир ювиқсиз...

Шу гапларни ўйлаганим ҳамоно у қулоғини саланглатганча салом бериб юборса! Во ажаб, эшакдан салом-а, деб ажабланишга улгурмай, алик олиб қўйибман. Ибратини кўриб хомсирадими, ҳозиргина айтдим-ку, айтмасам ҳам кўргансиз, бор шундайлар. Лекин саломингизга аликни тилаб оласиз, ўла қолса ўзи олдин мулозамат кўрсатмайди. Мисол учун, дейлик, қўшнингиз, сиздан беш-олти ёш кичик, тутган мартабаси ҳам сизникича баланд эмас, катта кетиб кўнглини оғритмагансиз, гапингиз доим яхши. Аммо уни муомаладан уриб кетган. Ҳу нарида йўнғичқани кўрган тулпор ё емга тўйган ҳўкиздай тўрсайиб ўтиб кетаверади. Худойим фаросат улашганда қисган, лекин, мана, бизни ўзи яратиб қўйибди деб, шунга маст, ким қилиб яратгани билан иши йўқ. Э махлуқ, худойим сендан бошқаларни ҳам яратган! Ё тавба, ҳайвондан одамгарчилик кутмайсиз, тўғри, лекин, ахир, одам мол эмас-ку, инсонда инсонлик фарқи бўлиши кера-ак, дейсиз. Ҳа, майли, ғийбат яхши эмас. Пешана-да – қайси гуноҳингизга дарвозаси дарвозангизга тўғри турса. Қарамай десангиз ҳам, ҳар кунни ўзи кўзингизга қадалади, кўнглингизга эрталабдан хуфтон солади. Чидайсиз-да, чидайсиз, ҳаёт бу. Ўшаларга ҳе эш-шак, деворгим келади-ю, аммо манави қобилнинг илтифотини кўриб, бунга тенглаштирса, обрўси кўтарилиб кетадими дейман-да уларнинг. Яна ўша ёққа ўтиб кетяпман, узр. Ичидагини энгиши қийин-да одамнинг. Мен ҳам бир банда, ахир. Лекин бир хиллар минбарга чиқиб олиб ханграйди-да, ахир.

Аммо бунинг ҳам ўзини ҳар қанча тарбияли

тутгани билан айтилмаган жойга кириб келгани, анча нарсани эсимга солиб, кўнглимни сал илитган бўлса-да, очиғи, чеккамни тириштирди. Ҳу бурунлари, яъни эшак минган пайтларим бошқа гап эди, энди эса шаҳар тўла машина, уйда ҳам бор, ўзим ҳайдайман, хулласи, эшаклик иш йўқ, яқин ўртада унга ҳожатим тушмаган, тушмайди ҳам, ҳозир ҳатто қишлоқда ҳам мингани ор қилади, мен зиёлиникида нима йўқотган экан бу, деб диққатим ошди. Ахир, тўғри-да, минганим қачонлар эди, ҳу болалик чоғларим мол боққанда, ўтга чиққанда, сомон ташиганда. Эсингизда-я, муштдай бошимиз билан ўт ичида димиқиб ўрганимиз. Бир силтов билан эгардан ошириб, тепасига яна бир боғни босиб, орқасига қўниб ҳам олардик; шуни эплаганимизга ўзимиз шишинган, кўрган катталар, ҳў, баракалла, пишиқлигини, деб қарайди. Бўйча бир қаричлигидан бош кўринмайди, жониворнинг калласи ҳам ўт ичида, мисоли кўм-кўк ғарамнинг ўзи, тагидаги тўртта типир-типир оёғи билан, лам-лум, ла-ла-лум, уйга қараб йўл тортади. Ғарамнинг ичидан ашуласи чиқаётган ўзингиз.

Болалик – эшак минган ашула, уловдаги ҳофиз.

Баҳорикорда ашулаҳонликка мажол йўқ, кифтини офтоб куйдираётган қирлар ҳансирайди. Қизиган тандир мисоли оқариб, ҳовур билан ютаман дейди. Ҳа, қулоғингизга шунақа бир оч ҳансираш келиб туради, кун тиғида жингиртоб ўт-ўлан читир-читир ёниб бергудек. Юрак куяди, ичишга олиб чиққан сув ҳам шишада бижғиб, такиллаб қуриган тилнинг устида думалайди. Сувсимни босмайди. Комбайн тўкиб кетган майда сомон ўроққа илдинмайди. Қўлда тўдалаш азоб, тер куйилиб, кўз ачишганидан кўргангиз атроф сариқ оқова. Яйдоқ жазирама, устида живир-живир саратон рўёлари. Сал олисда Ғўбдин тоғи ҳам кўк буруқсайди. Бўйингдан икки баробар катта-катта қанорни миқтилаб тепиб жойлаб, маташтириб эшакка ортиб, айна ҳа-ҳийлаб ердан узган пайти бу ҳаром қотгур юриб кетмаса, устига яна бир қанорни кўндаланг ётқизиб олгунча, эҳ-ҳе, бу азобларга чиллакчўп оёқлари дир-дир қалтираса ҳам фақат болагина дош беради. Ҳатто сўфитўрғай ҳам кўрган кўзига ишонмай учишни эсдан чиқариб, қочмай тураверади. Ҳай полвон, ҳай эти устихонига ёпишган алпомиш! Эҳтиёт бўл, зўр келмасин – эрталаб гирдолига тўйгансан! Туриш бериш керак, туриш.

Эшак боёқиш, биқинига тепса ҳам, бўйнига халачўп михини тикса ҳам, туриб беради, дод демай кўтариб кетаверади, чидамдан берган! Бир товуш чиқарай десанг, чарчаганидан нафас юракка тушиб кетган. Қўшиқ ҳам ўша ичкари ёқда нуқул инқиллайди, холос. Фақат их-их, кейин пастгина ялинган товушда: ҳа, жонивор, ҳа, жонивор... Бир кетини кўтариб ташласа-ку, шунча ғайрат бир пул. Лекин унда боланинг меҳнати увол кетишини шу ҳам билади.

Ана шуларни эслаганда хаёл қочади-да, хаёл, қаёқларгадир кетиб, аччиғи йиллар пўртанасида такка чўкиб, ширини қалқиб юзалаб, ирмоқ-ирмоқ ёдимга оқиб киради. Меҳнатнинг тагидан ўрмалаб, ҳеч бир машаққатга бўйин бермай, ёруққа умтилаверган

(Давоми 26-саҳифада)



Бу йил истеъдодли қизларимизга бўлган эътибор яна бир юксак босқичга кўтарилди. Ҳар йили 14 та номзод Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилган бўлса, адабиёт, маданият, таълим, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган, ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга 16 нафар қизимиз бу йил истисно тариқасида ушбу мукофот билан тақдирландилар. Лауреатларнинг 10 нафарини спортчи қизлар ташкил этиши республикамизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган эътиборнинг амалий натижаси, десак, хато бўлмайди. Шеърят, санъат ва бошқа йўналишларда лауреат бўлган қизлар ҳам спорт билан шўғулланиб, юқори натижаларга эришишган.

Мамадибрагимова Динорахон Мухаммадрайим қизи – Фарғона вилоятидан. 1997 йил 8 июнда Қувасой шаҳрида туғилган. Спортнинг таэквон-до тури билан шўғулланади.

Намозова Моҳинур Бобировна – Бухоро вилоятидан. 1998 йил 29 октябрда Бухоро туманида туғилган. Спортнинг таэквон-до тури билан шўғулланади.

Холбекова Ёқутхон Назарқосим қизи – Жиззах вилоятидан. 1995 йил 6 апрелда Жиззах шаҳрида туғилган. Спортнинг ёзги биатлон тури билан шўғулланади.

Қосимова Зария Ўқтамовна – Навоий вилоятидан. 1996 йил 19 мартда Зарафшон шаҳрида туғилган. Спортнинг таэквон-до тури билан шўғулланади.

Холжигитова Дилбархон Баҳодир қизи – Сирдарё вилоятидан. 1995 йил 14 сентябрда Сирдарё туманида туғилган. Спортнинг таэквон-до тури билан шўғулланади.

Атажонова Гуляра Комилжон қизи – Хоразм вилоятидан. 1993 йил 20 январда Урганч туманида туғилган. Спортнинг дзю-до тури билан шўғулланади.

Баротова Лутфия Абдусаттор қизи – Сурхондарё вилоятидан. 1996 йил 19 ноябрда Термиз туманида туғилган. Спортнинг шотакан каратэ-до тури билан шўғулланади.

Ҳақимова Хуршида Сарвар қизи – Тошкент шаҳридан. 1998 йил 11 январда Тошкент шаҳрида туғилган. Спортнинг синхрон сузиш тури билан шўғулланади.

Абдулҳақимова Севара Одил қизи – Тошкент вилоятидан. 1997 йил 13 октябрда Ангрен шаҳрида туғилган. Спортнинг шотакан каратэ-до тури билан шўғулланади.

Олимова Дурдона Олим қизи – Самарқанд вилоятидан. 1999 йил 28 октябрда Жомбой туманида туғилган. Спортнинг бадий гимнастика тури билан шўғулланади.


Манба: [www.wcu.uz](http://www.wcu.uz) сайти



Динорахон  
Мамадибрагимова



Моҳинур  
Намозова



Ёқутхон  
Холбекова



Зария  
Қосимова



Дилбархон  
Холжигитова



Гуляра  
Атажонова



Лутфия  
Баротова



Хуршида  
Ҳақимова



Севара  
Абдулҳақимова



Дурдона  
Олимова

болалик... Унинг юкини елкаламаган қишлоқ боласи йўқ. Кўп ўриб қўйиб, боғлар катта бўлиб кетиб, ортишга куч етмаган пайтлари ҳаммасини ташлаб, ерга ўтириб олиб бақириб сўкинганларимиз эсингиздами! Их-их деб йиғлаб юборай дейсиз, ҳеч ким кўрмаётган бўлса ҳам кўзингизга ёш келмайди. Олдимда икки боғ ўт, куч етмаганидан ич қалтирайди, чора йўқ, сира йўқ, бутун дунё чорасиз. Бу дунё кўзимда алам бўлиб кўкаради. Ҳе, деб сўкиниб яна ўрнимдан тураман, чоғланиб бориб, кичкина гавдамдаги бор кучни қўлим билан белимга бериб, икки боғ туташ ипга тармашаман... Қувват деб атайин чақиргандек додлайман. Худойим ўзимда йўқ олғовни қайдандир олиб беради ҳам шу пайти! Эшак бир гандираклайди, лекин жойида туради, юриб кетмайди, бола жонимга раҳми келади...

Э-э, бу хотираларнинг ширини тагида аччиғи яширин, аччиғидан ширини чиқиб келаверади. Олдин айтган бўлсам ҳам, айтгим келаверади, шунақа қизиқ гаплар сизда ҳам бўлган, ҳу ўша, салқинини жазира сўриб олган каллак тут соясига бошимизни тиқиб, ким қайси қизни олишига келишолмай, жиқ-жиқ талашган, тайини ҳам, охири ҳам йўқ валдир-важир дамларимиз. Менга қара, ўша қизга гапириб кўрганмисан ўзи, деб сўрайдиган одам йўқ, чолвор кетга зўрға илинади. Бурунни билакка артиб, йўқ нарсага, нималигини ҳам билмай, талпиниб юрганларимиз, ҳай, мишиқи қурмагурлар! Ўша қиз ҳам ҳали ўсма қўйишни билмайди, латта жилд тутуди, довот ушлаб юрганидан қўли кўм-кўк, ёзғични тишлаш одати бор, шундан тили ҳам кўк. Билган саволига ўзи ҳам чўзилиб баланд кўтаради кўкарган қўлини.

Одам шунақа униб бўй етса керак-да. Қўлини баланд кўтариб, мен жавоб бераман, деб.

Энди буларнинг ҳаммаси кўкракда, товуши ичида қўшиқ бўлиб қолган. Қишлоғимизнинг кўкликлари ичра кўмилиб, беун гиря қилиб ўтирган ҳам ўша ўзим, гирямнинг ранги ҳам кўк.

Олис ортга қарайман: малла сочим офтобда унқиқиб, қизғиш тус олган. Булунгурнинг зилол чашмалар билан пахта оқоваси аралаш бўз суви. Қипчоқариқнинг бўтанасида чўмилиб, жазиллама билқ-билқ тупроққа кўмилиб ётавергандан, бет шўралаб, суяклар куйка тери тортилган тараша. Мактабимиз чорбоғидан ўғирлаган аччиқ олмадан тиш қамашиб, мужмайиб юрганларим... Ўзимизникида шовулдек солиб, ер билан битта оғриб ётганини кўз олдимга келтирсам, оғзим сув очиб кетади. Эшак олмани деб Носир муаллимдан калтак емасак, очдан ўлармидик? Вафоқул икковимиз тепада – шохда, Носир муаллим пастда, пусиб келиб олган. Қўли орқасида, нияти бетида, садо бермай олайиб туради, тушириб олгандан кейин чап қўли билан қулқоқни бураб, ўнг қўлининг ўртанча бармоғининг букиги билан бошга тукиллатиб урганда бола одамнинг тишигача қоқилиб кетади. Раҳми йўқ, меҳрсиз одам эмас, зўр дарс беради лекин. Тиришиб ўқирдигу қўлидан кўрқардик.

Саидвали ҳадисини олган, Носир муаллим ҳали урмасидан, кўзининг пахтасини чиқариши билан партанинг тагига кириб кетади, чиқ бу ёққа, деб яхши гапириб тортса ҳам, тиралиб, чиқмай

ғужанак бўлиб олиб биғиллайверади. Қўнғирок чалинганда калласини чиқариб бизга бир иршаяди-да, эшагининг олдига ҳайдайди. Носир муаллимнинг қўли, Саидвалининг жони қаттиқ эди. Ҳа-я, дарвоқе, Саидвалининг хати ниҳояти чиройли эди-ей. Ўзи чапақай, ҳарф уриштириб ўқий олмаса ҳам ёзганини томошага қўйгули эди. Бунақа чип-чиройли ҳуснихат унга чикора, тушунмайди одам.

У бизга бешинчи синфдан қўшилган, Ғаффор, Бегимқул, Султон билан Наврўзтепадаги бошланғич мактабдан бирга келган. Улар пиёда тўрт чақиримдан қатнайди. Саидвали эшакда. У пайтлари велосипед жуда кам болада бўларди. Бори ҳам миниб келса, дарсда ўтирган пайти Ғазиранинг болалари уриб кетиши бор. Эрталаб қизиғи йўқ, чунки катталарига ҳимояланиб келишади, лекин қайтишларида бизга кун туғади, катталарининг дарси кечроқ тугайди. Ў-ў, тўпир-тўпир кесакпаррон! Буларини қақшатамиз, лекин булар ҳам кўп ўтмай Саидвалининг эшаги атрофига уюшиб олади. Ғаффор Саидвалига мингашган, Бегимқул билан Султон эшакни паналаган, ҳали урмасимиздан тўртовлашиб чинқириб, ҳай-ҳайлашиб бизнинг уй олдидан сурон солиб сурадилар. Кесак отишга юрак бетламай қолади. Синфда уришмаймиз-у, лекин дарсдан кейин кўчада ғаниммиз. Қизиқ, бола эканмиз-да, болаликнинг кесаклари ҳам юмшоқ бўлганми, бунақа отишмаларда оналаримиз, ҳай, яш-шамагур, кўзини чиқариб қўясан, бошинг ёрилади, деб жаврашларига қарамай, бирортамизга зарар етмаган, аммо-лекин тош отмасдик, фақат кесак, болаларча душманлигимиз ичида фирромлик йўқ эди.

Ўзи шу, тупроқнинг ичида пишиб, кесагига тўқишиб ўсганмиз. Ғазирамиз она ариқ Булунгурни бағирлаб шимиб, кўкка бурканиб олган бўлса-да, сувсиз қоқ ерда тиришиб-тирмашиб ўсиб чиқаётган қайрағочга ўхшатаман болалигимизни. Бўлмаса, нораста бўйимиз билан колхознинг катта клуби, ёнидаги иморатларини ҳам қўшиб, ғиштини қўйиб қўямизми! Нима ҳам жонимиз бор эди! Қаранг-эй, ҳар куни минг, минг икки юз-уч юзгача ғишт ташлаймиз. Ҳалиги, эсингиздами, ўн тўртга йигирма саккиз, тўртта ғиштлик қолип, шуни қоринга тираб, оёқ қалт-қалт чалкашиб, юкнинг залворидан товон ерга гурсиллаб урилиб, зир чопишимиз! Отам ярим кечалари: "Сен бола, очингдан ўлясанми, а? Яна кел-чи, уриб оёғингни синдираман!" – деб олдиларига солиб кетадилар, кечасилик салқинда, ой ёруғида иш яхши кетишини тушунмайдилар-да, лекин қатордан қолар эканманми, сахар қоронғисида шамғалат уриб, ярим йўлгача уйқум очилмай, лой чиқаргани югураман. Аввал хандақни икки ағдариб пиштаман, кейин тепага қулочлаб отаман, тўдаланган уюмни сувлаб, кетмоннинг орқаси билан силлиқлайман. Лойнинг устида офтоб ялтиллайди. Сўғин тушдан кейингисига ер ағдариб, сувга бостириб қўяман. Орада бир нафас ростлаб, чойланиб оламан-да, шу билан ке-етди! Кафтингизнинг қирраси билан лой кесиб, ҳовучлаб қолипга урасиз, ҳимлаб кўтарасиз, бориб тап ағдарасиз, қайтасиз, тагин кумлайсиз, қўл пичоқ бўлиб лойни тилимлайверади, лой камаяй демайди, қолип қоринга тиралган, яланг товон тош қотган, чоп-

чоп қатновнинг адоғи йўқ. Чанқов тинкани қуритган, баримизда биттадан тунука чойдиш, жўмрагидан қулт-қулт тортамыз. Ичганимиз ўша заҳоти тирқираб чиқади, олдинда кўкрак, орқада куракнинг ўртасидан милт-милт юмалайди, пешанабоғни сиққанда ерга шириллаб тушади. Сахар чиқарган лойни тушгача, тушда чиқарганни қора шомгача қуйиб қўйиш керак. Ўтириб тикилсангиз, иш сира тугамайди диган кўринади. Қипчоқариқнинг пастада қатор-қатор лойхандақ, белидан юқори яланғоч, қора-кура Вафоқул, Абдухамид, Карим, Бердибой, Нусрат... Оқ-сарикларимиз ҳам кўмирхонада туғилгандек туси ўзгариб кетган... Ҳозир ҳаммаси бормикан, деб ўйлайман. Уйга келган синфдошларим мендан қари кўринади, бошқалари ҳам бобой бўлиб қолгандир тоза.

Ҳаммаси кеча ўтгандек. Ўзимизга катталиқ қиладиган кетмон, ҳар ағдарганда бир тирсак чуқурлайдиган хандақ, охири лой чиқаришга бўй етмай қолади, янгисини очамиз. Бўшаганини Қипчоқариқнинг бўтанасига тўлдирамыз, пишиниб олишга бўлаверади. Ким кўп қуярига ўйишма, бир кунлигини қаторма-қатор жуфтлаб санаймиз. Каримники бир марта бир минг олти юзу саксонга чиққан, етолмаганларнинг аламини кўрсангиз! Ўзига қараб, шу қуйдим-ей, деб ишонмайди одам. Абдуалим ҳамсоям, мендан ёшга кичик, бўйи ҳали ўсмаяпти, ҳар куни келиб, ўксиниб ўтиради, йиғламсираб илжайди, тирсагини букиб: “Бу йил кучим кўпаяди. Мана шу, ёнингдан лойхона қилиб, икки мингталик жой текислайман. Қара кўлимга, туртиб чиққанини, кучим қотаяпти!” – деб чиранади. Бир яхшилиқ кўрсатиб, қаторимизда юриш учун: “Шийпоннинг олдидан қовун олиб келайми?” – деб хушомад қилади. Лекин қовун ўғирлашнинг ҳадисини олган: эгат ичидан битта ё иккита қовунни изма-из секин думалатиб келаверади, кўли орқасида, пастга эгилмайди, қараган одам уни ғўзанинг ичида эриниб ўйнаб юрибди дейди. Танлашни жуда биларди, ё бўлмаса, шундан шунгача думалаб келган қовун ичи эзилиб пишарди, ишқилиб, сувсираб турган лойкашлар, сапчасини ҳам еб тўймас эдик.

Колхоз, ҳамиятини қаранг, уч-тўрт кунда бир қум олиб келишга машина ҳам беради, кечаси, аммо-лекин яйраймиз. Кун бўйи офтобда куйиб, тош қотган баданларимизни Қорасув силайди, сийпайди, юмшатади; ой кеча, ойдин кеча, ғира-шира тол кўлкасидан пари қизлар пойлаб, бизни танлаётгандек сирли ҳаяжонда, шивирлашиб, шапир-шупур чўмиламыз.

Катталар “Қорасув бу, сизот, ичманглар, чўмилманглар – хомлатади”, деб мудом тайинлайди, лекин қаёқда!

Унинг қумлари тоза, суви кўзёшдек тиниқ, тагидаги майда шағалию оқимга бошини тутган тошбош чавоқчаларигача кўриниб туради. Кўкраги кўм-кўк чипор қушча чий-чий қилиб сувга калла ташлайди-да, тумшугида балиқчани билтанглатиб чиқади.

Саратонда Булунғур лойланади, Қорасувнинг тиниғини деб қоқ тушда уч-тўрт чақиримга иссиқда пишиб борамиз. Ияклар тикиллаб, кўкариблар

кетгунча чўмиламыз, эрталабда еган бурда нонимиз сирилиб, ичимиз шилиниб тушади, қайтишимиз Ғаровтепада сут пункити бор, унда биринза деган нарса қилинади. Билмаймиз, қаёққа жўнатилади. Шаҳардаги ўрислар ейдими, биздаги дўконга чиқмайди. Катталар шунча қурут туриб шуни ейсанларми, ичларингни шўрлатиб юборади, деб ижирғанади, биз эса эшикка тиқилишиб, бўйинни чўзиб кутамиз. Оқлиги билинмай кетган камзул кийган арманими, эроними амаки бироз мустар қилгач, катта пичоқда кирсовундек бўлаклаб, кўлимизга битта-битта тутқазади. Ана, бу шўр балони қоринга уриб олиб, кейин кела-келгунча учраган ўқариқми, сув қўйилган эгатгами кўкракни бериб, тўғри оғиз босамиз. Дориланган пахтанинг ичидан чиқса ҳам, етти юмалаганми – ҳалол, кейин, майкани оғзимизга тутиб, сиздириб ичамиз, тутилган жойига лой ўтиради. Эҳ-ҳе, ичимизга нималар ўтиб кетганини ҳосилотлар билмаса, бизга нима, чанқаганда пахтанинг дориси ҳам бир нордон таъм кўшади, лекин тўхтаб-тўхтаб, нафас ростлаб симирамыз, тўйиб ичишга нимадир қўймайди. Ер ҳам тозароқ эдими, балхи тутларнинг тўкилганини тупроғини пуфлаб еяверардик, кўшилиб чумчуқнинг тезағи ўтиб кетса, ичоғриққа даво. Оёқни шиша кесса, арава изи ийлаган тоза тупроқ босамиз, бир пасда тузалиб кетади. Кўлимизнинг қотиб ўлган қадоғини ҳам тирноқлаб кўчириб, ўрнига тупроқ кўямиз, ачигани қолади.

Қайтишда яна терлаб пишамиз, шунча йўлга бориб чўмилганимиз бир пул, энди Булунғурга калла ташламай уйга бормаймиз. Ёзимиз иш, ишдан қочиб, тупроққа ботишу сувга шўнғиш билан ўтади.

Айтганча, колхоз ғиштнинг мингига саккиз сўмдан пул ваъда қилиб, қуйганимиздан кейин эса бў-ў деб, биз болаларга ҳеч зарили йўқ буғдойига чаққан, эшақда тўрвалаб ташиганимиз; кўлимиз пул кўрса, велосипед оламыз, кўчадан қизларни ҳаваслантириб учуриб ўтамыз деган орзулар ўша қазганимиз лойхандақларда уялаганича қолган. Ҳозир ўғлимни ўзимнинг ўрнимга қўйиб кўрсам, им-м деб тишимни тишимга босаман, унинг қилмаган, энди сира қилмайдиган меҳнатидан эзиламан. Йўқ, болаларим, невараларим учун ҳам бўтаналарни ўзим ичдим, ҳаётининг иморатига қанча ғишт лозим бўлса, олдиндан ўзим қуйиб қўйдим. Қилган меҳнатларим етти авлодимга етгули. Шунақа гаплар билан ҳам ўзимга таскин бераман-да.

Эй-й, кун тагида кун кўрмаган болалиг-эй!

Ҳа-я, битирганимизда мактаб ҳам шундай қўйиб юбормаган. Қизларга нима юклагани эсда йўқ; балки девор оқлатган, пол ювдиргандир, балки ғўза чопиқ, ишқилиб, ҳафта-ўн кун ишлатган, аниқ айтолмайман, лекин ўғил болалардан ўн мингтадан ғиштни санаб олиб, аттестатини кейин берган. Биз ҳам бу пайтга келиб пирча бўлиб қолганмиз, имтиҳонлардан қутулган, баҳолар олинган, қуриган ғиштни учтадан саккиз қават, устига битта қўйиб йигирма бештадан ёндама қилиб теришда ичини бўш қолдириб, санокда алдаганмиз. Муаллимларимиз буни билмаган ё кўриниб турганини ҳам ишлатадиган жойнинг ўзи йўқлиги учунми, билмаганликка олган.

Шу тинмаслик шашти билан университетга ҳам кириб кетдим: мол ҳайдаш, ўт ўриш, пахта чопиқ, ер ағдариш, сомон ташиш, ариқ тозалаш, ғишт қуйишлар энди йўқ, теримдан бу ёқда ҳам қутулиб кетмадиг-у, лекин ётиб ўқисанг, ўқиганларингни уқсанг бўлди экан – шаҳар сеники. Булунғурнинг тубидан сакраб бошимни чиқаргандек бўлдим, мисоли, ҳаво етмай бўғилиб ётганда туйқусдан ҳи-и деб ютоқиб нафас олдим, кўкрагимга эркинлик келди. Бу ерда уйлар қалашиб ётса ҳам бир кенглик, дарслардан бўлак пайтлари ўзинга ўзинг хон, ўзинг бек, кинотеатрлар ярим оқшомгача очиқ, эрталаб юмшоқ бўлканонга қалин сутшинни сурамиз – нонушта, тушлиқда йигирма икки тийинга ярим коса лағмон деган нарса, йигирма тўрт тийинга картошка қайлали котлет, кечқурунга яна бўлканон билан килка-консерва тайёр. Шу килка ҳам қанча талабанинг жонига оро кирган! Яшаш зах ижараю чўнтак мудом касаллиги қишлоқ боласига чўт эмас, мадраса тупроғини ялаш – кўрмаган мартабамиз. Лекин бу тарихларга ҳали анча бор. Уларгача кечган болалик хотирам арқоқларида чувалашиб ётибди...

Кичик гуноҳидан бир уялган одам кейин катта гуноҳлардан тийилиб қолар экан. Шу десангиз, бир куни бодринг ўғирловдим. Ҳа, ўғирликка кирганман. Бодринг айна этилган пайт, гуркин палагининг ҳиди димоққа гупиллаб урилади, жуда чанқаган эдим, Булунғур ёқадаги чашма бир чақирим, боришга сабрим йўқ, офтоб тиккада, чидамадим, кириб олдим. Ўралмаган, ҳатто увати ҳам йўқ томорқа, бодринглари билакдек, кўклари палак тагида сув олиб ётибди, сен же-мен же. Пишганлари офтобда сарғайиб товланади. Биз томонларда томорқа деб фақат ҳовлидаги экин-тикинни эмас, одамларнинг далада пахтадан ортган бўлтак-сўлтақларни ер қилиб олгани ҳам айтилади, бу тирикчилигини ҳеч ким ихоталамайди, агар ҳам ҳу ҳалиги Валентин Тюпкониинг чигитни квадрат уялаб экишидан қолган дона-дона думалоқли сими билан атрофлаб кўймаса; ҳужжат-пужжат керак эмас, йиллар бадалиди, пахтанинг қарталари қайта тузилиб, бу ер ҳам кириб кетмаса, бир кишига умрлик тегиш, мерос бўлиб оиласига ўтаверади ҳам. Нарзулла бобоникининг ҳам чайла оти бор-у, ёмғир ювган, томи йўқ тўрт катак – одам белича пахсадан бошқа вақоси йўқ, Қипчоқариқ увати билан ўртада шапалоқ ер, мол ҳам бемалол босиб кетаверади...

Хулласи шуки, бурганиннинг панасида кўринмаяпман деб ўмарганимни еб ўтирсам, уч-тўрт кунда бир ҳам кўриниш бермайдиган Нарзулла бобо устимга келиб қолса! Ўтирган жойимда тахта қотдим. Нарзулла бобо бермаган саломимга: “Ва-алайкум! Бай-бай, ёнишини! Эшонбобо, Қипчоқариқдан ичиб қўйманг тагин, пахтадан ҳамма захар шунга тушади, – деб яктагидан бир этак бодринг тўқди олдимга, – Манг, кўкракнинг куйганини жуда олади-да”. Тишлаганим қўлимда, оғзимдаги томоғимдан ўтмайди, қўлга бундай лаққа тушганимга анграйиб, бетилу безабон ўтиравердим. Бобо яна мени отамнинг ҳурматига сизлайди денг! Шунча бодрингни атай бердими ё билмайми, лекин ёмон уялтирди. Шу-шу, юзим шувит,

қовунлари палагида тўрлаб, тарвузлари тирсиллаб ётади, ёнидаги йўлдан ўтиб мен қарамайман! “Хў, эшонбобо, хўжабилмас ширасига чидамай ёрилиб кетибди-да, келинг, увол бўлмасин, битта коса қилиб берай”, деб ўзи чақириб турса ҳам, у-бу деб ғулдираб қочаман...

Ўзи кичкиналимдан ўқишга ружу қўйиб, ҳамма нарсанинг тагидан бир ақл чиқариб олиш кўйига тушган эдим. Китоб қишлоғим тепасидаги бир туйнук, шу туйнукдан ташқарига ўрмалаб чиқиб, бўлакча дунёларга кетиб қолар, ўша ёқларда қидириб, кўнгилга юк бўладиган гапларни тамом унутар эдим. Одам бўлишга англаб-англамай йўл излабми, шу меҳнатлар ичида мактабни, хусусан, унинг кутубхонасини бошни саждага тўғрилайдиган меҳробга айлантириб олган эдим. У пайтлари, албатта, Аллоҳни ўйласак ҳам узоқдан, кўнгили мусулмонлиги – ўқиш, китобга ружу, эҳтимолки, кутубхонамиздан тарқалган, ҳаммага чапараста юкмаган бўлса-да, менга ўхшаганларни оғритган бир ют каби эди. “Беш”га ўқиш ҳам катта бир мартаба, одамлик келажагимиз нақ синфхонамиз деразаларидан мўралаб имлаб турарди. Э, бу қизларни гапирманг, уйда қиладиган иши йўқми, китобга ёпишган! Шулар топиб, ўқиганини бир-бирига чуғурлаб, мияни қоқиб қўлга берганидан, ўша яхши китобларни қўлга олишга орланар эди одам. Лекин қизлар кўкрагига босиб юрмагани ҳам бисёр, кутубхонада улар кирмаган бошқа кўп дунёларни кезишим мумкин эди. Кутубхоначимиз сенга катталик қилади демайди, тахта жавондан қўлим билан кўрсатганимни беради. Муқоваси қалин, семизларини танлайман. Нималарни ўқимаганман! Қанақадир Васёк Трубочев, Ашот, уларнинг дўстларига кўшилиб юриб тонг оттирар эдим. Кимдир, тоққа қочган Алитет, нимага қочган – эсимда йўқ, лекин катта, қалин китобни намойишга кўтариб, ўша кўп ўқийдиган қизларни ҳам ҳайиқтириб юрганим ҳалигача эсимда. Балиқ, тюлен овлаб кун кўрайдиган қанақадир бир шимол халқими, овчи қабиласими, шуларда отаси қариб, ишга ярамай қолса, уни ўз ўғли елкасига миндириб, қор босган тоғдаги бир овлоққа элтиб ташлар, бобой бечора ўша музлоқда ёлғиз қолиб, тагин ўғлини шу қилгани учун алқаб, қисматига рози, ўлиб кетаверар экан! Энди бу қуруқ нонхўр, яшаб нима қилади, деб ташлаб келган-да ўғил басамон!

Ана! Оқшом яримда тепамга келиб: “Бўлди қил-э, валад... Кўр бўлгунча ўқийсанми!” – деб меҳр аралаш сўкиб, керосинчирокни пуфлаб ўчириб кетадиган отам, менинг қоронғида қор босган тундра ўрмонидан бешафқат тоққа қараб йўл босиб, отам қариса ҳеч қачон унақа овлоққа, ҳатто яқинимиздаги Ғубдинга ҳам ташлаб келмасликка онт ичиб, ичган онтимдан ўзимнинг кўзим ёшланиб бораётганимни билмайдилар-да!

Шундай лекин: қўлимдаги китобнинг ичидан, ўшанақаси шаҳарми, тўқайми, биёбонгами, кўрпачага бағримни берганим кўйи ўтиб кетган бўлар эдим.

*(Давоми келгуси сонда)*

# Markaziy Osiyo va dunyo tamadduni



Табиатнинг тўрт фасли ҳам ўз фазилатлари билан кечадиган, серқуёш, ерлари ҳосилдор, сувлари ҳаётбахш Мовароуннаҳр қадимдан дунё халқларини, жумладан, кўплаб босқинчиларни ҳам ўзига ром этиб келган. Бу ҳудуд Марказий Осиёнинг энг асосий нуқтаси бўлишидан ташқари, табиий мўътадиллиги, геостратегик ва геосиёсий аҳамияти билан ҳам ўзига хос бўлган.

Инсоният тараққиётининг илк марказлари Месопотамия, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон каби давлатлар маданий ва иқтисодий алоқалар олиб борганида, айна шу ҳудуд уларга кўприк вазифасини ўтаганиди. Тарихий фактларнинг гувоҳлик беришича, ушбу ҳудудда милоддан аввалги VII-V асрларда илк синфий жамиятлар вужудга келиб, тараққий топа бошлаган. Натижада, Катта Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна давлатлари пайдо бўлган. Мана шу даврданоқ муҳим иқтисодий аҳамият касб этган ҳудудга айланган Мовароуннаҳр то XVI асрга қадар, яъни сув транспорт йўллари пайдо бўлгунига қадар савдо-иқтисодий, маданий ва илмий тараққиёт маркази бўлиб хизмат қилди. Бу йўлда ипак асосий савдо воситаси экани кейинчалик ҳудуднинг тарих саҳифаларига Буюк ипак йўли номи билан муҳрланишига сабаб бўлди.

Ўрта асрлар шаҳарлари ихчам, ҳар бири 20-25 гектар атрофида, аҳолиси 3-4 минг кишидан иборат бўлиб, савдо йўлларига яқин жойлашган. Шаҳарларда мавжуд меҳнат тақсимооти ҳам, ташқи ва ички бозор талаби ҳам аниқ эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилар эди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё антик даврдан тортиб, ўрта асрларда ва ҳатто янги даврларга қадар ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, ипак, пахта етиштириш, металл буюмлар ишлаб чиқариш, мевачилик, мўйначилик ва балиқчилик соҳаларида етакчиликни эгаллаб келди. Айна вақтда транзит савдонинг ривожланиши натижасида турмуш даражаси бирмунча ўсди, ишлаб чиқариш воситалари такомиллашиб борди.

Хитой тарихчиларининг маълумотларига қараганда, милодий 627-647 йилларда савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун Довон (Фарғона), Шош (Тошкент), Сўғд давлатларининг

маркази ҳисобланган Самарқанддан Хитойдаги 20 элчихонага элчилар юборилган. Биз яшаган ҳудудлар ўша даврнинг илғор минтақаси бўлганлигини шундан ҳам билиб олиш мумкинки, Мовароуннаҳрдан Хитойга ойна, қимматбаҳо тошлар, отлар, мўйна, металлдан ясалган буюмлар олиб борилган. Хитойдан эса асосан ипак келтирилган.

Бозор талабларига мос тарзда Марказий Осиёда ҳунармандчилик ривожлана бошлади. Милодий III асрларда Мовароуннаҳрда тўқимачилик дастгоҳларини ишлаб чиқариш, кулолчилик, гилам тўқиш, терига ишлов бериш, заргарлик санъати кенг кўламда ривож топди. Ўша пайтда ер остидан темир, олтин ва бошқа табиий бойликлар қазиб олингани, ош тузи ишлаб чиқарилгани кузатилади. Мана шу ҳолатларнинг ўзи ҳам буюк савдо йўлида жойлашган юртимизнинг бутун дунёга ер ости бойликлари, санъат асарлари даражасидаги ҳунармандчилик буюмларини етказиб берганини далиллайди.

Яна бир қизиқарли факт эътиборни тортади. Милодий 428 йилда самарқандлик усталар Хитойга бориб, уларни шиша ишлаб чиқаришга ўргатганлар. Баъзи тарихий эҳтимолларга кўра, ўрта асрларда энг сифатли пўлат Наманганда ишлаб чиқарилган, “Дамашқ қиличи” ҳам аслида шу ерда ишлаб чиқарилган ва Византия ҳамда Хитойга экспорт қилинган.

Эрамининг I-IV асрларида Хитойдан Ҳинд океанигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган Кушон империяси барқарор фаолият юритаётган бир даврда Мовароуннаҳр Византия ҳамда Рим империялари билан кенг кўламда савдо алоқаларини олиб борган. Бу алоқаларни археологик қазिशмалар чоғида Аму ва Сирдарё оралиғидаги қадимги харобалардан Византия, Эрон, Яман ва Рим империяларида зарб этилган танга пулларнинг топилгани исботлаб турибди.

Мовароуннаҳр IX-X асрда янги иқтисодий тараққиёт босқичига ўтди. Чунки бу даврга келиб минтақада ислом дини тарқалди. Буюк ипак йўли Арабистон ярим оролига томон чўзилди. Шу тариқа Мовароуннаҳр ислом дунёси билан боғланди.

Бу даврга келиб, Марказий Осиё тараққиёти яна юқори босқичга кўтарилди, Хитойдан мато сотиб

оладиган юртда чидамли ва ҳар томонлама чиройли матолар тайёрлана бошланди. Масалан, IX асрда Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида зигир пояси қўшилган ҳар томонлама сифатли мато – баркут тўқила бошланди.

Инсон ҳаётини мукамаллаштиришга, маиший ҳаёт тарзини яхшилашга ёрдам берадиган ҳар бир яратилган кашфиёт ҳисобланади. Шундай экан, ер ости бойликларини қазиб олишни йўлга қўйиш, ҳунармандчилик асбоб-ускуналарини ишлаб чиқиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш каби инсон ҳаёти фаровонлигини таъминлайдиган муҳим ихтиролар ажодларимизнинг дунё тараққиётига қўшган муҳим ҳиссаларидир.

Шуни айтиш лозимки, ихтиролар тасодифий пайдо бўлмайди. Улар, аввало, минтақада устувор бўлган баркамол маънавий муҳитнинг, маданий ҳаёт тарзининг ва ривожланган илмий салоҳиятнинг натижаси ҳисобланади. Ажодларимизнинг илмий-фалсафий меросига эътибор берсак, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганимизга яна бир бор амин бўламиз.

Қадим ақидаларимиз инсонга ирода эркинлигини бахш этганини, ушбу ироданинг асосий вазифаси ҳар қандай ёмонликка қарши курашиш, яхши ният, яхши сўз ва яхши амалларни бажариш эканини бемалол англаб оламиз. Уларнинг бундай ақидалари ўша пайтда амал қилинган зардуштийлик динининг асосларини ташкил этади.

Милоддан аввалги VI асрда Хоразмда зардуштийлик ўз даврининг юксак мафкура ҳисобланган. Мазкур диний таълимотнинг асосий ютуғи дунёни ягона бирликда – яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги, Ахурамазда ва Ахриман орасидаги курашда тасаввур этишида эди. Бу табиат ва жамият диалектикасининг аниқ ифодаси ҳисобланади. Мазкур таълимотда яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашнинг мантиғи илоҳиёт даражасига кўтарилади.

Бағрикенглик, ёмонликка қарши кураш, яхши сўз, яхши ният ва амалиёт Буюк ипак йўлининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаган омиллардан бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёда христианлик, буддавийлик, яҳудийлик сингари турли дин ва эътиқодларга амал қилувчи кўплаб миллат-элатлар тинч-тотув яшаганлар, ўзларининг эзгу амаллари ва қобилиятлари билан юрт фаровонлиги учун бирдек курашган. Бу сингари саъй-ҳаракатлар асосида деҳқончилик, чорвачилик тараққий топди. Илғор ирригация тизимлари пайдо бўлди, ҳунармандчилик ривожланди.

Бугунги меҳнаткаш, тинчликсевар халқимиз ана шу узоқ мозийнинг тадрижий давомчилари ҳисобланади. Ажодларимиз ҳар доим илғор, яратувчи ва янгиликлар ижодкори бўлиб келган экан, биз мудом улардан ўрнак олиб, мавжуд анъаналарни эъзозлаб, уларни замон билан ҳамнафас тарзда давом эттиришимиз лозим.

*Абдулла НАСРИДДИНОВ,  
фалсафа фанлари номзоди*



Онгингизда юз бераётган пўртаналар, туйғулар тепкиси ғалвирда қолаётган дон мисоли қиймати ошиб бораверади. Ваҳоланки, бунда гумбирлаган сўзларни қаторлаштириш шарт эмас. Руҳият манзараларини бор ҳолатда акс эттириш, характер замирида яширинган самимийлик нафаси, айна пайтда исён шамширининг ўткир тиғи...

Муҳаммад Ғаффор ёзиқларида юқоридаги ҳолат турли рамзлар воситасида шаклланиб боради. Чунончи, инсоният муносабатларининг мислсиз даражада тезлашиши билан бир пайтда ёлғизлик аталмиш кўланканинг ўсиб бораётганини инкор этиш қийин. Қадриятлар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган фазилат ё анъана деймизми... афсуски, унутилаётгандек. Бу ўз-ўзини йўқотаётган, ёлғизланган одам қиёфасининг аксидир.

**Соямга қарайман,**

**У ҳам мендан**

**Юзини ўгириб олган.**

Аслида соянинг қиёфаси бўлмайди. Аммо шаклу шамойили бўлмаган соянинг ҳам инсон ҳаётига баҳо бериши, муносабат билдириши мумкинми? Ёлғиз инсон, қилмишларидан афсусланаётган ёхуд ўзини жамиятдан айро сезаётган киши ич-ичидан хаёлий муносабатларни қабул қилади, ўзига-ўзи баҳо беради. Бу эса "Ўксиниб-ўксиниб йиғлайди қалбим, Топиб бер ўзимни ўзимга", дея тозариш сари янги босқичга етаклайди.

# Уз оқ қалбга отом чо`қ

Ҳис-туйғу орқали дунёни идрок этиш шоир тақдири экан, Ўз сари машаққатли манзилни маёқ деб билиши, фақатгина ўзига хос ўлчовларнигина тан олиши бор гап.

Умр қиймати, яшаш моҳияти нима каби саволлар жуда тор қарашларга таяна боради. Ҳавасга бурканган нафс, “тараққиёт” аталмиш ниқобга мубталолик ҳаммани оҳанрабодек тортиб бормоқда. Бушоир айтмоқчи, “*Менингғижимланган, йиртилган умрим*”, “*Найзанинг учида ўтказар кунни*”. Тасаввур қилинг: сезимларингиз умрингиз маънисизлигини уқтираверса, шунчаки яшашга қониқиш каби лоқайдлик исканжасидан ижирғансангиз, албатта, ўзингизни тигнинг устида тургандек сезасиз. Биласиз, сергаклик ҳеч қачон ҳаловат келтирмаган. Дарднинг туғилиши, туйғулар исёнининг бўронга айланиши кимлар учун тақдирнинг оғриққа тўла қувончли лаҳзаларидек тотли.

## **Юрагимда ухламай дардлар, Санчилади оппоқ саҳарга.**

Мисралар сизни энтитиради. Аслида сокинликни, саҳарни-да тинч қўймаётган бедор дард ўзликнинг бир парчаси, ёлғизликнинг узоқ йўли... Эҳ, қани энди, сокин гўзаллигу тизгинсиз дард уйғунлиги оғриқли сўз бўлиб, қоғозга тўкилса, қалблар дарчасидан мўралаб, огоҳлик нафасини улашиб юрса...

Ишқ, такрор-такрор таъкидланганидек, шоирнинг асрий дарди ҳисобланган. Ҳижрон, армон, хиёнат, гўзаллик ва ҳоказоларнинг турли жилоларда мавжланиши, ифода этилиши туйғулар инъикоси аслида. Шундай лаҳзалар бўладики, нафратланиб, шу билан бирга соғинасиз, қўмсайсиз. Шоир “*Тушларимда бошимни силар, титраб-титраб мен ўпмаган қўл*”, дея шундай ажиб баён топадики, ҳайратлар тўлқинида армонга айланган хув... ўша ҳиссиётли даврларга бориб қолгандек бўласиз. Ифода шундай чиройли топилганки, муҳаббат, ҳижрон, армон сўзларини ишлатмасдан ҳолат ёрқин намоён бўлган. Шоир тасаллисини қаранг, у тушида висолга ҳамнишин. Титраётган қўл шоир севгилисининг нақадар латофатли эканини изоҳласа, илк муҳаббатнинг беғубор нафаси “мен ўпмаган қўл”да мана мен деб турибди.

Шу билан бирга, “Ойнинг гардишида ўлтирган аёл” макру ҳйилалари, гўзалликнинг киши бошига кулфат ёғдириши ва айни пайтда ундан воз кечолмаслик:

## **Оҳ, сенсиз яшамоқ оғир нақадар, Сен билан яшамоқ ундан ҳам оғир.**

Аслида аросат энг ёмон азоб. Лекин ўйлаб қоласиз. Аросат азоби ижодкор учун дард туғёнига ҳам айланиши мумкин экан-да, муҳаббат таъмини

ҳис этиш ҳам айрилиққа боғлиқ бўлганидек. Аммо хом сут эмган банда башарти хатога мойил экан, унинг давоси ҳам борми? Ёки азалдан “*Хиёнатнинг кўзлари гўзал*” бўлгани бунга тўсқинлик қиладими? Эътибор қилинг-а, инсонни хиёнат маёқ сингари жалб этаверади. Бунинг оқибати кимларнингдир тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши, шоир айтмоқчи, кўзлардаги ямоққа айланиши вақт ўтгач англанади.

Аслида одамзод ниқобланишни, тўғрироғи, турланиш ҳадисини шунақанги эгаллаганки, ёлғонни ростга дўндириши, тақдир чархпалагини тескари айлантормоғи ҳам мумкин.

## **Йиртиб ташлайман дўстларимни Йиртилмаган бирорта дўстим йўқ. Кейин соғинаман, Овутамаман ўзимни-ўзим: сотилгандан кўра**

**йиртилган афзал.**

Қаранг, аслида дўст мақоми жуда юксак. Шу мақомни-да “йиртмоққа”, кўнгил таскин топиши учун эмас, ярани газак олмасдан чиқариб ташлашга уриниш, унча-мунча одамга насиб этмайдиган енгиллик, ҳақиқат ойнасига боқмоқ...

## **Тавба бу одам байроққа ўхшайди жуда. Қизил иштону Оқ кўйлақ, Шамол бўлса бас.**

Бу янглиғ ҳилпираётган касларнинг нақадар кулгили кўринишини бир қараганда тасаввурга ҳам сиғдириш қийиндир, аммо озгина эътибор билан қаралса, оддий кўз билан ҳам кўрса бўлар экан. Қарангки, дўстликнинг ҳавойишгани ана шундай байроқмонандликни таъминлапти. Худдики, занжирнинг ҳалқалари мисоли озгина эътиборсизлик, лоқайдлик не-не фожиаларни келтириб чиқариши синовдан ўтган ҳақиқат. Кузатувчанлик ва муносабат кечинмаларини бу қадар теран англаш шоир айтмоқчи: “оппоқ қоғоз” ёки “бўрининг изи”га ўхшайди. Бежиз айтилмаган:

## **Коинотни тўнтариш мумкин, Дунёни ёқиш мумкин, Биттагина шеър билан.**

Бир сўз билан айтганда, “Қари итнинг кўзида турналарнинг сурати”ни кўра олган шоирнинг тасаввури, туйғулар оламининг нечоғли теранлигидан ҳайратга тушасиз. Нима бўлганда ҳам, бир таскин бор: “Бир куни дунёни йиртар эзгулик...” Назаримда, ана шу таскин Муҳаммад Ғаффорнинг шеър ёзишига туртки беради.

Акмал ТОШЕВ



\* \* \*

*Тиз чўкдим охунинг остонасида,  
Кўксимдан тўкилди оловранг умид.  
Қалбимга тегади қуёш нафаси,  
Нигоҳимда унар кичик бир сукут.*

*Қоялар бағрида мовий ранг тасвир,  
Бирдан шамол турди... сукут бузилди.  
Учар булутларнинг маҳзун овози  
Сукут нигоҳига сингиб улгурди.*

*Тизгинсиз тўлқинлар... ва яна кўприк...  
Юзимга уради намчил ҳавони.  
Яшил ранг тасвирни кўксимга босиб,  
Унутдим кўзимда қотган дунёни.*

*Нигоҳим мовийдир... тириклик ранги,  
Ортада ёлғизликнинг қадам товуши.  
Қоялар бағрида кезган булутлар,  
Илдизларим билан кетди қовушиб.*

\* \* \*

*Шунча йил... кимгадир балки арзимас,  
Ортимдан эргашиб яшар бир садо.  
Эғнимда тонг севган мовий ранг кўйлак,  
Ечаман. У "Видо" деса кифоя.*

*Сокинлик дарчаси... мўралайди тун,  
Остонада зулмат... хонада чироқ.  
Хувуллаб ётарди илонизи йўл,  
Қанотли учар от... тўкилган япроқ.*

*Дарё қиргоғига шошган қалдирғоч,  
Тунгача айвонга олиб келди лой.  
Бошпана илинжи бўғзидан тутган,  
Ноласи кўксидида қотди, ҳойнаҳой.*

*Шамол юлдузларнинг тоза руҳини,  
Тупроқнинг устига ёйди, чамаси.  
Улкан қояларнинг яшил кўксидида,  
Синди олов тўла қуёш косаси.*

*Жумагул ХОЛМИРЗАЕВА,  
Бешириқ тумани*

**O**rmonga podshoh bo'lgan sher nomlari o'n ikki muchalga qo'yilgan jonzotlarni shohona bazmga taklif qilibdi. U zamonlar o'rmon podshosi muchallarga atab ziyofat uyushtirishi rasm bo'lgan ekan.

Sherning taklifiga binoan ertasiga hayvonlar birin-ketin muchaldagi tartibi bo'yicha shoh saroyiga kela boshlashibdi. Oldinda ular ichida eng kichik jonzot bo'lsa-da sichqon, uning ortidan sigir, sigirdan so'ng yo'lbars, yo'lbarsning dumiga mingan quyon, quyonning ortidan baliq bilan ilon, ilonning izidan aravaga qo'shilgan ot, egarda qo'y, aravada maymun, maymunning qo'lidagi savatda tovuq, arava ortida it, itning ortida esa o'zi katta bo'lsa-da, muchallarning eng kichigi to'ng'iz kirib kelibdi. Sher mehmonlar tashnalab kelgandir, deb tulkiga suv keltirishni buyuribdi. Tulki suv keltirib to'ng'izga tutgan ekan, u suvni o'zi ichmay itga tutibdi, it tovuqqa, tovuq esa maymunga, maymun qo'yga, qo'y otga, ot ilonga, ilon baliqqa, baliq quyonga, quyon yo'lbarsga, yo'lbars sigirga, sigir "Barchamizning yo'l boshchimiz sichqon ichsin", deb unga uzatibdi.

Sher taomlar tayyor bo'lguncha hordiq chiqarsinlar, deb mehmonlarni avvaldan hozirlab qo'yilgan xonalarga taklif etibdi. Tulki terlab-pishib kelgan to'ng'izni rosa sho'rlik charchagan ko'rinadi, deb birinchi xonaga kiritmoqchi bo'lgan ekan, u muchal bo'yicha o'zidan katta itga yo'l beribdi. O'z navbatida, it ham o'zidan muchal bo'yicha katta bo'lgan tovuqdan oldin joylashishni istamabdi. Tovuuq maymunni, maymun qo'yni, qo'y otni, ot ilonni, ilon baliqni, baliq quyonni, quyon yo'lbarsni, yo'lbars sigirni, sigir esa sichqonni ko'rsatib, avval bizdan oldingilar joylashsin, agar biz o'z o'rnimizdan ilgariga o'tib ketsak, yillar ham bir-biridan adashib ketadi, deyishibdi. Shunday qilib, jonzotlar muchal bo'yicha har biri navbat bilan o'z xonalarini egallashibdi. Avval sichqon birinchi xonaga, uning ortidan sigir ikkinchi, yo'lbars uchinchi, quyon to'rtinchi, baliq beshinchi, ilon oltinchi, ot yettinchi, qo'y sakkizinchi, maymun to'qqizinchi, tovuq o'ninchi, it o'n birinchi, eng so'nggi, pastdagi o'n ikkinchi xonaga to'ng'iz joylashibdi.

Ziyofat boshlanishidan oldin sher tulkini yoniga chaqirib: "Ularga qay tartibda taom keltirsak ekan? Agar biz muchal bo'yicha avval sichqon xush ko'rganini keltirsak, katta hayvonlar navbatlari kelgunicha och qolmaydilar mi?" deb maslahat solibdi.

Tulki boshchiligida hayvonlar yig'ilishib rosa bosh qotiribdilar. Lekin hech biri bu muammoni yecha olmabdi. Shunda o'tlar orasida sayr qilib yurgan toshbaqa hayvonlarning bahslashayotganini eshitib qolibdi. Toshbaqa sekingina ularga yaqin kelib, shunday debdi:



Shodiyor To'raxonov chizgan rasm

# Muchallar bazmi

- Istasangiz, sizlarga yordam berishim mumkin.

Hayvonlar imillab yuradigan toshbaqani unchalik xush ko'rishmas ekan. Ammo ilojsiz qolishganidan uning taklifini eshitib ko'rishmoqchi bo'lishibdi. Toshbaqa avval mensimagan, endi esa undan madad kutib turgan hayvonlarni ko'rib, ularga yordam bera olishi mumkinligidan suyunibdi. Ammo hovliqmasdan, vazminlik bilan so'z boshlabdi:

- Barcha jonzotlar - sichqondan tortib, to'ng'izgacha sevib tanovul qiladigan bir yemish bor. Uni dasturxoniga tortsangiz, hech biri sizdan xafa bo'lmaydi. Bu ne'mat bug'doydir. Buning ustiga, juda ham to'yimli.

Mehmonlarga avval qaysi yemishni keltirishni bilmay turgan hayvonlar toshbaqaning bu taklifidan so'ng yengil nafas olibdilar. Toshbaqa aytganidek, mehmonlarning dasturxoniga bug'doy unidan pishirilgan non qo'yibdilar. Yemak barcha hayvonlarga birdek ma'qul tushgan bo'lsa-da, yana muchal tartibi bo'yicha avval sichqon, so'ng sigir, yo'lbars, qyon, baliq, ilon, ot, qo'y, maymun, tovuq, it, to'ng'iz dasturxoniga qo'l uzatibdi. Ularning har bir ishda tartib-qoidaga amal qilishlarini kuzatib turgan, shu paytgacha arzimagan narsani deb tishlashib, janjallashib yuradigan hayvonlar bir-biridan xijolat bo'libdilar.

Hali o'rmonda hech bir ziyofat muchallarga bag'ishlangan bazmchalik chiroyli o'tmagan ekan. Uch kecha-yu uch kunduz davom etgan bu mehmondorchilikdan hamma xursand bo'libdi. Nihoyat, to'rtinchi kuni hayvonlar uyiga ketishga ruxsat so'rashibdi. Ular yana muchal tartibi bo'yicha yo'lga tushibdilar.

Alqissa, bu mehmondorchilikdan so'ng o'rmon jonzotlari hayotda tartib-intizomli bo'lish tinch-totuv yashash garovi ekanini anglabdilar.

Hidoyat OLIMOVA

**Х**орун ар-Рашид 23 ёшида халифалик тахтига ўтириб, 23 йил давомида бармоқийлар авлодидан иборат вазирлари билан ҳамжиҳатликда давлатни бошқарган бўлса, кейинчалик, умрининг қолган қисмида танҳо ҳукмронлик қилади. Айнан унинг ҳукмронлиги араб халифалиги учун иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган давр ҳисобланади. Ўз даврида у Бағдодда катта мадраса ва кутубхона барпо қилади, илм-фан, шеърят ва мусиқа санъатининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратади. Қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдосотиқ ва маданият, айниқса, адабиёт мисли кўрилмаган даражада ривожланган. “Минг бир кеча” туркумидаги эртақлар шарофати билан Ҳорун ар-Рашид мусулмон оламининг энг машҳур ҳукмдори сифатида жаҳонга танилади.

Бундан 1251 йил аввал, милодий сана билан 763 йилнинг 17 март куни Райс шаҳрида халифа Муҳаммад ал-Маҳдий оиласида Ҳорун ар-Рашид учинчи ўғил бўлиб дунёга келган. Ҳоруннинг онаси Ҳайзуранни ал-Маҳдий қулликдан озод этиб, ўзига хотин қилиб олган эди. Онаси ўғлининг тақдирида ҳал қилувчи рол ўйнаган. Бармоқий авлоди аъзолари ислом динини қабул қилишгач, ўз қобилиятларига муносиб равишда халифаликда энг мартабали ўринларни эгаллаган, бинобарин, Халид ва унинг ўғиллари ал-Фадил ва Яҳё амалда давлатни бошқариб борган. Ал-Ҳайзуран Яҳё билан бирлашиб, халифа ал-Маҳдий ўғли Ҳорунни ўзининг биринчи валиаҳди қилиб тайинлашига кўндиради.

Маҳдийнинг васиятига биноан, 23 яшар Ҳорунни халифа кўтардилар. Ҳорун ар-Рашид тахтга 170 ҳижрий йили жума куни ўтиради. Шу куни унинг ўғли Маъмун оламга келади. Тарихда бир кечада халифа ўлиб, бошқа халифа тахтга ўтириб ва учинчи халифанинг оламга келиши бир маротабагина шунда кузатилган.


Бу даврда айни юрт савдогарлари Хитойдан Шарқий Африкагача бўлган ўлкаларда бемалол савдо-сотиқ билан шуғулланган ва бу ҳам халифанинг номи бутун жаҳон бўйлаб машҳур бўлишидаги бош омиллардан саналади. Буюк Карл ва Ҳорун ар-Рашид бир-бирларига совға-саломлар юборишгани ҳамда Карлнинг савдогарлари учун Қуддусда имтиёзлар

берилгани ҳақида ривоятлар бор. Халифа Буюк Карл билан мактуб ёзишиб турган. Хитой императори билан элчилар алмашган ҳамда амалдаги расмиятчиликда Хитойдан ташқарига эндигина чиқа бошлаган қоғоздан фойдаланишни йўлга қўйдирган.

Ҳижрий 165 йилда (милодий 781 йил) Бағдодда ал-Хулд (Азалий ва абадий) номли саройда халифалик тахти вориси Ҳорун ар-Рашид ҳамда малика Умм Жаъфар Зубайданинг тўйи бўлиб ўтади. Келинчакка оламдаги бирор-бир малика олмаган тенгсиз тўхфалар қилинади.

Ҳорун ар-Рашид ўз ҳукмронлигини бошлагач, 17 йил мобайнида халифаликни бошқаришни бармоқийларга топшириб қўяди. Вазир Яҳё ўз ўғиллари ал-Фадл ва Жаъфар билан биргаликда империянинг ички ва ташқи сиёсатини юритишда чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлишади. Жаъфар қандай лавозимда бўлганлиги бизгача етиб келган манбаларда кўрсатилмаган. Фақат “Минг бир кеча” эртаги ва баъзи ривоятларда Жаъфар халифа Ҳорун ар-Рашиднинг вазири тарзида кўрсатилади. Ҳар қалай Жаъфар Ҳорун ар-Рашиднинг доимий ҳамроҳи сифатида халифага таъсири жуда кучли бўлгани ҳақидаги маълумотлар ишончлироқ. Жаъфар гапга уста, саводи ўз даври учун юксак даражада бўлган. Қисқаси, ҳукмдорни ўзининг қизиқ-қизиқ ҳикоялари билан маҳлиё қиладиган, кези келганда, ўринли маслаҳатлар бера оладиган, дастурхон атрофида, машваратларда ўрни сезиладиган одам бўлган.

Ҳорун ар-Рашиднинг онаси ал-Ҳайзуран (789–790) оламдан ўтгач, бармоқийларнинг халифаликдаги мавқеи секин-аста пасайиб борган. Ҳорун ар-Рашид бошқа маслаҳатгўйлар таъсирига туша бошлаган бўлса, ажаб эмас. У онаси ўлгач, орадан кўп вақт ўтмай, Жаъфарнинг кўлидаги давлат муҳрини олиб қўйишни буюрган. Бармоқийларнинг ағдарилиши замондошлари ўйлаганича бир зумда содир бўлмай, узоқ муддат давомида тайёрлаб борилган, деб ҳисобланади. Ҳорун ар-Рашид онасининг вафотидан сўнг, кимларнингдир маслаҳати биланми ёки ўзининг хоҳиши биланми, ҳукмронликни тўлалигича ўз қўлига жамлашни истаб қолади.



Ҳорун ар-Рашиднинг сиймоси унинг давлатида ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳолатлардан кўра кўпроқ “Минг бир кеча” эртаги қаҳрамони сиймосида инсоният томонидан қабул қилиб келинган.

Ҳорун ар-Рашид сиймосига нисбатан бўлган ушбу зиддиятли ҳолатни бартараф қилишга француз шарқшуноси Андре Кло астойдил киришади ҳамда қатор асарларини афсонавий халифанинг ҳақиқий сиймосини инсониятга очиб бериш учун бағишлайди. Унинг маълумотларига қараганда, Ҳорун ар-Рашид ўзининг Бағдоддаги саройида канизақлар ҳамда мусиқачилар куршовида ҳаётдан лаззатланишни ёқтирувчи нозик, эрка ва инжиқ ҳукмдор бўлмай, аксинча, ёшлигидан ҳаёт ва ҳукмдорлик учун курашишга мажбур бўлган сиймодир. Халифа Муҳаммад ал-Маҳдийнинг ҳамда

Яман канизагининг кенжа ўғли бўлган Ҳорун акаси ҳукмронлиги даврида бир амаллаб бошини омон сақлаб қолади. Халифа бўлгач ҳам, кўплаб қийинчиликларга дуч келади.

Турли миллатлар яшаётган улкан империяни сақлаб туриш унга осон бўлмаган. Лекин қийинчилик Ҳорун ар-Рашиднинг матонатига матонат қўшган. Ўз замондошларига у, авваламбор, Византия империяси устидан ғалаба қозониб, жанг қилган ҳамда қаттиққўллик билан ички исёнларни бартараф қила олган омадли кўмондон сифатида танилган. Халифа Ҳорун ташқи душманларга қарши курашни ўйлаш билан бирга, сарой фитналаридан ҳам эсон-омон сақланиб қолиши лозим бўлган. 17 йил садоқат билан хизмат қилган бармоқийлар оиласини сотқинликда гумон қилгач, халифа ҳеч иккиланмай Жаъфарни жаллод қўлига тутказади.

Ҳорун ар-Рашиднинг санъат ва фан ҳомийси бўлгани эсланмаса, халифанинг сиймоси тўла очилмай қолади. Айни шу халифа Бағдоднинг маданий ривожига кучли туртки берган, дея ҳисоблайди олим. Унинг даврида Бағдод жаҳондаги энг аҳолиси кўп шаҳарга айланади. Ҳорун ар-Рашид даврида пойтахт жадал суръатларда ривожланади, савдогарлар ва денгизчилар Бағдодни жаҳоннинг иқтисодий марказига айлантириб, Европа ва Осиёнинг энг йирик бозорлари билан алоқа ўрнатади.

Ҳорун ар-Рашид ҳукмронлик қилган даврни жаҳон халқлари араб халифалигининг “олтин асри” дея хотирлайди. У 809 йили лашкарбошиларидан Рафи ибн Лайс томонидан кўтарилган исённи бостириш учун йўлга чиққанида, бехосдан хуруж қилган оғир касаллик туфайли Тус шаҳрида 46 ёшида вафот этган.

Ҳорун ар-Рашид қандай инсон, қандай шахс бўлмасин, вақтида ўз халифалигини дунёга танитган эди. Зеро, у бежиз Шаҳризоданинг суюкли қаҳрамони бўлмаган. Бу эртақларни эса севиб ўқимаган, тингламаган одам бўлмаса керак.

Мансурхон ТОИРОВ,  
физика-математика фанлари  
доктори, профессор

## SPORTCHI BOLANI TARBİYALASH SIRLARI

Оилада фарзанд ўсяпти. Унинг осмон-осмон орзулари, кўзлаган мақсадлари бор. Ҳаракатлари ҳам шунга яраша ўқтам ва дадил. Бир кун боксга қизиқса, бошқа куни футболни орзу қилади. Бундай пайтда фақат ҳақиқий ота-оналаргина муносиб спортчини шакллантира оладилар.

Яхши спортчи қийинчиликларга чидай билиш, юқори натижаларга интилиш, бошқалар билан рақобатлаша олиш, омадсизликларни муносиб енгиб ўтиш каби сифатларга эга бўлиши лозим.

Фарзандингизда бундай сифатларни шакллантириш учун қуйидаги қоидаларга амал қилинг:

– Авваламбор, фарзандингизга яқин ва келажак мақсадларни белгилаб беринг. Унга юқори натижаларга эришиш учун орадаги бир қанча босқичларни босиб ўтиш лозимлигини тушунтиринг. Шу йўл билан сиз фарзандингизда поғонама-поғона юқори мақсад сари интилиш хусусиятини шакллантирасиз. Фарзандингиз ҳам қўлга киритган ҳар бир кичик ютуғини келажакда эришиш мумкин бўлган юқори натижа олдидидаги бир

поғона деб тушунади ва интилишларини давом эттиради;

– “Генерал бўлишга интилмаган аскар – аскар эмас” деган ибора спортга ҳам тегишли. Яхши спортчи бўлиш учун улкан мақсадларни кўзлаш лозим. Фарзандингизни ҳам улкан мақсадлар сари йўлланг. Бироқ бунда боланинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқинг. Акс ҳолда, бир кун келиб зарур натижаларга эриша олмаган фарзандингиз руҳан синиб қолиши мумкин;

– фарзандингиз юқори натижаларга эришиши ёки унинг бақувват ва соғлом бўлиб етишиши учун айнан сиз кўп тер тўкишингиз лозимлигини унутманг ва бу йўлда қанча

лозим бўлса, шунча заҳмат чекинг. Фарзандингизни ҳам шунга муносиб даражада меҳнат қилишга мажбур қилинг;

– фарзандингизни кун тартибига амал қилишга, интизомлиликка қанча эрта ўргатсангиз, шунча яхши эканлигини унутманг. Уни ортиқча эркалатманг. Унда жисмоний меҳнатга чидамлик ва ҳаёт қийинчиликларини енгил иштиёқини шакллантиринг;

– фарзандингиз етарли даражада, мазмунли ҳордиқ чиқариши лозимлигини унутманг. Унга меҳнатнинг таги роҳат эканлигини сингдиринг;

– болада руҳий қийинчиликларга

чидамликни шакллантиринг. Бунинг учун фарзандингизнинг ҳис-туйғуларига шерик бўлинг. Унинг ўй-орзулари билан ўртоқлашинг. Қийинчиликлар сабабини аниқланг ва уни биргаликда муҳокама қилинг. Шу орқали қийинчиликларнинг яхши ва ёмон томонларини аниқлаб олинг;


– спорт билимдони бўлишга ҳаракат қилинг. Спортнинг ҳар бир йўналишини билишга ва болани қизиққан йўналишига бошлашга ҳаракат қилинг. Ўз фикрингизни бола фикридан устун қўйишга ҳаракат қилманг;

– спортдаги натижаларга тинимсиз машқлар, мақсад сари интилиш, спортга меҳр қўйиш орқали эриши-

лади. Бироқ бу натижаларга эришиш учун фарзандингизни қийнаб қўйманг.

Агар фарзандингизнинг жисмоний кўрсаткичлари юқори натижаларга эришиш имконини бермайдиган бўлса, уни ортиқча қийнаманг. Жисмонан бақувват ва соғлом фарзандни тарбиялаш олганингизнинг ўзи биланоқ фахрланишингиз мумкин. Натижада, сиз келажакда чемпионнинг отаси ёки онаси бўла олмасангиз ҳам, қийинчиликларга чидамли, иродаси мустаҳкам фарзандни тарбиялаган бўласиз. Унутманг, фарзанд – умид юлдузи. Юлдузларимиз фақат бахтдан порласан!

Манзура ШАМС



# ТАЯНЧ

## ауанч

Зафар Мардонович фалсафа кафедраси томон шойилмай бораркан, кечагина ўқиган китоби ҳақида мушоҳада қилар, муаллифнинг қарашларига қарши фикран курашарди. Зафар Мардонович ҳар гал талабаларга лекция ўқигач, кафедра деразасидан талабалар гавжум бўлган ўша қадрдон майдонга тикилиб хаёл суриб қолар, балки шу билан руҳан энгил тортарди.

Олим деразага яқинлашди ва чексиз мовий осмонга ҳам, майдончада нималарнидир баҳслашиб, чугур-чугур қилаётган йигит-қизларга ҳам ички бир ҳавас, мафтун нигоҳ билан жимгина тикилди. Майдончадан йигирма қадамча четроққа қўйилган ўриндикда кетма-кет папирос чекиб ўтирган бир йигит эътиборини тортди. У кўзларини бир нуқтага тикканича, зўр бериб папирос тортар, чекиб тугатгач, уни улоқтириб, лабига навбатдагисини қистирарди. Йигит Зафар Мардоновичга бир дўстини эслатар, қарагани сари қизиқиши ортарди.

– Ҳа, йигит, нега бунчалик ўйга чўмгансиз? – йигит овоздан туйқус чўчиб тушди. Қаршисидаги тепа сочлари тўкилган, тўлача, қимматбаҳо кийинган олтмиш-олтмиш беш ёшлардаги кишининг табассумидан ўзига келган йигит бироз тикилиб турди-да, яна бошини эгиб олди. Қариянинг меҳрибонлик билан қараши йигитнинг кўнглини юмшатди ё ўзи шундай сирдошни истаб турган эканми, “Учинчи курсни сиртдан битиришим керак эди. Сиёсий иқтисод фанидан йиқитишди. Олдин ҳам қарзим бор эди!” деди изтироб билан. Суҳбатдоши гўё уни эшитмаётгандек, узилмай тикилиб турарди. Бир оздан кейин Зафар Мардонович унга “Дафтарчангизни беринг!” деди. Йигит ишончсизлик билан ён-верини кавлаган бўлди-да синовчан қараб унга рейтинг дафтарини узатди. Олим табассум билан: “Омонатингизни эртага мана шу пайтда фалсафа кафедрасида оласиз. Зафар Мардонович деб сўрасангиз, бўлди. Энди мендан Салим Самадовичга салом айтинг!” – дея орқасига қайтди.

Карим рўй берган бу мўъжизанинг тагига етолмай ҳайрон эди. Зафар Мардонович ким? Нега энди шунчалик мурувват кўрсатди? Дарвоқе, унинг отасини ҳам танир экан. Ахир, “Салим Самадовичга салом айтинг”, деди-ку? У қанчалик ўйламасин, бу жумбоққа жавоб топа олмай, охири, отасидан сўраб билишга қарор қилди.

...Ҳаётда ҳамма нарса унутилиши мумкиндир, аммо бир яхшилик ва бир ёмонлик инсон хотирасида муҳрланиб қолар экан. Зафар Мардонович ўз ҳаёт тажрибасида буни кўрган, аниқроғи, бошидан кечирган эди. Шу дақиқаларда олим бир вақтлардаги Салим Самадовичнинг ўзига кўрсатган яхшиликлари ҳақида ўйлаб борарди.

Ўша йилларда Салим Самадович вилоятда масъул лавозимда ишлар, Зафар Мардонович эса институтда домла, илк китоби ва тўрт-бешта илмий мақоласи чоп этилиб, жамоа орасида эндигина ҳурмат орттира бошлаётган ёш ўқитувчи эди. У шу ҳурматидан фойдаланиб, йилда бир-иккита абитуриентни имижимида институтга жойлаб қўярди. “Кўза кунда эмас, кунда синади” деганларидек, Зафар Мардонович пора билан қўлга тушди.

Ўзини қанча безътибор, хотиржам тутмасин атрофда шивир-шивир бошланган эди. У баъзан ўзига далда бериш учун “Ахир, дарёнинг ҳам чуқур ери ҳаммиша секин оқади. Инсон табиатидаги босиқлик ҳам сокин дарёга қиёс. Ҳозир менинг олдимдаги энг муҳим иш – бу аччиқ ҳақиқатни “миш-миш”га айлантириш. “Миш-миш” эса бамисоли сув юзасидаги кўпик ёки кўкдаги булут янглиғ эртагаёқ тарқаб, кўз ўнгингда чарақлаб турган беғубор осмон ёхуд мавжланиб турган қўл намоён бўлади”, дерди ва шундай қилди ҳам. Бунинг учун у Салим Самадовичнинг қабулига борди. Қор ёғиб, излар босилди. Фан доктори илмий даражасини қўлга киритди, профессор бўлди. Сал бўлмаса Салим Самадовични унутаёзган экан-а! Бугун унинг азиз фарзанди ёрдамга муҳтож.

...Кунлар карвони ой ва йилларга уланиб, давлат имтиҳонини топшириш ҳақидаги чақирув қоғозини олганидан сўнг, Карим қанот боғлагандек шаҳарга йўл олди. У йўлда, ҳатто шаҳарга кириб келганидан кейин ҳам ширин орзуларини тарк эта олмас, аксинча, шу ўй-хаёлларга бўйсуниб борарди. “Ҳозир менинг олдимда дипломни қўлга киритишдан муҳимроқ вазифа йўқ. Ахир, мен бу учун озмунча азият чекмадим-ку?! Энди бўлса, қаршимда сўнги довон ва у билан туташиб кетган нурли чўққилар турибди. Менинг вазифам – ўша довон ва нурли чўққиларни забт этиш”, дея ўз-ўзи билан сўзлашиб борарди. Аммо ана шу чўққиларни забт этолмас-чи? Унда нима бўлади? Карим бу хил қўндаланг саволларга дуч келганида,

Зафар Мардоновични ёдга олади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Айна чоғда у қимматли бир нарсасини йўқотиб қўйишдан чўчиган кишидек шошиб, ён чўнтагини ушлаб кўрди. Отаси Зафар Мардоновичнинг номига ёзиб, фақат домланинг ўзигагина топширишни тайинлаган мактуби ўз ўрнида эканлигини билгач, кўнгли тинчиди.

Карим институтнинг ўқув биносига яқинлашганида, у ерда нима ҳақидадир гаплашиб турган уч кишини кўриб, юришини бир оз секинлаштирди. Карим уларнинг иккитасини яхши танир: бири институтнинг кундузги бўлимида таълим олаётган ва ўзининг қайсидир жиҳатлари билан домлалар ўртасида ҳурмат қозонган Даврон деган йигит, иккинчиси сиёсий иқтисод фанидан унинг синов дафтарчасига “қоникарсиз” баҳо қўйган ўша ёш домла – Санжар Аҳадович эди. У салом бериб, энди уларнинг ёнидан ўтиб кетаётган эди, сўзлашиб турганлардан бирининг оғзидан Зафар Мардонович ҳақида жуда совуқ бир сўз чиқиб кетди. Бу даҳшатли хабарни эшитган Карим ҳам турган ерида михлангандек ҳаракатсиз турар, кетишини ҳам, воқеани суриштиришини ҳам билмас эди. Бу учовлон эса гаплашишда давом этишар эди.

– Акасининг юбилеи экан. Зафар Мардонович акасини қутлаш учун пойтахтга йўл олган экан.

– Эшитишимча, йўлда автобусни қувиб ўтиб, қаршисидаги машинага урилмаслик учун рулни буриб катта тошга урилиб, ағдарилади...

Энди Каримнинг гавдаси гўё ўзига бўйсунмаётгандек силкинар ва ички бир оғриқ таъсирида хўрсиниб, унсизгина йиғларди.

Каримнинг кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланди. Яқингинасидаги ўриндиққа бориб мажолсизгина ўтирди. Шу ҳолатда қанча вақт ўтирганини эспай

олмайди. Бир пайт кимнингдир қўли унинг елкасига оҳиста қўйилди. Карим бошини кўтариб қаради-ю, қаршисида турган Санжар Аҳадовични кўрди. Унинг қовоқлари солиқ, юзида ташвиш ва ўйчанлик акс этиб турарди.

– Жуда ёмон иш бўлибди-да, домла! – деди Карим тушкун бир ҳолатда. У ҳозир кўринишидан кўнгилга таскин берувчи жавоб кутар эди.

– Тақдир, ука! – деди Санжар Аҳадович қисқа қилиб. Карим унсизгина бош ирғаб, унинг гапини маъқуллаб қўйди.

Санжар Аҳадович кўнгилида ниманидир мулоҳаза қилгандай ўйланиб тургач, Каримга:

– Ана, одамлар йиғилишяпти. Сиз ҳам дафн маросимидан қолиб кетманг. Зафар Мардонович сизга кўп яхшилиқлар қилган, таянчингиз бўлган эди-я?! – дея кўз остидан сездирмайгина қараб қўйди. Каримнинг ғамгин чехраси сал оқариб, пешонасида совуқ тер доналари пайдо бўла бошлади. Чунки у Санжар Аҳадовичнинг овозидаги киноянинг ҳам, сўзларидаги қочириқнинг ҳам тагига етган; бир сўз билан айтганда, ўқ мўлжалга бориб теккан эди. Карим нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади, лекин сўз тополмай, кўзларини ерга қадади. У ўша, ўзига таниш ўриндиқда – Зафар Мардонович билан илк бор учрашган жойда ўтирар, Санжар Аҳадович эса аллақачон кетиб қолган эди.

Ниҳоят, Карим шу тарзда ўтираверишнинг маъносиз эканлигини англаб, секин ўрнидан турди ва оғир қадам босганича, Зафар Мардоновични сўнги йўлга кузатиш учун кетаётганлар қаторига бориб қўшилди.

Нишон ШАКАРОВ,  
Бекмурод ХИДИРОВ



# Заковат ёғдуси

*Шарқ Уйғониш даври Ғарб мамлакатларига нисбатан 4-5 аср аввал бошланганини бу даврда ижод қилган ал-Жоҳиз, Муҳаммад Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Фирдавсий, Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий, Абу Бакр Хоразмий, Абу Абдуллох Хоразмий, Азизиддин Насафий, Абул-Фазл Байҳақий, Бадий-уз-Замон Ҳамадоний, ал-Мотурудий, Бурҳониддин Марғинович, Умар Хайём, Убайд Зоқоний, Носириддин Тусий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Ҳусайн Хоразмий каби даҳо мутафаккирларнинг дурдона асарлари равшан кўрсатиб туради.*

*Ўзбек тилида Форобийнинг кичик "Рисолалар" тўплами ярим аср аввал босилган эди. Анча йил аввал Муҳаммад Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" деб номланган сайланма китобини чиқарган эдик. Унда Музаффар Хайруллаев, Абдусодиқ Ирисов, Урфон Отажон, Маҳкам Маҳмудовлар таржимасида Форобийнинг "Афлотун қонунлар моҳияти ҳақида", "Арасту фалсафаси", "Шеър санъати", "Илмларнинг келиб чиқиши" ҳамда "Фозил одамлар шаҳри"нинг қисқарган матнлари берилган эди. Азиз устозимиз Абдусодиқ Ирисов вафотидан сўнг "Фозил одамлар шаҳри" асарининг қисқарган ўн икки бобини ҳам таржима қилиб, тўлдиришга аҳд қилдик. Ҳақ таоло мадади билан бу асарнинг тўлиқ таржимаси юзага келди. Қуйида ўша арабча матн ва русча матн асосида бажарилган таржимадан янги боблар берилмоқда.*

Маҳкам МАҲМУДОВ,  
Жалолиддин ЮСУПОВ

## Биринчи Мавжуднинг исмлари ҳақида сўз

Биринчи Мавжудни шундай исмлар билан атаймизки, бу исмлар маъносида атрофимиздаги мавжуд нарсаларнинг энг яхшиларини тасаввур қиламиз. Фақат биз атрофимиздаги нарсаларни атаганимизда энг мукамал ва энг афзал деган даражаларни қўлламаймиз, у буюк даражаларни биз фақат Биринчи Мавжуд – Ҳақ таолони комиллиги борасида қўллаймиз. Бу исмлар ҳаётда кўп нарсаларнинг камолот даражаларини англатсалар-да, бундан яққа, ягона Ҳақ таолонинг шу исмлар билан аталувчи кўп қисмлардан иборат экан деб ўйламаймиз, балки Ҳақ таолонинг ягона зотида мана шу кўпгина комил сифатлар бор деб ўйлаймиз. Мана шу кўпгина комил сифатлар мутлақо қисмларга бўлинмайдиган ягона ва яхлит жавҳарнинг сифатлари деб биламиз.

Бу исмлар орасида комиллик ва афзалликни билдирувчи шундайлари борки, улар билан фақат Аллоҳ таолони аташ мумкин, масалан Абодий мавжуд, Ягона, Ҳай (Абадий тирик) каби номларни Худодан бошқага айтиш мумкин эмас. Бошқа исмларни эса (масалан Одил, Раҳмон (Марҳаматли), Раҳим (Раҳм-шафқатли) исмларини атрофимизда бор одамларнинг энг яхшиларига нисбатан ҳам айтамыз. Таъкидлаш лозимки, биз атрофимиздаги мавжудотларга қўллаётган комиллик ва афзалликни билдирувчи бу исмлар Ҳақ таолонинг комиллиги ва афзаллигидан намуна деб тушунамыз. Бундай исмлар билан Ҳақ таолони атаганимизда эса, Ул зотнинг комиллиги ва афзаллигидан маълум зарра одамларга ҳам марҳамат қилинганини англаймиз. Лекин бу билан шу исмларга муносиб бўлган одамларнинг сифатларини Ул зотнинг жавҳарий сифатларидан бўлиб олинган, деб ўйламаймиз. Тасаввуримизча, бу исмларда атрофимиздаги

мавжудотлар билан ягона Зотнинг жавҳари ўртасида алоқадорлик бор. Бу исмлар, аслида ана шу Мавжуд аввалнинг жавҳари, моҳиятига тааллуқлидир.

## Мавжудоти Соний (Иккинчи мавжудотлар) ва уларнинг кўплиги ҳақида сўз

Биринчи сабаб (Мусаббиб – Сабабчи)дан Иккинчи борлиқ (Ақли кулл, Оламий Ақл) вужудга келади ва у ҳам мутлақо номоддий моҳият(субстанция)дир, у ҳам моддада ўринлашмайди. Оламий Ақл ўзининг моҳиятини тушуниш орқали Биринчи Сабабнинг моҳиятини ҳам тушунади. У Биринчи Сабабнинг моҳиятини ўз моҳиятини тушуниш йўли билангина тушуна олади (бошқача йўл билан Уни тушуна олмайди).

Биринчи Мавжуднинг моҳиятини Иккинчи борлиқ тушуниб етишидан Учинчи борлиқ вужудга келади ва у ҳам номоддий жавҳар(субстанция)-дир, у ҳам моддада ўринлашмайди. Учинчи борлиқнинг жавҳари Ақлдир. Учинчи борлиқ ўз моҳиятини (ақли ёрдамида) тушуниш орқали Биринчи Сабабни ҳам тушуниб етади. Учинчи борлиқ жавҳарида унинг моҳияти бўлгани сабабли, ундан зарурий равишда ўз ўрнида собит юлдузлар олами вужудга келади ва бу Тўртинчи борлиқни ташкил этади. Бу борлиқнинг (жисмлари моддий бўлса ҳам) моҳияти моддий эмасдир.

Бешинчи борлиқ моҳияти ҳам номоддий бўлиб, у ҳам ўз моҳиятини англаб, Биринчи Сабабни тушуниб етади. Бу тушуниб етишдан Ноҳид (Юпитер) осмони вужудга келади. Бу жавҳардан Биринчи сабаб куввати билан Олтинчи борлиқ вужудга келади.

Бу борлиқнинг моҳияти ҳам номоддий бўлиб, унинг Биринчи Сабаб (оламига) етишувидан Баҳром (Марс) осмони вужудга келади. Бу осмон моҳияти Еттинчи борлиқдир ва у ҳам моддий эмасдир. (Сайёра ва осмон) моддий, лекин уни вужудга келтирган, вужудини ҳаракатлантирувчи, яшашга сабаб-

чи қудрат – моддий эмас.

Еттинчи борлиқ Баҳром (Марс) осмони ўз моҳиятини тушуниб, Биринчи сабабдан қувват олиши оқибатида Қуёш осмони вужудга келади. Бу осмоннинг моҳияти Саккизинчи борлиқдир. Бу борлиқ ҳам (жавҳари, ҳаракатлантирувчи сабаби) номоддий бўлиб, у ўз моҳиятини англашидан ва Биринчи Сабабнинг моҳиятини англашидан Зухро (Венера) осмони – тўққизинчи борлиқ (олам) келиб чиқади.

Бу борлиқнинг мавжудлиги, моҳияти ҳам моддий эмас. У (Зухро осмони) ўз моҳияти ва Биринчи Сабаб моҳиятини тушуниб етишдан ва куч-қудрат олишидан) Ўнинчи борлиқ-олам вужудга келади.

Бу олам (уни ҳаракатга келтирувчи куч-қудрат ҳам моддий эмас, у Биринчи Сабабнинг моҳиятига етишади ва (ундан қудрат олиб) Ой осмонини вужудга келтиради. Бу Ўн биринчи борлиқ оламдир.

Ой оламини ҳаракатга келтирувчи куч ҳам моддий эмас. Бу борлиқ ҳам ўз моҳиятини тушунади ва Биринчи Сабабдан куч-қувват олади.

Шу билан ўз мавжудлиги жавҳари учун моддага муҳтож бўлмаган борлиқ оламлар тугайди. Бу борлиқ оламлар моҳияти ақлдан иборат ва улар ақл фаолияти мавжудотларидир. Самовий мавжудотларнинг жисми борлари мана шулардир. Бу борлиқ оламларнинг барчаси айлана қиладилар.

Юқоридаги борлиқ оламлар ўз

вазифаларини табиий равишда бажарадилар. Жамият аъзолари ҳам ўз вазифаларини табиий равишда бажариши керак бўлса-да, одам танаси аъзоларидан фарқли ўлароқ, ўз вазифаларини иродаси, истак-хоҳиши, ихтиёрий (ёки мажбурий) равишда бажаради, буларда яхшилик ёки ёмонлик йўлини танлаш эркинлиги бор.

#### Хаюло ва суврат (модда ва шакл) ҳақида сўз

Моддий мавжудотлар икки хил ҳолатда бўладилар: биринчи ҳолатда ёғочга ўхшаш модда, иккинчи ҳолатда шу ёғочдан ясалган қошиққа ўхшаш ҳолда. Модданинг биринчи ҳолати хаюло (юнон тилида ҳам Хаулос, материя), иккинчи ҳолатда сувратли, шаклли бўладилар. Мана шунга ўхшаш нарсаларда хаюло (материя) сувратнинг асоси (хом ашёси)дир.

Суврат хаюлосиз жавҳарга ҳам, мавжудликка ҳам эга бўлолмайди. Лекин агар сувратлар, шакллар бўлмаганида ҳам хаюло (материя)нинг моҳияти йўқ бўлур эди. Суврат, шакл жисмоний жавҳар(субстанция)ни фаол (актуал) жавҳар(субстанция)га айлантиради. Чунки мавжудликнинг ҳар қандай тури фаол бўлмаса, мавжуд бўла олмайди.

Ой остидаги борлиқда жисмларнинг шакллари бир-бирига зид, қарама-қарши бўладилар. Бу қарама-қаршилик шундан иборатки, бирор ашё моддаси бу сувратга эмас, бошқа сувратга кириши ҳам мумкин. Ёки бир хил нарса турлича




сувратга эга бўлиши мумкин.

Тўрт унсурнинг сувратлари ҳам (табиатан) бир-бирига қарама-қаршидир (олов-иссиқ, куруқ, сув-совуқ ва ҳўл, ҳаво-иссиқ, совуқ, ҳўл, ҳоказо – тарж.).

Ҳеч бир жисм, модда қандай сувратга киришини ўзи аввалдан билмайди. Лекин ҳар бир жисм сувратини таъминловчи моддаси, хаюлоси (материяси)га эгадир. Шу сабабли, барча модда жавҳар сифатида бирор нарсанинг сувратига, шаклига киришга ва фаол мавжудот бўлиш (соддароқ айтганда, яшаш)га интилади. Шундагина улар фаол борлиққа айланадилар.





## Kino – ma'naviy tarbiya vositasi

Кино телевидение ёрдамида ўзига томошабинларни жалб қилиш йўли билан жамият онгига таъсир қилувчи, унинг дунёқарашини, фикрини шакллантирувчи санъат ҳисобланади.

Замон ўзгариши билан кинематографияда ҳам, телевидениеда ҳам янгиланишлар содир бўлади. Яқин ўтмишда кинематография ва телевидение мустабид тузум мафкурасига хизмат қилган бўлса, тузум кулаши билан улар янги давр, янги ҳаётни, Ватанимизнинг азалий анъана ва маданиятини англашга хизмат қила бошлади.

Истиклолнинг дастлабки ўн йиллигида миллийлик акс эттирилган "Абдуллажон" (1991), "Тангалик болалар" (1992), "Бомба" (1995), "Кичкина табиб", "Чимилдиқ" (1999), "Эркакча ўйин" (2001) каби фильмлар яратилди. Шунингдек, турли даврларда ўзбек халқи ўтмишининг ижтимоий-тарихий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган "Тонгача" (1993), "Марғиёна" (1997), "Буюк Амир Темура"

(1998), "Ўткан кунлар" (1998), "Оталар водийси" (1998), "Оратор" (1998), "Алпомиш" (2000), "Ўртоқ Бойкөнжаев" (2002), "Ватан" (2005), "Қўрғошин" (2011) каби фильмлар суратга олинди.

Фанда фильмлар ижтимоий аҳамиятига қараб эвристик, коммуникатив, эстетик, тарбиявий ва кўнгилочар турларга ажратилади.

Коммуникатив фильмлар туркумига ҳар қандай фильмни киритиш мумкин. Яъни бунда фильм қаҳрамони экрандан томошабинга мурожаат қилиши ва томошабин билан суҳбат қуриши мумкин. Масалан, Зулфиқор Мусоқовнинг "Ватан" фильми қаҳрамони кўплаб қийинчиликларни бошидан кечирган ва узоқ йиллар ўз еридан олис яшаганига қарамасдан, ўзини ўзбек ҳисоблайди, фарзандини ҳам ватанини севишга ундайди. Ҳамда томошабинга ота-боболарининг, уруғининг, оилангизни қадрла, уни эсдан чиқариб қўйма, демоқчидай бўлади. Шу йўл билан бундай фильмлар тарбиявий вазифани ҳам бажаради.

Эстетик аҳамиятга эга бўлган кинолар қаторига "Йўл бўлсин", "Чимилдиқ", "Кичкина табиб", "Манба", "Забаржад", "Ўтов" фильмларини киритиш мумкин. Бу фильмлар моҳиятида миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларимиз акс этади. Шу билан бир қаторда, кадрларда ўзига хос яширин маъноларнинг берилиши ҳам эътиборга молик.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кейинги йилларда тижорат кинолари ҳам кўпайиб бормоқда. Асосан кўнгилочар мавзуда яратилаётган, кўпроқ киношунослар ҳамда томошабинлар танқидига сабаб бўлаётган бу фильмлар кўплаб ёш актёрлар, режиссёрлар ва операторлар учун тажриба орттириш майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Кино ва телевидениенинг ўзаро ҳамкорлигига тўхталадиган бўлсак, олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида "Ўзбекистон" телеканали кўпроқ "Ўзбеккино" томонидан суратга олинган бадиий фильмларни намойиш этгани маълум бўлди. Жумладан: "Осмон яқин", "Осмондаги болалар", "Ойижон", "Кичкина табиб", "Катта ойи", "Чимилдиқ", "Суюнчи", "Сени излаб", "Чавандоз", "Учар от", "Чашма", "Сукунат", "Шабнам", "Нотаниш полвон", "Тангалик болалар", "Ўтов", "Кечиккан ҳаёт", "Сўнги лаҳза", "Чол ва набира", "Шум бола" ва бошқа кўплаб фильмлар шу рўйхатга киради.

"Ёшлар" телеканали эса эътиборини кўпроқ ретро фильмларга қаратган. "Келинлар кўзғолони", "Ёр-ёр", "Тўйлар муборак", "Маҳаллада дув-дув гап", "Мафтунингман", "Чинор остидаги дуэл", "Алишер Навоий", "Сең етим эмассан", "Тоҳир ва Зухра"

ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тижорат фильмлари масаласида ҳам "Ўзбекистон", "Ёшлар" ва "Тошкент" телеканаллари бир хил йўл тутиб, имкон даражасида савияли ва оммабоп фильмларни намойиш этишга ҳаракат қилишган.

"Спорт" телеканалида миллий кинолар намойиши қониқарли даражада эмас. Чунки, биринчидан, бу каналнинг мавзуси спортга қаратилган бўлса, иккинчидан, спортга бағишланган фильмларимиз кам.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, киноларимиз телевидениеда муносиб ўринни эгаллагани билан бир қаторда, телевидение янги миллий фильмларга борган сари кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз кинематографияси телевидениемизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан қондиришга улгурмаяпти. Шу сабабли бир фильмга тез-тез мурожаат қилиш, айна кинонинг бир пайтда турли каналлардаги намойиши кўзга ташланаяпти. Кино ҳам ўз ўрнида маънавий тарбия воситаси экан, унинг ушбу жиҳатлари эътиборга олиниб ишланса, хусусий кинолар теледастурларни янада бойитар эди.

Элеонора ҒАНИЕВА



## Matonatli o'g'lon



Ҳожиакбар Мирсаматов 1927 йил Тошкентнинг Темирчи маҳалласида туғилган. Отаси Ҳожиакбарнинг ҳам маънан, ҳам жисман чиниқиб, баркамол вояга етишига катта эътибор берган. 1947 йили кураш бўйича республика биринчилигида ғолиб чиққан Ҳожиакбар полвон Москвада ўтказиладиган мусобақага йўлланма олади. Бу ерга у спортчи ҳамда мураббий сифатида юборилади. Катта мусобақада ўзбек полвонлари ғолиб бўлишади. Бу воқеадан хабар топган самбо кураши асосчиси Анатолий Харлампиев ўзбек полвонларини самимий қутлаб, Ҳожиакбар Мирсаматов билан яқиндан танишади. У шогирдларини ўзбеклар билан курашда синаб кўрмоқчи бўлади. Ҳожиакбар

полвон, гарчи самбо кураши билан шуғулланмаган бўлса-да, самбо усталарини мағлуб этади. Бундан ҳайратланган Харлампиев: "Қани, мен билан тушиб кўр-чи", дея полвонни гиламга чорлайди. Ўзининг синалаётганини сезган Ҳожиакбар полвон: "Усул қўллаверинг, жиддий курашамиз", дейди. Тиззалаган ҳолатда усул қўллаш олмаган Харлампиев тақиқланган усулни ишга солади. Шунда ҳам полвонни кўзгата олмагач, қўл кўтариб тан беради. Шундан сўнг Ҳожиакбар Мирсаматов Харлампиев тавсиясига кўра, Болтиқбўйи республикаларида самбо курашидан сабоқ беради.

1950 йили Мирсаматовни Тошкентга расмий хат билан қайтаришади. Ҳожиакбар Мирсаматов

самбо курашидан ички ишлар ходимларига сабоқ беради. Полвон умридаги омадли даврни 1958 йилда рўй берган автоҳалокат узиб қўяди. Ҳалокат туфайли полвоннинг кўзи кўрмай қолади.

Кўришни тиклаш учун ўтказилган бир неча жарроҳи самара бермайди. Ниҳоят, 1997 йилда тажрибали кўз жарроҳлари Алишер Худойбердиев ва Мурод Исаев унга яна кўриш қобилиятини ҳада этишади. Тиниб-тинчимас полвон энди набираларига сабоқ бера бошлади. Бир гал набираси Сардор Далабоев қўшни юртдан "Енгилмас" лақабли Самад исмли курашчини "қоидасиз жанг" да хушсиз ҳолатга туширади. Курашни кузатиб турганлар унга астойдил қизиқиб қолишади. Сардор: "Мен ўзбек полвониман, устозим – бувам Ҳожиакбар Мирсаматов!" дейди гурур билан.

Ҳожиакбар Мирсаматов

мустақилликни катта неъмат билиб, янада кўтаринки руҳ билан полвонларни етиштиришга берилиб кетди. Спортчиларни тарбиялашда ўз усули бор эди. Бу тўғрида Ҳожиакбар ота ўз фикрларини қуйидагича билдирарди: "Спорт бу, аввало, интизом дегани. Курашчи полвон ҳаётда ҳам, ишда ҳам, гиламда ҳам, қолаверса, одобу юриш-туришда ҳам ибрат бўлиши шарт. Баъзилар чекишни ташлай олмайман, ичишдан воз кеча олмайман, деб қолишади. Бу гапга мутлақо қўшилмайман. Ўзини енга олмаган одам қандай қилиб, рақиб билан курашиши, уни мағлуб этиши мумкин? Спортчи, умуман, йигит киши иродаги бўлиши керак, ўз феълидаги салбий иллатларни парчалаб ташлаши керак!"

Кучли хотирага эга бўлган Ҳожиакбар Мирсаматов китоб

ўқишни ҳам яхши кўрар эди. У турли мавзудаги китобларни кўп ўқир, шогирдларига машқ пайти китоб қаҳрамонларининг ибратли жиҳатларини сўзлаб берарди. Фарзандлари ва шогирдларига бирор катта юмушни буюришдан олдин, иродасини имтиҳон қилиб кўрар эди.

Ҳожиакбар Мирсаматов 2008 йилнинг кузида хасталик туфайли оламдан ўтди. Яқинда Ўзбекистон Самбо уюшмаси мутасадди ташкилотлар билан келишган ҳолда 2014 йилдан самбо кураши бўйича Ҳожиакбар Мирсаматов хотира турнирини ўтказишга қарор қилди. Айна кунларда турнирга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Зеро, фидойи инсон Ҳожиакбар Мирсаматовнинг ҳаёт йўли нафақат спортчилар, балки барча ёшларга ибратдир.

Шожалол ШОҚОСИМОВ

# Udumlar qatidagi qadriyat

Ҳар бир халқ ёки элат ўз урф-расмларига эга. Бу борада ўзбек халқини жуда серурф десак, адашмаймиз. Хос урф-одатларимиз, удум ва қадриятларимиз мавжудки, барининг замирида яхши истаклар, орзу-умидлар мужассам. Жуда кўплаб удумларимизда ёши улугларга иззат-хурмат, ёшларга меҳр-мурувват ва одоб-ахлоқ, тарбия масалалари мавжуд. Шундай урф-одатлар борки, уларда қариндош-уруғчилик ришталарига алоҳида эътибор берилади. Айниқса, тўй-ҳашамларда бу удумнинг бажарилиши натижасида тўй эгасининг қариндош-уруғлари кимлар, уларнинг вазибалари нималардан иборат эканлиги оммага маълум қилинади.



Шундай одатлардан бири Жиззах шаҳри туб аҳолиси томонидан ўғил болалар хатна тўйидан 2-3 кун олдин ўтказиладиган “тахт урар” деб номланадиган удумдир. Бу удумда қариндошлар ўртасидаги хурмат-эътибор, қолаверса, меҳр-муҳаббат масалаларининг ўзига хос томонлари яққол кўзга ташланиб туради. Бу удум асосан аёллар иштирокида ўтказилади. Бунинг учун хатна тўйи бўладиган болакайнинг хонадонидан тахмони бор хона танланади ва тахмонга дастлаб тўй боланинг бувиси томонидан тўйга атаб тикилган кўрпа, кўрпачалар тахлаб қўйилади. Тўй бола хатна қилинишида, албатта, бу кўрпа-ёстиқлар ишлатилади. “Тахт урар” удуми белгиланган кун иборат қариндошлар тўй болага аталган совға-саломлар билан келишади. Йиғилган қариндошлар давра қуриб ўтирадилар ва маҳалла кайвониси ёки ёши кексароқ аёл тўйбола, оила аъзолари ва хонадон ҳақиқа дуолар ўқиб, яхши ниятлар билан:

“Қани, энди тахт урар удумимизни бошлаймиз, ҳамма қариндош-уруғлар йиғилдими?” – деган савол билан мурожаат қилади. Удумга амма-холалар қатнашиши шарт эканлиги ҳамда ҳар бир қариндошнинг ўз ўрни борлиги, бу эса меҳр-оқибатни мустаҳкамлашни қайта-қайта таъкидлайди ва қариндошчилик риштасининг, ўзаро хурматнинг тўй болага қилинган совғага ҳеч қандай алоқаси йўқлигини – бу фақатгина бир нишона эканлигини тушунтиради-да, тахмонга тахланган кўрпа, кўрпача, ёстиқларнинг таҳини бузиб, атайлаб ағдаради-да ҳар бирини қайта тахлай бошлайди. Уларнинг ҳар бирини бир қариндош атай тахлаб беради. Бунда тўйга етказсин, тўйлар кўп бўлсин, деган ичкин истаклар бор.

Тахмоннинг устига ойна, пичоқ, япалоқ тош, белбоғ, нон тахт қилиб қўйилади. Ойна – ҳаёти ойнадек равшан бўлсин, пичоқ – ўткир йигит бўлсин, япалоқ тош – пешонаси тошдай бўлсин, белбоғ – бели бақувват бўлсин, нон – ризқи бутун бўлсин деган ниятлар ифодасидир. Юқоридаги ишлар амалга оширилгандан сўнг қариндошларнинг ҳар бирига миннатдорчилик билдирилади. Уларнинг хонадонларида ҳам тўйлар, яхши кунлар бўлишини тилаб, дуолар қилинади. Ҳар бир қариндошнинг номи алоҳида айтилишидан мақсад оиланинг ёш аъзолари, хусусан, тўйбола қариндошларини яқиндан таниб олишидир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, халқимиз томонидан яратилган ҳар бир удум, анъаналарнинг мақсади аниқ бўлиб, бунинг замирида қариндош-уруғчилик, тиббий маданият, одоб-ахлоқ тарбияси, қолаверса, боболаримиз урф-одатларига хурмат ва эътибор ётади. Шу билан бир қаторда, ёшларимиз онгида ҳам ана шу эзгу фикр ва ғояларнинг ўрин олишига эришиш бугунги куннинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Раҳматулла САРИМСОҚОВ

# Ilm va marifat yo'lida

**Устоз деган шарафли номга сазовор киши нафақат кенг қамровли билимга, балки юксак педагогик маҳоратга ҳам эга бўлмоғи лозим. Зеро, илм амалиёт билан уйғунлашгандагина ўз тасдиғини топади ҳамда муҳим аҳамият касб этади.**

Мен узок йиллардан бери Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаларига дарс бериб келаётган Адҳамбек Алимбековни ана шундай устозлардан деб биламан. Олимнинг дастлабки илмий фаолияти рус-ўзбек адабий алоқаларига бағишланган эса-да, бироқ у олиб борган илмий ишларнинг салмоғини ўзбек адабиёти ва қардош адабиётлар намоёндалари ижоди бора-сидаги тадқиқотлар ташкил этади, десак хато бўлмайди.

1980 йиллар бошида академик Иристой Кўчқортоев ташаббуси билан Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да туркий филология кафедраси ташкил этилгач, Адҳамбек Алимбеков домла билан биргаликда иш бошлади. Кафедрада биринчилар қаторида турк адабиёти йўналиши бўйича дастлабки ўқув дастурлари ва қўлланмаларининг тузувчиси бўлди. Бу ишларни амалга оширишда у академик В.А.Гардлевский, В.С.Горбузова, И.Татарли, И.В.Боролина, В.Куделин каби олимларнинг илмий тадқиқотларидан ҳам фойдаланди. Шу маънода, унинг ўзбек ўқувчиларини жаҳон туркологларининг илмий мероси билан таништиришда хизмати катта бўлди.

Шуни ҳам айтиш кераки, Адҳамбек Алимбековни республикамизда ёхуд хорижда нафақат турк адабиёти мутахассиси сифатида, балки ўзбек адабиёти тарғиботчиси сифатида ҳам яхши билишади. Республикамиз олий ўқув юртрада ўтказилган илмий-амалий

конференцияларда Жалолоддин Румий, Юнус Эмро, Умар Сайфиддин, Рашод Нури Гунтегин каби турк адабиёти намоёндалари ижодига бағишланган илмий мақолалари билан фаол қатнашган бўлса, Анқара, Истанбул, Измир ва ёхуд Москвада ўтказилган халқаро конференцияларда Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Миртемир, Омон Мухтор каби адибларимиз ижоди, шунингдек, туркий ёзма ёдгорликлар билан боғлиқ илмий маърузалар қилди.

А. Алимбеков илмий фаолиятни ижод билан омукта қила олган фаол ижодкордир. Қолаверса, у бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими масъул котиби ўлароқ, вақтли матбуотда гоҳ илмий-адабий, гоҳ публицистик мақолалари билан қизгин қатнашиб келади.

Ёш таржимонлар фаолиятини мувофиқлаштириш, институтларда таржимонлар тўрагини ташкил этиш масалаларига асосий эътиборни қаратган А. Алимбеков Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд чет тиллар институтидаги таржимашунослик кафедралари ҳамкорлигида ўзбек адабиёти намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишига бошқошдир. Жумладан, унинг масъуллигида грант асосида “Ўзбек шеърини корейс тилида”, “XX аср ўзбек ҳикоялари корейс тилида”, “XX аср ўзбек ҳикоялари хитой тилида”, турк тилида “Ўзбек ҳикояларидан намуналар”, рус тилида “Река души моей” тўпламларининг чоп этилиши ҳамда Чўлпоннинг “Халқ денгизидир” шеърининг 15 тилга таржима қилиниб нашр этилиши бунга ёрқин мисолдир.

Шунингдек, Адҳамбек Алимбековнинг масъуллигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими ва Тошкент давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида




“Ўткан кунлар”, “Юлдузли тунлар”, “Улуғбек хазинаси” каби ўзбек адабиётининг сара асарлари инглиз тилига таржима қилинди.

“Қалбим сизга интилади” антологиясининг инглиз тилида, “Ўзбек адабиёти – танланган асарлар”, “Ўзбек таржимонлари ва бадиий таржималар” илмий тўпламининг чоп этилиши ҳам А. Алимбеков иштирокида амалга оширилган қатор хайрли ишлардандир.

Шубҳа йўқки, Адҳамбек Алимбеков илмий фаолиятидаги салмоқли асарлардан бири 2012 йилда “Муҳаррир” нашриёти томонида чоп этилган “Юлдузнинг беш қирраси” монографиясидир. Унда муаллиф Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг ҳаёти ва ижодини кенг, атрофлича таҳлилу тадқиқ этиб, илмий ҳамда адабий жамоатчилик эътиборига ҳавола этади.

А. Алимбеков бугун 60 ёшни қаршиламоқда. Журналимизнинг фаол муаллифларидан бўлган олимни кўплаб шогирдлари, қолаверса, таҳририятимиз номидан чин дилдан муборақбод этамиз.

Шермурод СУБҲОН



# Yosh quruvchiga ko'makchi – “LEGO”



Боғча болаларидан орзулари ҳақида сўровнома ўтказилганда беш ёшли болакай “Ихтирочи бўламан!” деб жавоб берди. Унинг митти тасаввурига илҳом берувчи куч даслабки ўйинчоқлари бўлса, ажаб эмас. Аксарият болалар мукамал ўйинчоқнинг тузилиши, деталларнинг бир-бирига уланиши билан қизиқишади. Яна кўпгина болалар қимматбаҳо овуноқлари туриб, гугурт қутисидан, ёғоч бўлагидан ўзларига ўйинчоқ ясаб оладилар. Ота-оналар уларнинг бу ҳаракатларини рағбатлантириб, бирга бирор буюм ёки ўйинчоқ яшасалар, боладаги қизиқиш амалий тус олади.

Болаларда ижодкорлик, қизиқувчанликни шакллантириш, такомиллаштириш учун бугунги кунда турли адабиётлар, қирқма материаллар, конструкторлик ўйинлари мавжуд. Шулардан бири – болаларнинг сеvimли ўйини “Lego”.

Даниялик Ол Кирк Кристиансен

ўтган асрнинг 30-йиллари ёғочдан хўжалик жиҳозлари ва болалар ўйин-чоқлари тайёрловчи кичик корхонада дурадгорлар гуруҳига бошчилик қилар эди. 1949 йили пластик ғиштчалар ёрдамида йиғиладиган “Lego” ўйинини яратиш фикри туғилади. Дастлаб, Ол Кирк 8 кишилик гуруҳ билан ўз ғоясининг илк намуналарини чиқара бошлайди. Аввалига кўпчиликни қизиқтирмаган бу тўпламнинг секин-аста харидорлари кўпайиб борди. Ушбу яратувчилик, ижодий изланиш ва тинимсиз меҳнатлар самараси бугунги кунда “Lego” номи билан дунёга танилиб, йирик компания сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Компания номи Кирк Кристиансен томонидан ўйлаб топилган бўлиб, бу атама данияликларда “leg godt”, яъни “завқ билан ўйна” маъносини билдирар экан. Кейинчалик,

Кирк Кристиансен “Lego” сўзи латин тилида “мен ўрганяпман” маъносини беришини ҳам билиб қолади. Ол Кирк Кристиансен ўзи ишлаётган устахона деворига “Фақат мукамалли муносибдир” деган сўзларни шиор қилиб ёзиб қўйган экан. Бу эса маҳсулот сифати ва келажаги демакдир.

Дунёда болаларнинг фикрлашини ўстирадиган, дунёқарашини шакллантирадиган турли ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади. Шулар орасида “Lego” энг оммалашган ўйиндир. Боланинг шахс бўлиб шаклланишида унинг дастлабки ўйинчоқлари ҳам аҳамиятли экан, фарзандларимизга энг қимматбаҳосидан эмас, энг муносибидан олиб берайлик. Зеро, совға қиммати қиймати билан белгиланмайди.

*Интернет материаллари асосида Комил ЖОНТОЕВ тайёрлади*

## Бўйингдан айланай, кўкламой!

Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор, шунингдек, ўз ифори ҳам. Буни қарангки, айни жиҳатни мода олами ҳам назардан қочирмас экан. Кўклам кўрки нишон бера бошлаши билан мода саноатининг машҳур ишлаб чиқарувчилари янгиланиш фаслига янги пардоз билан бирга янги ис ҳам олиб кирадилар. Худди шу анъанага кўра, мода “корчалонлари”бу кўклам бўйини “белгилаб” бердилар.

## Гул-мевали ифорлар

Кўклам асли гул-чечаклар мавсуми. Бунда табиат гулдан либос кияди. Табиийки, ифори ҳам шунга яраша. Шу туфайли баҳорда гул бўйли атирлар алоҳида мавқега эга бўлади. Зеро, баҳорнинг энг мафтункор ва жозибатор гул-мевалари ифори кўнгилга сўнмас муҳаббат ва қувонч бахш этади. Бу йилги баҳор мавсумида машҳур брендлар атиргул бўйи билан экзотик мевалар исини уйғунлаштирдилар. Шунингдек, уни жасмин, бинафша, бергамот ифорлари билан бойитдилар. Мушк-анбар билан бойитилган айни ис ўзидан ёқимли из қолдиради.

## Оғоч ва ўсимлик ифори

Кўкламнинг бор жозибасини ифодалаган кўрккам образни такомилга етказиш учун оғоч-тамаки аралаш ифор кифоя. Кедрнинг нафис ва занжабилнинг майин ҳидлари қоришиғи, сандалнинг ёндиргувчи бўйи бергамотнинг соф атри билан уйғунликда уйғонаётган табиат ифорини ифодалайди. Ҳар жиҳатдан уйғун ва ўзига жалб этувчи, атрофга ёқимли ва “жиддий” таралувчи бу ифорлар кўркка кўрк қўшади.

## Мусаффо ва муаттар

Цитрус иси тетиклантирувчи хусусиятга эга. Бундай ифорлар жой ва вазият, кийим танламайди. Улар сепувчи учун енгил, ҳидловчи учун ёқимли. Кўкламнинг келганини апелсин, лайм, шакарқамиш ва занжабил “коктейл”идан яққол сезиш мумкин.

## “Тот”ли ифор

Лаззатли ширинликлар иси эътиборни уларнинг ўзидан кам тортмайди. Оғизга хуш ёқувчи бу неъматлар ифори ҳид билувчилар дидини майин эркалайди. Шоколад, карамел, ванил шакари ҳамда бодом упасининг хуш бўйи кўкламий кайфият ато этади.


Кўкламнинг ўзи тенгсиз, таърифларга бўй бермас бўйли. Буни тавсия қилганимиз ифорлар билан бор-йўғи бойитмоқ керак, холос. Зеро, меъёрнинг олтин қоидаси ҳатто кўкламда ҳам бекор бўлмайди. Фойдаланганингиз атир ўзингизга ҳам, атрофингиздагиларга ҳам хуш ёқсин!

Бўйингдан айланай, кўкламой!

# Ko'klam ifori



Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

### “ОНА-ВАТАН КУЙЧИСИ” АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Куйида таърифланган ва шеърий сатрларда келтирилган сўзларни шаклга белгиланган хонадан ракам атрофига соат мили йўналишида ёзиш билан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодига оид билимингизни синаб кўринг. 1. Улуғ ўзбек шоирига бағишланган шеър. 2. Кўшиққа айланган мисралардан: “Ўзинг менинг улуғлардан Улуғимсан ...” 3. Афғонистонда ҳалок бўлган ўзбек ўғлонлари хотирасига бағишланган асар. 4. Волидалар эъзозланган шеър. 5. Шоир таваллуд топган туман. 6. “Қайда ялла янграса келаверинг, Ўзбегимнинг тўйлари зўр бўлади” мисралари билан тугалланган шеър. 7. Ижодкор онасининг исми ... ая. 8. Шоир шеърлари асосидаги кўшиқлар ижрочиси, таниқли хонанда. 9. Шавкат Раҳмон ва Асқад Мухтор хотирасига бағишланган шеър. 10. “Ялангоёқ болалигим эсласам жим, Кўзларимга

сургим келар бурда нонни” мисралари билан бошланувчи шеър. 11. “Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!” мисраси билан тугалланган шеър. 12. “Кўхна кудук” достонида тақдири баён этилган атоқли ўзбек адиби. 13. Она табиат тасвирланган асар. 14. Муҳаммад Юсуф мухлис бўлган ўзбек мумтоз шоири. 15. “Самарқанд” шеърида хотирланган буюк олим, темурийзода ҳукмдор. 16. Кўчманчи куш тасвирланган шеър. 17. Наврўз таомига бағишланган шеър. 18. “Сочга оқ тушганида келганинг алам” мисраси билан тугалланган шеър. 19. Шоир билан ҳамкорлик қилган хонанда. 20. “Отам ўгитларин унутмоқдаман...” мисраси билан бошланувчи шеър. 21. Шоир таҳсил олган ва ижод қилган шаҳар. 22. Ёшлик йиллари ёдга олинган шеър. 23. Марсиядан: “Қадим Бухорога лайлақлар келди, Ўзингиз қайдасиз ... бобо?” 24. Ростлик, тўғрилиқ мазмунидаги шеър. 25. Бобур ва Чўлпоннинг она шахрига бағишланган шеър. 26. Интизорлик мазмунидаги шеър.


**“СОҒЛОМ БОЛА” АЙЛАНМА  
КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

1. Чаккон. 2. Набира. 3. Турник. 4. Мактаб.  
5. Алифбе. 6. Сингил. 7. Теннис. 8. Достон. 9.  
Дугона. 10. Мунчок. 11. Шижоат. 12. Шогирд.  
13. Алишер. 14. Сакраш. 15. “Суюнчи”. 16.  
Кувонч. 17. Зумрад. 18. Татами. 19. Фотима.  
20. Ғайрат. 21. Барчин. 22. Тарбия. 23. Гулхан.  
24. Футбол. 25. Копток.

**МУАММОНОМА**

**Калиг сўзлар:** 1. Спорт. 2. “Камалак”. 3.  
Укув. 4. Баргак. 5. Норасида. 6. Ёз. 7. Боғ.

**Ибратли сўз:** Соғлом болалар мустақил  
Ватанимизнинг порлок истикболи  
бунёдкорларидир.



\*\*\*

**Интернетдаги ёзишув:**

- Учрашувга дугонангизни ҳам олиб чиқинг.
- Нима, сиз ўртоғингиз билан чиқасизми?
- Йўқ, танлаш имкониятимни кенгайтирмоқчиман...

\*\*\*

**Эр-хотин тўйларининг 35 йиллигини нишонлаш-  
моқда.**

**Сеҳргар пайдо бўлиб, аёлга:**

- Тила, тилагингни! – деди.
- Мовий тоғлар бағрида дам олмоқчиман, – деди аёл.
- Улар шу заҳоти тоғлар бағрида пайдо бўлишди.
- Сеҳргар эркакдан тилагини сўради.
- Ўзимдан 35 ёш кичик аёл билан яшашни истайман,  
– деди эр.

Сеҳргар ғойиб бўлди ва эркак 90 ёшли чолга айланиб  
қолди...

\*\*\*

**Қиз йигитга деди:**

- Сиз мен билан бир йилдан бери гаплашасиз-у, тўй  
ҳақида умуман оғиз очмайсиз...
- Ҳа, айтганча, мана таклифнома. Шанба кuni тўйим  
бўляпти...

\*\*\*

**Аёлларга эслатма: агар яхши кўрган кўйлагингиз  
ювилгач тор келиб қолса, кир ювиш машинасида  
эмас, музлатгичдан хафа бўлинг.**

\*\*\*

Бир одам ёмон иш қилиб қўйсагина хотинига гул сотиб  
оларди.

**Бир кuni гул дўконига кириб:**

- Менга минг дона атиргул беринг, – деди.
- Сотувчи:
- Билиб кўйинг, шунча айбингиз билан хотинингиз уйга  
киритмайди, – деб огоҳлантирди.

\*\*\*

**Шундай аёллар бўладики, ҳамма нарсаси бор, бироқ  
камчилигим кўп деб нолигани-нолиган. Шундай аёллар  
бўладики, камчилиги кўп, бироқ мақтангани-мақтанган.**

Саҳифани Гулбаҳор ОТАЖОНОВА тайёрлади

# Ko'hna mazmunning yangi shakli

Ҳақиқий санъат, хоҳ у мусиқа шаклида бўлсин, хоҳ кулолчилик кўринишида, доимо инсонни эзгуликка, яратувчанликка ундаб келган. Айниқса, амалий санъат замонлар оша ўз моҳиятини йўқотмаган ҳолда янгидан-янги мазмун касб этмоқда.

Гобилен тўқиш санъати бир қарашда янги йўналиш ҳисобланса-да, аслида унинг ҳам қадим илдизлари бор. Момоларимизнинг ойнахалта, игнахалта сингари буюмларини гобиленнинг дастлабки кўринишлари сифатида эътироф этиш мумкин. Бугунги кунда бу хунарни ўргатиш санъат билим даргоҳларида ҳам дарс машғулоти сифатида йўлга қўйилган. Санъатнинг ушбу тури билан шуғулланаётганлар орасида бой тасавури орқали гобилен ривожига ҳисса қўшаётган ёшлар талайгина. Маржона Комил кизи ҳам ўзи яратган санъат намуналари билан кўпчиликнинг эътиборига тушган ёшлардан. У ёшлигидан расм чизиш, кашта тикишга қизиққан бўлса, кейинчалик гобилен йўналишининг сир-асрорларини кунт билан ўргана бошлади. Бугунги кунда унинг гобилен йўналишидаги қатор ишлари республика миқёсидаги кўрғазмалар, танловларда юқори ўринларга сазовор бўлмоқда.

Маржона Комил кизи 1992 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Санъатга меҳр қўйишида устози Раҳима Қўнғированинг ҳиссаси катта. 2010–2013 йилларда Олим Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежида таҳсил олиш жараёнида Тўхтажон Юсупова, Зиёда Тиллабоева сингари мураббийларнинг кўмагида назарий ва амалий билимини янада




мустаҳкамлади. Дастлаб, унинг ишлари устозларининг эътиборини тортган бўлса, кейинчалик турли фестивалларда қатнашиб, томошабинларнинг эътиборига тушди. 2013 йилда эса Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси томонидан ўтказилган Тасвирий санъат фестивалида кумуш медални қўлга киритди.

Маржонанинг ижод намуналарини кўздан кечирар экансиз, уларда меҳр-оқибат, яшашга интилиш туйғулари асосий ўринда эканлигининг гувоҳи бўласиз. Тасвирий айнан гобилен йўналишида ифода этилиши ижодкордан нафислик, шу билан бир қаторда, алоҳида эътиборни ҳам талаб этади. Санъатнинг ушбу йўналишига бўлган қизиқиши сабабли Маржона кунт ва меҳр билан тасвирий ҳар бир ранги устида изланиш олиб боради. Асарларида баркамоллик, ёшлик ҳисси, аёл қалби, миллий қадриятлар уйғунлиги мужассамлашган.

Ўзлигини англашга, яшашнинг моҳиятини билишга уринаётган одам ҳар бир ҳодисада умумийликни кўради. Айниқса, санъаткор заррада қуёшни, томчида денгизни акс эттиришга интилади. Маржонанинг пейзаж, натюрморт, портрет жанрларидаги турфа асарларида ҳам олам ва одамни танишга, айниқса, инсон кўнгли сир-синаотларини туйишга бўлган кучли истак акс этади.


Нилуфар ҲАЙИТОВА




Akvarel. *Natyurmort*

# Marjona Komil qizi


ijodidan



Gobilen. *Bahor*



Akvarel. *Bahor*



Gobilen. *Sharq taronalari*



Gobilen. *Poyga*



Gobilen. *Qizlar*

430



ISSN 2091-5330

**OBUNA DAVOM ETMOQDA**

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

